

ЗУБАЙДА ЗОКИР КИЗИ

ЧАСТИЧКА

DАДАЖОНИСИ
Оила саодати сурлари

ЧАСТИЧКА



**УЎК 173
КБК 87.7
3 88**

Зубайда Зокир қизи

Дадажониси оила саодати сирлари / Зубайдада Зокир қизи – Тошкент: ZUKKO КИТОВХОН номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2022. – 224 б.

Кўлингиздаги ушибу китоб, Зубайдада Зокир қизи қаламига мансуб бўлиб, “Дадажониси” номи билан кичик бир қўлланма сифатида ўқувчилар эътиборига тақдим қилинмоқда. Унда асосан, аёлларимиз томонидан оиласда эр билан бўлган муносабатларда, шунингдек, рўзгор-юмуши ишларидага йўл қўйиладиган айрим хато ва камчиликлар, шу билан бирга уларнинг ечимларига атрофлича тўхталиб ўтилади.

“Дадажониси” деб номланган ушибу китобнинг ютуғи шундаки, унда нафақат аёлларимиз, балки оила қурии остонасида турган ёш йигит ва қизларимиз, шунингдек эр-хотинлар учун ҳам зарур бўлган маслаҳатларни топиш мумкин. Хусусан, оила равнақи ва аҳиллиги йўлида ҳар икки томон ҳам эътибор қаратиши керак бўлган айрим нозик жиҳатларга берилган камтарона маслаҳатлар, ўғитлар ўзига хос тарзда жамланган.

Ушибу китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, барчага бирдек манзур ва фойдали бўлади, деган умиддамиз.

**УЎК 173
КБК 87.7**

ISBN 978-9943-8022-4-7

**© “ZUKKO КИТОВХОН”
номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2022**

Сўзбоши

Сюзбони

Жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оиладек улуф даргоҳ, хусусан бу даргоҳнинг икки етук йўлбошчилари ва уларнинг ўзаро муносабатларига дахлдор бўлган айрим, лекин ўта аҳамият касб этувчи томонларига нисбатан айтилажак сўзларимизни насиҳат эмас, балки маслаҳат ўрнида қабул қилишингизни сўранган ҳолда ундан олинган фойда бўлса – Аллоҳдан, нуқсон ва камчиликларни эса камина ходимангиздан деб билишингизни истар эдим.

Рухияти, жисми, фикрлаши ҳатто ҳиссиётлари қадар ўзиникидан мутлақо фарқли бўлган эркак аталмиш зотдан яхши эрликни талаб қиласидиган аёл, энг аввало яхши хотин бўлишни уddyалай олмоғи лозим. Ушбу мўъжаз рисолада сиз муҳтарамалар билан яхши хотин, суюкли рафиқа бўлиш илми борасидаги баъзи тавсияларни баҳам кўрамиз.

Оила – эркаг-у аёл учун ҳаёт, турмуш аталмиш фанлардан сабоқ берувчи дорилфунунга ўхшайди. У даргоҳни аъло баҳоларга, имтиёзли диплом билан

битириш ҳам, дарслардан қочиб, кафема-кафе юриб ҳам тамомлаши мумкин. Аммо, оиланинг гуллаб-яшнаши, бахтга бурканиши “тиришқоқ” эркак ва “аълочи” аёлнинг ҳаракатлари самараасидир.

Оилада аёлнинг бугуннинг мураккаб, ҳамма нарса чалкашиб кетган муҳитида эркак психологиясини яхши билиши ҳар доимгидан-да долзарб. Зотан, заифа, ожиза саналган аёлда шундай қудрат мавжудки, у атрофидагиларга, айниқса, эрига кучли таъсир ўтказиш қудратига эга.

Чунки, оилада эр-хотин ўзаро бир-бирини тушубниб, ҳамжиҳатлиқда қанча қўп меҳнат қилса, шунча қўп роҳат кўриши ҳақиқат. Аммо оилада ва ўзаро эр-хотинлик муносабатларда кўр-кўронা, илмсиз тарзда эмас, балки ҳар иккиси ҳам ўзининг ҳадди-чегарасини билиб, шариат чизиб берган чизик-худудларни топтаб ўтмаган ҳолда адо этиши бошқа нарса. Жамиятда бугун оила психологиясига доир маълумотлар кўпайди, турли-туман психолог хизматлари авж олди. Бу яхши. Лекин, Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлган, қадриятимизга уйғун маълумотларга эга бўлишда бироз танқислик сезилади. Борлари ҳам шарқона, мусулмонларга хос эмас. Шу боисдан кичик бир қўлланма, худдики докторнинг беморига ёзиб берган кичик бир рецептидек бўлган ушбу мўъжаз рисоламизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Яхши хотин бўлиш унчалик қийин иш эмас. Шунчаки буни ўрганиш керак, холос. Ушбу рисола ана шу борада сизга кичик бир ёрдамчи бўлишидан умидвормиз.

Оила илми

—

Оила кемасининг хаёт уммони тўфонларидан ҳалокатга учрамай, омон чиқиши учун ҳар бир аёлга РАФИҚАЛИК илми сув ва ҳаводек зарур. Сабаби аёл – асос! Аёл – таянч! Аёл – жамиятнинг сифат белгисидир!

Куёвнинг остонасига гўзал ният билан нозик қадамларингизни қўйиб, озроқ ҳадик ва ширин энтикишга қоришиб кетган маъсум ҳаяжон билан гўшангага киаркансиз, энг аввало, ушбу гапни қулогингизга зирак қилиб тақиб олинг, ойим!

“Шу уйда туб қўйиб, палак ёзаман. Шу эркакдан яхши ота, яхши эргинани ясад оламан. Шу оиланинг қизи – ўз боласидек бўлиб кетаман” деган чиройли истакни қалбингизга нақшлаб олинг.

Халқ ҳақни айтади. “Турмуш – мушт”. Турмуш – бу истироҳат боғи эмас. Унда факат гул кўтариб, изҳори дил қилиб, қўлтиқлашиб юрмайдилар. Турмуш эркакка ҳам, аёлга ҳам баҳтли бўлиш учун бир

умр ўзини такомиллаштириб, ўзини қайта тарбиялаб борадиган майдондир!

Бу майдонда худди шам мисоли ўзингизни йўл-йўла-кай ёкиб борсангизгина, атрофингиз ёришиб бора-ди; ён-верингизни яхшироқ илғаш имкониятига эга бўла борасиз.

* * *

“Менинг бўлганим шу, керак бўлса жуфтимнинг ўзи менга мослашиб олсин” дейдиган аёл ақлли эмас. У бир умр бирга яшайдиган, қанчадан-қанча юкларни бирга кўтаришадиган маҳрами-жонига ўжарлик, беписандлик қилмоқчи эмасми?

Билингки, мослашув барибир содир бўлади. Рўзфор яхшию ёмонни бир-бирига кўндириб қўяди:

Кимдир бунга ақл ва сабр билан ёндашса, кимдир эса ҳадеганда том бошида ногора чалиб, юзизлиқ, шармандачилик билан умри поёнига етиб келади.

Аввал-бошда аразлаб кетавериб, қўйди-чикдиларга бориб, ҳатто қўчини кўтариб, кейинчалик пушаймон бўлиб, яна бирга яшаб кетганларнинг қанчасини кўрдик ва кўряпмиз, эшийтдик ва эшиятпмиз...

Эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам қандай зотдан эканини айнан мана шу жараён ошкор қиласи.

Зотингизга иснод келтирадиган тутумни қилиб қўйишдан тийилинг.

Шошма-шошарлик билан, хиссиётларга берилиб қарор чиқаришдан, ғазаб устида кескин чораларни күриб қўйишдан ўта ҳазир бўлинг, ойим!

Оила бамисоли жанг майдонига ўхшайди. Унда пули қўп ёки билаги бақувват эмас, фаросати кучли томон ғалаба қозонади.

* * *

Бузиш асло мумкин бўлмаган бир қоидангиз бўлсин, азизам!

Уйда ҳар доим чиройли кўринишида юринг!

Жуфтингизни шундай гўзал қиёфада кутиб олингки, у ҳар сафар сизни кўрганида “чиройли хотинга йиланганман-да” деб ўзидан фахрланиб қўйсин.

Унутманг, эркаклар визуал – яъни кўзи билан севадиган жонзорлар.

Улар қалби хулқ-атвор, қадриятлар билан эмас, айнан ташқи гўзаллик билан забт этилади.

Бу дегани эркак учун ички – қалб гўзаллиги, муносиб хулқ-атвор аҳамиятсиз, дегани эмас албатта. Аммо эркаклар учун ташқи гўзаллик барибир муҳим ўринда туради.

“Эркаклар кўзи, аёллар қулоғи билан севади” деб бежиз айтишмаган.

Никоҳларига қўп йиллар бўлган бўлишига қарамай, эрининг нигоҳида янги турмуш қурган пайтларидагидек муҳаббат алангаси сўнмаслиги-ни истаган аёл ташқи кўринишига эътиборли бўлиши шарт!

* * *

Эркак кўза, аёл эса кўзани тўлдириб турувчи сувдир, гўё. Сув ўз табиатига кўра мослашувчан. Аёл мослашувчанликни қўйиб кўзага айланадиши, икки кўза бир-бирига урилиб, чилпарчин бўлишга маҳкум.

* * *

Аёлнинг жозибаси – унинг итоатида. Мустақилликка интилувчи, кучли аёл қанчалик келишган ва гўзал бўлмасин эркакни ўзидан итаради.

Жуфтининг кучлилиги, мустақиллиги эркакка “Ҳамма нарсани ўзим қила оламан”, “Ҳаммасига ўзимнинг ақлим етади”, “Менга ёрдамингиз керак эмас” каби сигналларни беради ва бу сигналлар эркакни итоатсиз, кучли аёлдан узоклаштиради.

Оқибатда эса аёлнинг ўзи бундан изтироб чекиши бошлайди.

“Фурур”ингиз (шайтонингиз) бўйин ёри бермаса ҳам, “итоат қилиб, ўзимни ерга уришим керакми?” деган ўй кўнглингиздан бир-бир ўтиб турса ҳам, ўзингизни бир тафтиш қилиб кўринг, ойим!

Аёллик табиати раҳбарига (эрига) итоат қилишга мойил яратилган. Фитратига қарши чиқаётган аёл – ўз-ўзини азоблаб яшаётган аёлдир.

Эркак ўзига итоат қиладиган аёлни яхши кўради, қадрлайди. Гарчи у ўта гўзал бўлмаса ҳам. Чунки, итоатли аёл эрига эркак бўлишга, ўзининг кучини намойиш этишга, қўл остидагиларни бошқариш-

га имкон бераётган, ЭРКАКлигини ҳис эттираётган аёлдир.

Аёлнинг итоаткорлигига буюк қудрат яширин. Қанчалик ғалати туюлмасин, эрига итоат қиласидиган аёл ўжар, ўзбилармон аёлга қараганда эркак наздида ҳам азиз ҳам суюкли бўлади. Итоатли аёл истаган нарсасини кўлга киритиши мумкин. Осонгина, йифи-сифисиз, уруш-жанжалларсиз...

Эрингизга шартта гап қайтарманг, юзига оловдек сачраманг. Агарда итоат қилишга нафсингиз, тўғрироғи шайтонингиз ҳадеганда йўл беравермаса, буни бир ибодат деб билинг ва итоат қилиб, ажр-савобга эришишингизни ўйланг!

Эркаклик табиати ўзига бўйсунувчан аёлни яхши кўради, буни ҳам унутманг!

Шариатда эрга итоат деганда, табиийки, Аллоҳнинг кўрсатган чегараларидан чиқмайдиган ўринлар назарда тутилади.

Ҳолиққа маъсият бўладиган ўринларда эса маҳлуққа итоат йўқ.

* * *

Умр йўлдошингизни ҳеч қачон бошқа эркаклар билан солиштирманг. “Дугонамнинг эри уни олиб берибди”, “Опамнинг эри бундок ишларни қилибди” каби гапларни айтишингиз эркак кишининг ғурурига тегади, иззат-нафсини жароҳатлайди. Хўш, эрингиз ҳам сизга “Ўртоғимнинг хотини жуда пазандада ёки ақлли аёл-да” деса ёқадими?

Эрингизнинг олдида ҳеч қайси эркакни мақтаб гапирманг. Ҳаттоки у отангиз, акангиз ёки бирор қариндошингиз бўлса ҳам. Гарчи у сизнинг отангиз бўлса-да, эркак онг остида сиз ҳайратланиб, мақтаб гапираётган эркакка ўзини солиштириб кўради. Ва табиийки ўзида йўқ бўлган сифатлар ёки отангиз қилаётган ишларни қилолмаганидан, сизнинг мақтовингизга, эътирофингизга ўзи эмас, бошқалар сазовор бўлаётганидан ғижинади, кўнглида ғашлик туюди. Бу тутумингиз давомли бўлаверса, бора-бора у ўзини нуқсонли ҳис қилиб, сизни эътиборингизни қозонишдан умидини узиб, сиз учун нимадир қилишни хоҳламай қолиши ҳам мумкин. Чунки, ўз жуфти наздига энг, энг, энг бўлиш эркакнинг зарурий ва шиддатли эҳтиёжларидан биридир. Бу эҳтиёжи давомли қондирилмай борилар экан, эркак ўзини ЭРКАКдек тутмай кўяди.

* * *

Ойим!

Эркакми ёки аёл – дунёнинг энг гўзал қасрида, жаннатий неъматларга кўмилиб умр кечирса-да, ёнида жуфти бўлмаса, у яримдир.

Ўз жуфти билангина у бир БУТУНга айланади.
(Отамиз Одам алайҳиссалом қиссаларини эсланг).

Яхшими-ёмонми, оқми-қорами, кўримлими ёки кўримсиз, топармон-тутармонми ёки қўли бироз қисқа – чекингизга тушгани шу. Шу жуфтингизнинг борлиги баҳт. Унинг ғамида елиб-югуришингиз, хизматида туришингизнинг ўзи бекаму кўстликдир.

ЧИҚСАЛУВА

* * *

Бахтли оила бу – лотореяга чиқсан ютуқ, дегани эмас. Бахтли оила бу – ҳар икки томоннинг ўз устида тинимсиз ишлаши, яъни такомиллашиб бориши ва бир-бирини бахтли қилишга интилиши демакдир.

* * *

Бир неча кундан бери ювилмай ётган идиш-товоқ, кир ювадиган тоғорага ивитиб қўйилганига кунлар бўлиб кетган кийим-кечаклар, ҳеч охири қўринмайдиган, “эртага қиласман”дан дазмол столида эртасини кутавериб зериккан, фижимланган кийимлар...

Билингки, уйига яхши қарамайдиган аёл ўзига ҳам яхши қарамайдиган аёлдир ёхуд уйини пок тутмаган аёл ўзини ҳам покиза тутмайдиган аёлдир. Бу иккиси бир-бирига узвий боғлиқ. Аёл кишининг энг яхши пардози сув – покизалик эканини унутманг. Ўзингизга қанчалик яхши қарасангиз-у, лекин уйингиз ивиришиб ётса – бу ҳам яхши эмас.

Уйингизда доим тартиб ва тозалик хукм суриншига харакат қилинг, азизам, гарчи эрингиз тартибсизликдан илҳом оладиган ижодкор бўлса ҳам.

* * *

Турмуш ўртоғингиздан яхши ишлари учун самимий мақтовингизни аяманг.

Масалан: “Гўштни жуда яхши жойидан олиб-сиз-да”, “Одамларга қайтимини кутмай яхшилик қилиб кетаверишингиз менга жуда ёқади-да!”, “Куръон ўқигандаги овозингизни эшитиб бирам мазза қи-

ламан”, “Биз учун шунча харакат қилиб, ишляяпсиз, жонингиз соғ бўлсин”... каби. У ёғи энди ақл-идро-кингиз марҳаматига боғлиқ.

Мақтов ҳар қандай инсонни руҳлантиради ва кишига ҳақиқий жисмоний қувват бағишлайди.

Бир яхши ишига берилган рағбат – эътироф ва мақтovлар натижасида кишининг ўша ишини яна давомли тарзда, қайта-қайта қилишга интилиши ҳаётий тажрибалардан маълум. Мақтов эшитган кишининг ўзини самимий мақтаган кишига нисбатан ижобий ҳисларни туйиши ҳам бор гап. Ўзининг яхши эканини эшитиши жуфтингизга мойдек ёқишини унутманг. Айниқса, эркакнинг буни энг яқин кишиси, иккинчи ярмидан – аёлидан эшитиши у учун ўта ёқимлидир!

* * *

Ғазаб отига минган эркак бамисоли атом бомбасига ўхшайди, бир портлайди-ю, дарҳол ўчади. Ғазбланган аёл эса шамга ўхшаб секин ёнади, лекин узоқ, тутаб ёнади.

Эрингиз ғазбланганида сиз унингизни чиқармай туриңг. У бир портлаб олганидан кейин айтадиган гапингизни гапираверасиз, гапираверасиз, гапираверасиз...

Маҳкамадаги оилавий ажримлар билан шуғулланиш бўлимида 27 йил қозилик лавозимида ишлаган киши эътироф қиласиди: “Талоқ ҳодисаларига энг кўп сабаб бўлувчи омил эркакнинг ноўрин ғазаби ва хотининг аҳмоқона жавоби эканини билдим”.

* * *

Ўз эрига “подшоҳ”дек муомала қиласиган аёл “малика”дек муомала кўради. Эрини хизматкор ёки ундан ҳам пастроқ даражада кўрадиган аёл айнан шундай эркак билан умргузаронлик қиласиди.

Бу борадаги энг гўзал ва тўғри формулани пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам қизлари Фотима розияллоҳу анҳони турмушга узатар чоғи у кишига насиҳат қиласарканлар, бутун инсониятга ҳам икром ўлароқ қимматли ўгитларини тақдим этиб кетдилар:

“Эй Фотима сени Алига узатяпман, сен унга чўри бўлгин! Эй Али сенга Фотимани беряпман, сен унга қул бўлгин!”

* * *

Аёл ўз номи билан заифа. У доим кимгадир суюниб яшашни хоҳлади. Отангиз сизга берадиганини бериб бўлди. Ўғлингиз ҳали ёш, улғайса ҳам ўз “эгасини” топиб кетади. Яхши-ёмон кунингизга ярайдиган beminnat суянчигингиз фақатгина жуфтингиздир.

Унинг борлиги – буюк неъмат. Бу неъматни ҳис қилинг ва қадрига еting.

* * *

Эрингиз сизга сиз истаганингиздек муомала килмаётган бўлса, энг аввало ўзингизни бошдан-оёқ бир тафтиш қилиб чиқинг. Жуфтингиз эътиборини қозониш, унга ёқимли бўлиш учун ташқи кўриниш-у, феъл-авторингиз устида ишлашдан чарчаманг. Эркак учун аёлнинг ташқи кўриниши жуда муҳим.

Унутманг, эр-хотин ҳам ўзаро, ҳам оилавий муносабатларда қанча кўп меҳнат қиласангиз, шунча кўп роҳат кўрасиз.

* * *

Эркак кўзлари билан севади. Кўчадан келганида доим ўзига қарамай қўйган хотин уни қарши олар экан, у аёлни қанчалик яхши кўрмасин, бора-бора унга қизиқмай қўяди.

* * *

Эркак ўзини қайта тарбиялашга уринаётган аёл билан бирга яшай олмайди. Агар эрингизни ўзгартироқчи бўлсангиз, аввало, ўзингиз ўзгаринг. Агар эрингизни қайта тарбияламоқчи бўлсангиз, буни тўғридан-тўғри амалга оширманг, балки айланма йўлларни ўйлаб топинг.

* * *

Доимо эрингизнинг диққат марказида бўлишга уринманг. Эркаклар ўз чегараларини бузиб ўтувчиликларни ёқтиришмайди. Ҳаддан ортиқ ғамхўрлик қилиш, эътиборини жалб қилиш мақсадида тез-тез телефон қилиб туриш ёки “мени севасизми?” қабилидаги СМСлар ёзиш эрингизда сизга нисбатан меҳр-муҳаббатни кучайтиrmайди, аксинча, жаҳлини чиқарди.

Руҳшуносларнинг тадқиқотларига кўра хотинининг ҳадеб қўнғироқ қиласверишини ёқладиган эркаклар деярли топилмади. Хотинининг “Қачон уйга келасиз?” деб сўраши ҳам эркак кишининг энсасини қотирап экан.

Хўш, сизнингча, бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Майли, кўчага чиқиб кетаётган эрингизга йилда бир марта “қачон қайтасиз?” деб сўрашингиз мумкин, ўта зарурий ҳолат бўлмаса, бир кунда бир маҳал қўнғироқ қилиш ҳам мумкин. Лекин зинҳор ундан кўпайтириб юборманг.

* * *

Аёлнинг хотиржамлиги буюк ишларга қодир. Агар аёлнинг хотири жам бўлса ва кайфияти яхши бўлса, ҳар қандай кучли бўронни ҳам тиндира олади. Бу асабийлашаётган эр бўладими, чинқириб йиғлаётган болами, тушкунликка тушиб қолган дугонами фарқи йўқ.

* * *

Аёл ўзини баҳтли ҳис қилмас экан, у ўз оиласидагиларни ҳам баҳтли қила олмайди. Она баҳтли ва хотиржам бўлмаса, унга ҳар нарса қийин, оғир келади. Болаларининг ўйин-кулгулари изтироб, гўдаклик хархашалари мусибат бўлиб кўринади.

Она баҳтли бўлсинки, болалари ҳам баҳтли бўлсинлар.

* * *

Ақлли аёл мана бу сеҳрли сўзларни тез-тез ишлаб турадиган аёлдир: “Хўп бўлади бегим”, “Сиз нима десангиз шу”, “Ўзингиз яхшироқ биласиз”, “Айтганингиздек қиласиз”, “Албатта, дадажониси...”

Ана шундан кейин эркак фақат ўзининг энг “ақлли” қарорларига ёпишиб олмасдан, атрофидаги доно

одамларнинг (яъни ўзининг ақлли хотинининг) сўзларига ҳам қулоқ солишни бошлайди.

* * *

Ўзини севмаган, ўзини қадрламаган аёлни эркак ҳам севмайди, қадрламайди. Энг аввало, ўзингизни ўзингиз севинг, қадрингизга етинг!

* * *

Аёл киши эрининг қадрини уни йўқотганидан кейин билади.

* * *

Ўзларига ёпишиб олган аёлни эркакларнинг жини суймайди. Эр-хотинлик муносабатларида чегарани билинг, эрингизни ягона дикқат марказингизга айлантириб олманг.

* * *

Жуфтингизнинг яхши сифатларини ўзига билдириб туринг. Масалан: “Ота-онангизга меҳри-бонлигингизга жуда ҳавасим келади-да” ёки “Оилапарварлигингизни бирам яхши кўраман”, “Ўғлингиз ҳам ўзиздек бўлсин-да, илоҳим” каби. Унутманг, ҳар бир инсон – эркак-аёл, ёш-қари – рағбатга муҳтож. Шу жумладан, эрингиз ҳам.

* * *

Ширин сўзингизни ҳеч қачон, ҳеч кимдан аяманг. Инсон кўнгил билан тириқ, у билан меҳр шевасида гаплашиш даркор.

ЧАРЧАМАНГ

* * *

Аёлнинг энг ақллиси ўзининг ақллилигини эрига билдирамаган аёлдир. “Хўп бўлади, дадажониси” деб эрининг кўнглини олади-ю...(сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб, билиб-билиб ишини қилади)...

* * *

Аёл баҳтли бўлса, бутун оила саодатли бўлади. Аёл маъюс, ғамгин экан унинг болаларининг кўзлари кулмай катта бўлади. Жонингиздан узиб ясаган ЖОН ҳаққи-хурмати баҳтли бўлишдан, ўзингизни баҳтли қилиш йўлларини ахтаришдан чарчаманг, тоифадош!

* * *

Аёл эркакнинг асосий суюнчи ва илҳом манбаидир. Бир ишни қилаётган эркак аёлидан ўзи ҳам англамаган ҳолда қўллаб-кувватлашни кутади. Эрингизга рағбат беришга, икки оғиз ширин сўз айтишга асло эринманг. Ахир, “илҳом париси” бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ширин баҳт-ку.

* * *

Эрининг нигоҳида никоҳининг ilk паллаларидек муҳаббат аланга олишини хоҳлаган аёл ташқи кўришига аҳамиятли бўлиши шарт.

* * *

Ёғ ҳиди анқиб турган зерикарли уй бекасига айланиб қолмаслик учун фақат уй ишлари билан ўрлашиб қолмасликка ҳаракат қилинг, азизам!

Ўзингизга ёқадиган, кўнглингизга ўтирадиган бирон-бир машғулот билан шуғулланинг.

Бу, эҳтимол, дунёқарашингизни кенгайтирадиган китоб мутолааси бўлар ёки чет тилларидан бирини ва ё тўқишини ўрганиш, балки фитнесс клубига қатнаш бўлар.

Хуллас, сизни шахс сифатида ўстирадиган, ҳаётингизга завқ олиб кирадиган ўз хоббингизга эга бўлинг. Бу билан сиз аввало ўзингиз, қолаверса, жуфтингиз учун ҳам қизиқарли шахсга айланиб борасиз. Қолаверса, болаларингизнинг ҳам сиздан фахрланиб, ғурур туйишларига эришасиз.

* * *

Яхшими, ёмонми жуфтингизнинг борлиги баҳт. Унинг ғамида елиб-югуришингиз, хизматида туришингизнинг ўзи бекаму кўстликдир. Ишонмасангиз, жуфтини йўқотган, ажрашиб кетган ёки турмушга чиқолмай турганлардан сўранг.

* * *

Эркак табиатидаги ўзига хос жиҳатларни билмаслик туфайли кўпинча аёллар ўз турмуш ўртоқларидан бехудага хафа бўладилар.

Жуфтимиз бизни севиб қолса, худди биз севиб қолгандек таъсиrlаниши, ўзимизни қандай тутсак ва жавоб қайтарсак, у ҳам худди биздек ўзини тутиши ва жавоб қайтаришини кутамиз ва афсуски, хато қиласиз.

Аёллар эркакларнинг аёлдек ўйлашини, таъсиrlашини, йўл тутишини кутиб адашадилар. Биз эркак ва аёлнинг бошқа-бошқа олам эканини унугиб кўйдик, натижада бизнинг муносабатларимиз ортиқча қарама-қаршилик ва келишмовчиликка тўлди.

~~САЛАМОТ~~

“Марс”дан келиб, қалбингизни забт этган ярамас-нинг хусусиятларини яхши ўрганинг “Венера” гўзали!

* * *

Эркак кишини ўзига чорлайдиган нарса – ҳусн, итарадигани эса сўздир. Оғзидан чиқаётган сўзга эътиборли бўлишни уддалаган аёл, энг сара аёлдир.

* * *

Аёл ҳар доим эрининг кўзига гўзал бўлиб кўриниши шарт. Тўзғиган соч турмаги-ю, ювилавериб унниқиб кетган халатдан воз кечинг. Сиздаги ҳусн, малоҳатдан завқ олишга энг ҳақли киши бу –жуфти-ҳалолингиз. Шундай экан кўчадагиларни, ишхонадагиларни ёки “гап”дагиларни эмас, балки умрингизга йўлдош бўлган жуфти-ҳалолингизнинг кўзларини қувонтиринг!

* * *

Ҳаёт денгизининг бешафқат тўлқинлари ўз бағридаги йўловчиларни ҳали у соҳилга ёхуд бу қирғоққа отиб синайди.

Бир этак қаро кўзга ОНА бўлиш баҳти ва масъулиятига мушарраф бўлган аёл энди биттагина жонига эмас, бир этак боласининг қадди ғоз бўлиб ўсишига ҳам, денгиздаги беомон тўлқинлардан бешикаст чиқишига ҳам масъул.

Она зоти борки, боласининг баҳтли бўлишини, унинг роҳатини кўришни истайди, шу умид илинжида яшайди, умр кечиради.

Аммо “олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи тушади”.

Аёл баҳтли бўлса, бутун оила саодатли бўлади.
Аёл маъюс, ғамгин экан, болаларининг кўзлари кулмай катта бўлади.

Жонингиздан узиб ясаган ЖОН ҳаққи-ҳурмати баҳтли бўлишдан, ўзингизни баҳтли қилиш йўлларини ахтаришдан чарчаманг, тоифадош!

* * *

Аёл киши ўзи ва эри ҳақида унутиб, фақат болалари билан ўралашиб қолганида оиланинг пойдевори дарз кетишни бошлийди.

* * *

“Турмуш – мушт”. Турмушда бўлиб ўтган кўнгилсизликларни ўтмишда қолдиринг. Ҳадеганда уларни жуфтингизга эслатаверишдан ўзингизни тийинг. “Родомдан чиқишимда гул олиб келмагансиз” ёки “Ойимнинг туғилган кунларига тузукроқ совға обермагансиз” каби. Бу ёқимсиз хотиралар эрингизнинг ҳам, ўзингизнинг ҳам таъбингизни хира қиласи ва муносабатларингизга путур етказади.

* * *

Аёл ақлли бўлиши шарт. Аммо эркакни чўчитиб кўймаслик учун ўз ақлини очик-ойдин намойиш қилишдан тийилиб туриши керак.

Халқимиз “Эр вазири – хотин” деб айтади. Аммо вазир қанчалик ақлли бўлмасин, ҳадеганда подшоҳга ақл ўргатаверса, камига ишларига бурнини тез-тез сукиб турса, подшоҳ бунга ижобий муносабат кўрсатмаслиги кундай равshan-ку, тўғрими?..

* * *

Аёлнинг бир оғиз ширин сўзи ёки хотиржам, мамнун нигоҳи эркакдаги ғазаб оловини сўндира олади. Уруш-жанжалсиз, ортиқча куч сарфламасдан уни жаҳл отидан тушира олади. Ўзидаги ана шундай бебаҳо хислатни яхшиликка, факат яхшиликка ишлатиш ҳар қандай аёл уддасидан чиқа оладиган ишдир!

Рамазон. Уйда ифтор берәётган эдик. Оғиз очишга озгина вақт қолганда, очлик ва чанқоқдан асаблари таранглашган турмуш ўртоғим кичик эҳтиётсизлик қилган бир жиянини кўпчилик олдида уриша кетдилар. Жиян ўнғайсизланди ва ҳамманинг олдида изза бўлгани учун қовоғи осила бошлади. Шартта ўртага тушдим-да, хотиржам ҳолатда “Дадажониси, рўзадорсиз, қўйинг, шу арзимас нарсага асаб толаларингизни беҳуда таранглаштируманг. Кайфиятингизни бузишга арзирмикин шу нарса?” дедим.

Ғазабдан чакка томирлари бўртиб, рўпарасидан чиққани икки ямлаб бир ютгудек важоҳатда турган эрим бирдан жим бўлиб қолдилар. Аммо сир бой бер-маслик учун “Сен ҳам сочиқларни қўй” дедилар-да, тўнғиллаб ошхонадан чиқиб кетдилар. Турмуш ўртоғим ҳам беҳуда асабланмадилар, ҳам рўзадор ҳолда кимнингдир дилини оғритишдан сақланиб қолдилар. Ҳалиги жияни ҳам ҳартугул гап эшитиб, хафа бўлиб юришдан қутулди.

Эркак кишига аёлининг таъсири кучли. Биз аёлларнинг ишимиз эса бу таъсири эзгуликка, факат эзгуликка ишлатишдир!

* * *

Эркақдан моддий имкониятидан ортигини талаб қилмаслик керак. Агар унинг қўлида бўлса шундоғам топганини сизга, болалига тутади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар:

“Дунё ишларида ўзингиздан пастдагиларга, охират ишларида ўзингиздан юқоридагиларга қаранг!”

Ушбу ҳадиси шарифни вақти-вақти билан эсга олиб турсангиз, ишончингиз комил бўлсинки, яшаш анча осонлашади, Азизам!

* * *

Ҳақиқий эркак табиатан аёл кишига бўйсунмайди, бўйсуна олмайди. У хотинига ўзининг иккинчи ярми сифатида қарайди, уни севади, ҳурмат қиласди, қадрлайди, ҳатто бошида кўтариб юриши ҳам мумкин, лекин бўйсунмайди.

Агар эрингиз сизга бўйсунмаётган бўлса? бундан фақат хурсанд бўлинг. Демак, сиз ҳақиқий эркак билан яшаяпсиз.

* * *

Эркаклар урушиб қолгандан кейин хафагарчиликни ҳафталаб таҳлил қилиб, аразлаб юрадиган “ақлли” аёлларни эмас, тортишувдан икки соат ўтар-ўтмас илжайиб, чой қуйиб узатадиган “тентак” аёлларни афзал кўрадилар.

Оилангиз тинчлиги учун “тентак” бўлсангиз бўлибсиз-да, бегойим...

* * *

Азизам!

Ғазаб ва жаҳл устингиздан ҳукмронлик қилишига имкон қадар йўл қўйманг.

Оилада тез-тез содир бўладиган уруш-жанжаллар ҳар қандай “Лайли-Мажнун”ни ҳам бир-биридан мингларча масофаларга узоқлаштириб юборади.

Ноаҳил эр-хотиннинг ўртасидаги совуқ муносабат фарзандлар рухияти ва саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатади. Чунки, бола ҳали бола экан, унинг учун энг муҳим нарса – онасини хотиржам, баҳтли ҳолатда кўриш. Шугина, холос. Болага бундан бошқа нарса керак эмас. Доим урушган, жанжалдан боши чиқмайдиган эр-хотинларнинг эса болалари ҳам жанжалкаш ва асабий бўладилар. Бунинг исботи ҳаётда тикилиб ётибди. Ишонмасангиз, бир эътибор беринг, атрофни кузатинг.

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайхи васаллам айтдилар:

“Билаги бақувват киши (курашда шеригини енгган) паҳлавон эмас. Ҳақиқий паҳлавон ғазаб келган пайтида нафсиға ҳоким бўла олган кишидир”.

(Бухорий, Муслим ривоятлари).

* * *

Хотири жам киши сал нарсага ёниб, ғазабланавермайди.

Нимадир сабаб бўлиб, асаб таранглашади, жаҳл қўзийди ва ғазаб келади. Бу – табиий жараён. Лекин биз ғазабни бутунлай чиқармасликка эмас, уни бош-

каришга, нафсимизга, атрофимиздагиларга зарар бермайдиган ўзанга буришга буюрилганмиз.

* * *

Жуфтларни энг биринчи навбатда рухий уйғунлик бирлаштириши керак.

* * *

Жуфтингиздан комилликни кутманг, азизам!

Бир ёстиққа бош қўйганингиз – жуфтингиз – гуноҳкор бир банда, ожиз бир инсон. Сиз нуқсон-камчиликлари бисёр бирига турмушга чиққансиз. Зотан ўзингиз ҳам мукаммал эмассиз.

Дунё аталмиш синовхонага келиб имтиҳон қилинмаган, имтиҳонларда ҳеч адашмаган, бир марта бўлса-да бурни ерга ишқалмаган киши йўқ ва бўлмайди ҳам.

Агар жуфтингиздан комилликни кутсангиз, хато қиласликни талаб қиласангиз – оилангиз учун муаммолар эшигини очибсиз, демак.

Хато ўйлаганингизни тушунганингизда эса ҳафсалангиз пир бўлган ва аллақачон кеч бўлган бўлади.

Шунинг учун ҳам жуфтингиздан комилликни талаб қилманг, ойим!

Ҳаётда кўп нарсалар устидан тажриба қилиб кўриш, қайта ва қайта бошлиш, бошқатдан уриниб кўриш мумкин, лекин ОИЛА борасида ундей эмас.

Чунки унда бир сиз ва жуфтингиз эмас, бир неча мурғак қалблар, озурда жонлар ҳам мавжуд. Уларни

синдириш эса ота-она томонидан қилинадиган энг катта шафқатсизликдир.

* * *

Аёл энг биринчи навбатда рафиқа эканлигини унутмаслиги лозим. Ташқи кўринишига эътиборли бўлиш унинг энг зарурий мажбуриятидир.

* * *

Эрини рози қилолган аёл Роббисининг розилигиги қозонибди, демак.

Хотинига омонат ўлароқ қараган эр ҳам Аллоҳнинг розилигини топибди, иншааллоҳ.

Аммо, бу осон иш эмас (жаннатга кириш осон деб сизга ким айтди?)

Турмуш – мушт! Эр-хотин ўртасида кора мушук тез-тез ўтиб туриши эса турган гап.

Лекин бир-бирига кин сақлаб, аразлашиб, “Сен менга унақа дединг, мен сенга бунақа дегандим” деб майдалашиб ўтирасдан, тезда ярашиб олишга, ора-ни ислоҳ қилишга уриниш керак.

Бу сулҳ нафақат эр билан хотиннинг ҳаловати, балки оиласдаги ижобий муҳитни барқарор қилиш учун ҳам ўта зарур.

Зотан, болалар соғлом, тинч-тотув муҳитда ўсиб, катта бўлсалар, руҳияти бутун, танаси соғлом бўлиб вояга етадилар.

Уруш-жанжал, бақир-чақир ичидаги етишган болалардан эса хайрли, баҳтли авлод чиқиши даргумон.

* * *

Жуфтингизга қанча яхши муносабатда бўлсангиз, ўзингизни шунча баҳтли ҳис қиласиз. Чунки у ҳам сизга жавобан меҳрибонлик, ғамхўрлик қилишни бошлайди.

* * *

Ҳақиқий эркак ўзи барпо қилган “мамлакат”да фақат унинг шартлари асосида умр кечирадиган аёл билан яшашни истайди.

Ух, буёғи қанчадан тушди энди, азизам?! Ахир, олдимизда у ярамасни “бурнидан ип ўтказиш”, “гаҳ” деса қўлга қўнадиган қилиш” деган “устувор” вазифалар турган бўлса... Келинг, бу “эркак” деган маҳлукотни бироз ўрганишга ҳаракат қиласиз.

Эркак қайси динга, қай миллатга мансуб бўлмасин, кучли ёки кучсизроқ, бойми ёхуд камбағал, келишган ёки кўримсиз – унинг ЭРКАКлик моҳияти (суть) ўзгармайди. Ер юзининг қаерида умргузаронлик қилса, қай асрда туғилиб, қандай иқлимда яшаган бўлса ҳам у – ЭРКАК. Тамом-вассалом.

Демак, оналаримизнинг “ҳамма эркаклар бир гўр” деган гапларида жон бор.

Аслида ҳам ҳақиқий эркак кучли, унинг шартларини муҳокама қиласидиган, ўзига итоат қилмайдиган аёл билан яшай олмайди. Эркак ёки у билан ажрашади, ёки (эҳтимол болаларини кўзи қиймай) ажрашмаган тақдирда ҳам ўз эркаклик вазифаларини бажармай, масъулиятларини адо этмай кўяди. Яъни четта чиқиб олади-да, ҳаммасини аёлнинг ўзига ташлаб кўяди (битта қозонда икки қўчкорнинг калласи қайнамайди, ахир). Ўзи-

ни намоён қила олмаган, ЭРКАКлигини ҳис қилолмаган эркак борган сайин ожизлашиб, тажовузкор, оиласига, айниқса, жуфтига меҳрсиз ва эътиборсиз бўлиб бораверади. Бир эътибор беринг-а, аёл устун бўлган оиласарда эркаклар аламзада, пассив ва аёлига нисбатан нафрат билан яшайдилар. Бундай оиласарда гармония-үйғунлик ва бир-бирини ардоқлаш, севиш-севишишнинг асари атроф тугул, ўзларига ҳам сезилмайди.

Хўш, унда нима қилиш ёки нималар қилмаслик керак?

Азизам! Кучли бўлмаслик керак. Аёлнинг кучи унинг ожизалигига. Эркакнинг кучсизлиги аёлининг кучлилигига.

* * *

Эрингиз билан тортишиб ёки жанжаллашиб қолганингизда дарҳол ота-онангизга, яқинларингизга айтиб, арзи ҳол қилишга, телефон қилиб, ичингизни бўшатишга шошилманг, азизам!

“Эр-хотин уруши – дока рўмол қуриши”. Шундай экан, иложи борича “дока рўмол”нинг қуришига бошқаларни аралаштириб, ишни чигаллаштирганингиз, яқинларингизни безовта қилмаганингиз маъкул.

Умар розияллоҳу анху шундай деган эканлар:

“Мен муаммо, мусибатларимни кимсага гапирмайман. Чунки, агар дўстларимга айтсан, улар бундан хафа бўладилар. Душманларимга айтсан, улар бундан хурсанд бўладилар. Шунинг учун Роббимдан ўзгага арзи ҳол қилиб ўтирмайман”.

Нақадар ҳак сўзлар! Шундай эмасми?

* * *

Тоғни талқон қилишга қурби етадиган эркакнинг бир ожизлиги, дунёни хушёр қўриқлашга қодир эркакнинг бир ғофиллиги борки, у аёлидан эҳтиёт бўлмайди!

Хотинининг бир ишораси билан инсонийликдан чиқади, аёлининг бир гугурт чақиши билан ўз дунёсига ўт кўйиб, қараб ўтиради.

Ота-онасининг дилини оғритаётган ўғиллар, жигарлари билан юзқўрмас бўлаётган ака-укалар, ана шу ГОФИЛЛИКНИНГ аламли ва аччиқ мевасидир. Берсин, берсин уйғоқликни Аллоҳ аёл зотига берсин!

* * *

“Қаерда эдингиз?”, “Ким билан кўришдингиз?”, “Нима ҳақида гаплашяпсиз?”

Агар оиласам тинч, жуфтим билан муносабатим яхши бўлсин десангиз бу ва бунга ўхшаш саволларингизни тугунчага ўраб, сандигингизга солиб кўйинг, ойим!

Эркак киши табиатан РАҲБАР. Ҳар қандай эркакда раҳбарлик инстинкти ҳар доим мавжуд бўлади.

Эрни сўроққа тутиш, тергаш, назорат қилишга уриниш, босган қадами ҳақида хабардор бўлишга ҳаракат қилиш энг ювош эркакнинг ҳам “тепа сочини тикка қиладиган” хато бир тутумдир.

Аксар аёллар эрларининг қилган ҳар ишидан, олган ҳар нафасидан боҳабар бўлиб туришни хоҳлайдилар. Бу эса эркак кишига мутлақо ёқмай-

диган бир ҳолат. У мустақил шахс. У эркак. У раҳбар. Мантиқан олганда ҳам, нега энди раҳбар ўз қўл остидагиларга (жумладан сизга) ҳисобот топшириши керак?

“Назорат қилиб турмасам, “шохлаб” кетиб қолади-да”, деган иддаода бўлсангиз мутлақо адашасиз. “Шохлайдиган”и шундоғам йўлини қилиб, (ёлғонларни таҳлаб) шохлайверади. Агар “шохлаш” нияти бўлмаса ҳам ёш боладек назорат қилинишдан зада бўлган эркак аччиқ устида “чапга юриш” қилиб юбориши ҳам мумкин.

Эркаклар табиатан ўз эркинликларини чегараланишига зинҳор тоқат қила олмайдилар. Эрингизнинг тоқатини тоқ қилманг. Тотув ҳаёт кечиришни истасангиз унинг эркаклик хусусияти билан ҳисоблашиб иш кўринг!

Нима, сизнинг эрингиздан бошқа ишингиз, вазифаларингиз, масъулиятларингиз, ўз-ўзингизнинг шахсий хаёtingиз йўқми? Қолаверса, фикр-хаёлингизнинг фақат эрингизда бўлиши ҳаёtingизнинг бошқа жабҳаларида оқсашингизга, талофат кўриш ва ютқизишларга олиб келади. Сизга шу керакми?

* * *

Эркак оддий бўлса ҳам уни хурмат қиласидиган аёлни яхши кўради. Аёл эса оддий, лекин уни яхши кўрадиган эркакни хурмат қиласиди.

* * *

Оила худуди – аёл масъул бўлган ҳудуд. Агар оилангизда аҳиллик, меҳр-муҳаббат барқарор бўлиши-

ни истасангиз, бунинг учун астойдил тер тўкишингизга тўғри келади. Оладиган натижаларингиз эса шунга арзийди, албатта!

“Эркак кишининг кўнглига йўл ошқозон орқали ўтади” дейишади. Агар эрингизнинг иштаҳаси “карнай” бўлса, турли-туман овқатларни татиб кўриши ни яхши кўрса, “фақат ош билан шўрвани биламан” деб ўтируманг. Бугунги кунда интернетда ошхонага оид турли-туман сайтлар тикилиб ётибди. Ўшалардан пазандалик сирлари, янгича турдаги овқатларни қилишни ўрганинг.

Ширинликка ўч бўлса, қандолатчилик курсига ёзилиб, пишириқ ва тортлар тайёрлашни ўзлаштириб олинг.

Овқат билан иши йўғ-у, ташқи кўринишингиздан айб топадиган бўлса, “Хоҳласанг шу, ёқмаса, ана катта кўча” деб қайсарлик қилманг. Ахир, шу оила, шу эр – сизники. Оиласиз бузилса, хурсанд бўлиб, дўпингизни осмонга отмайсиз-ку!

Ташқи кўринишингизни бир сидра қайта кўриб чиқинг. Қаерида камчилик бор, қаерига ишлов бериш керак, ўзингизни бир ислоҳ қилинг. Эҳтимол, бироз озишингизни хоҳлаётгандир. Ёки яна озроқ тўлишишингизни истар. Гардеробингизга янгилик киритишингизга, имиджингизни ўзгартиришингизга тўғри келар балки.

Одатда тунги пижаманинг “бамаъниси”дан киядиган бўлсангиз, энди бироз ўзгартириш киритиб, очикроғини кийиб кўринг. У ёфи ўзингизнинг дидингиз ва фантазиянгизга боғлиқ.

Хуллас, бу бир “калаванинг учи”, холос. Ҳар бир эр-хотиннинг ўзаро муомаласи ўзига хос ва шахсийдир. Ҳар ким ўз ҳолатидан келиб чиқиб, ўзини созлаб, ўзгартириб бораверади.

Сиз бир ҳаракат қилиб кўринг. Қилган ҳаракатларингиз ўз самарасини бермасдан қолмайди, иншаллоҳ!

* * *

Бахтиёр оила ЖАННАТнинг бу дунёдаги бир бўлاغидир.

* * *

Оилавий хаётда, эр-хотин ўртасида келишмовчилкларнинг бўлиб туриши табиий ҳол. Муҳими хафагарчиликни қалбда узоқ олиб юрмаслик керак.

Жуфтингиз билан ўртангиздан “қора мушук” ўтиб қолса, буни кунлаб ўйлаб, сиқилиб юрманг.

Нимадир билан банд бўлиш, машғул бўлиш – энг яхши терапия. Бу хафаликни, ғазабни, ҳузурсизликни унуттиради.

Ўзингизни банд қиласиган нима биландир шуғулланинг. Эҳтимол, бу яхши бир китоб мутолааси бўлар ёки бассейнда сузиш. Балки, фитнесс клубга, салонга бориш... У ёғи ўзингизнинг қизиқишиларингизга боғлиқ.

Баъзи аёллар сиқилиб қолса, сериал кўришга ёки интернетда ўтиришга муккасидан кетиб қоладилар. Тўғри, улар ҳам ташвишлардан чалғитиши, муаммоларни бироз унуттириши мумкин. Аммо, бу на

дунёингизга ва на охиратингизга фойда бермайдиган лафвлардан узоқ турганингиз маъқул. Зотан, ақлли киши дунёсига, доно киши ҳар икки дунёсига фойда берадиганини танлайди.

* * *

Азизам, ҳеч қачон эримни эгиб оламан, деб ният қилманг!

Бу ёмон аёлнинг иши. Эрни ҳаммага маъқул бўладиган, хайрли ишларга еткалаш бошқа, бунинг номи – дўсти содиклик!

Аммо уни фақат ўзининг яхши-ю ёмон истакларини ижро этадиган лақмага айлантириб олиш олчоқлик, хиёнатдир!

Бундай аёл қайтимни фарзандларидан олади, яъни куни келиб, ўғлонлари унга терс қараб кетадилар, кариганда ғариб бўлади...

* * *

Доимо эрингизнинг диққат марказида бўлишга интилманг, ойим!

Унутманг, эркакнинг ўз худуди бор ва у бу чеграга дахл қилувчи кишиларни ёқтирамайди. Ҳаттоки у энг яқин кишиси – хотини бўлса ҳам.

* * *

Эркаклар мақтовни яхши кўрадилар, ойим! Жуфтимга ёқай десангиз, жуфтингизнинг ўзини ўзига мақтанди.

Болаларингизнинг отасини – отасига эшиттириб мақтанди.

Албатта, бунда энг биринчи шарт САМИИЯТдир!

Мақтov айтилған кишини яйратиши, кутилған натижани бериши учун ҳам у, албатта, самимий бўлиши керак.

Атроф энг ёмон деб баҳо берган кишида ҳам жила қурса бир яхши хислат, бир чимдим фазилат, албатта, топилади. Неча йиллик ёстиқдошингизни яхшилаб кузатсангиз, феъл-авторини таҳлил қилсангиз, мақташга арзигулик бир эмас, бир қанча ижобий сифатларини, албатта, топасиз!

Бунинг учун озгина тийрак нигоҳ, дўсти содиклик керак, холос.

* * *

Арслондек шиддатли эркакнинг яширин бир заифлиги бор. Пули озроқ қолса, иши юришмайроқ турса, қовоғи тушиб, тегманозик бўлиб қолади.

Шундай пайтларда сизга тинчлик керак бўлса, унга нохуш гапларни гапирмай туринг, ойим!

Дунёнинг пулдан кўра минг карра гўзал неъматлари борлигига, уларни кўриб, туйиб, маза қилишга чорланг уни.

Болаларнинг яхши иши, ширин гапидан, атрофдаги чиройли ишлардан гапириб, тор дунёсини ёритинг.

Жуфтингиз қалбини ширин сўз билан чертинг. Зеро, ҳар инсон қалбida ширин сўз билан очиладиган бир гул бўлади.

* * *

Ҳеч кимга ҳасад қилмайман деб онт ичинг, тоифадош!

Чунки ҳасад, аввало, ўз эгасига зарар келтиради.

Шуни билингки, сиз биронга қанчалик кўп ҳасад қилсангиз, Аллоҳ ёмон кўрган одамингизни ўшанча туркиратиб, ўстираверади.

Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

“Ҳасаддан сақланинглар. Албатта, ҳасад худди олов ўтинни ёндириб, йўқ қилгани каби ҳасанотларни йўқ қиласди”. *(Абу Довуд ривояти).*

* * *

Ақлли аёл жуфтининг “плюс” ва яна шунингдек “минус”га ҳам эга эканлигини яхши билган аёлдир. Шунинг учун ҳам у эрига ён бера олади ва камчиликларини кечира олади.

Бундай оиланинг келажаги порлоқ ва истиқболли иншааллоҳ.

P.S. Оиланинг АСОСИ аёл бўлгани учун мурожаат аёлларга қаратилди.

Айбга буюрмайсизлар.

* * *

Турмуш қурасиз, “Орзуимдаги жуфт эмас” дейсиз.

Яшаётган уйингизга қарайсизда, кўнглингиз тўлмай “Уйим хоҳлаганимдек эмас” дейсиз.

Қаердадир ишлайсиз, аммо зерикканда “Ўлсин, шуям иш бўлдими” дейсиз...

~~Сиқилмандар~~

Хафа бўлманг! Сиқилманг!

Жуфтингиз – туғилмасингиздан пешонангизга ёзилиб бўлинганди, ТАҚДИР эди.

Қандай уйда яшашингизнинг номи НАСИБ эди.

Ишлаш, ризқ топиш шаклингиз эса ҚИСМАТ...

“Ундай қилганимда бундай бўлмасмиди” деб юз хил ўйлашнинг кераги ҳам, фойдаси ҳам йўқ.

Бирор кимса пешонасига ёзилганидан қочиб кутула олибдимики, биз қутула олсак?

Аллоҳ таолонинг тақдирига кўрсатилган таслимият мўъминликнинг белгисидир.

* * *

Ўзига қарашни, спорт залида тер тўкишни ёқтирилмайдиган “дангасаой”лар! Морожний билан пирожнийлардан ўзини тия олмайдиган “ширинликхўр”лар.

Ўзингизни қанча алдаманг, бу “ярамас” эркаклар барибир кўзлари билан севадилар!

Нима ҳам дердик, гўзаллик қурбонлик талаб қиласи, деганлари шу бўлса керак-да.

Бу билан хисоблашишга мажбурмиз, азизам!

* * *

Эркак кишининг бир заифлиги бор. У алдамайди, аммо осонгина алданади. Ўзи ёлғон гапирмаслиги мумкин, лекин ёлғонга тезгина ишонади. Деярли ҳамма эркакнинг иқлими шундай. Баски, “эрим мен сиз яшай олмайди”, “эрим менга мана бундай ваъданни берган” деб хотиржам бўлманг.

Бувим раҳматли уйига бепарвороқ ёш-ялангларга “эркак кишининг бетида туки бор-а, хушёр уй тутгин” дердилар. Бу эркак деган тоифа вақти келса, кимнингдир таъсирида сенга бўлган муносабатини батамом ўзгартириши, тўнини тескари кийиб олиши ҳам мумкин, деганидир.

Эркакнинг яна бир феъли бор: у ўз аёлига хиёнат қилган тақдирда ҳам, ҳеч қачон хотинимни қўйиб юбориб, мана шунга уйланаман деган фикрда бўлмайди. Вақтинчалик шу йўлни тутяпман-да, деб туради ва ичида хотинидан қаттиқ хижолат ҳам бўлади. Боласидан кечиб юбориш, деган нарса хаёлига келмайди ҳам!

Шу жараённи бошидан кечираётган эркакларга ҳужум эмас, аксинча ёрдам керак. Ёрдамингиз бу сизнинг сабрингиздир. Ўзи ёниб, ўзи ўчгунича қўйиб беринг. Бундай пайтда энг зўр ишлайдиган – шайтон! У сизни тинмай гиж-гижлаб, қистовга олади. Шу ҳолатда ўзини боса олган аёл – сара аёл!

Оналик ва бекалик бурчларини эр дардидан юқори қўя олган, бетайин эрнинг айбини ёпиб, оиласидаги ҳаётни бир маромда олиб кета олган аёл – зоти тамизли аёл!

Эрнинг ёқасидан олиб, етти маҳаллага айюханнос солиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам касал қиладиган аёллар эркакларни уйдан бутунлай кетишига сабаб бўладилар.

Кетиши нияти бўлмаган эркак ҳам жонидан тўйгач, ҳаловат бор жойни излаб қолади. Нариги томон эса шундай пайтда эркакнинг кўзига “энг яхши аёл”

бўлиб кўринади. Уйдаги аёл эса ўзи ясаган шовқининг ичидা эрини қандай бой бериб қўйганини ўзи ҳам билмай қолаверади.

* * *

Эркак кишини асло танқид қила кўрманг, азизам!

“Битта кранни ҳам тузата олмайсиз-а?”, “Қачон мундоқ одамларнинг эрига ўхшаб чет элга олиб чиқасиз?”, “Кўтариб келган гўшингизни қаранг, тузукроқ бозор қилишни ҳам билмайсиз...”

Давом эттираверасизми ёки бас қилиш фурсати етдимикин?

Бу йўл билан барибир кўзлаган натижангизга эришолмайсиз.

Эркакни қайсарлаштирадиган, янада масъулиятсиз ва худбин бўлишига олиб борадиган йўл бу.

Камига бу танқидингиз сизни эрингиз кўзига дунёдаги энг хунук аёл қилиб кўрсатиши ҳам аниқ.

Бу борада тилга эҳтиёт бўлиш керак.

Қолаверса, уйда жанжал чиқариш ва болаларингизнинг мўлтиллаб, эшик орқасидан ота-онасининг уришишларини юрак ҳовучлаб кузатишлари ҳам сизни хурсанд қилмаса керак?

* * *

Жуфтингиз сиз учун нимадир қилиши билан миннатдорчилик билдиринг ва унинг бу ишидан хурсандлигингизни эркакка қўрсатинг, кўрсата олинг, ойим!

Лекин ҳеч қачон унинг ўрнига ўзингиз бирор нима қила кўрманг.

Ўзингизни эркак кучига, қувватига муҳтоҷ ожизалигингизни ҳис қилинг ва буни жуфтингизга ҳам сездириб туринг! Бунда аёлнинг эркакка бўлган табиий интилиши мужассам – аёл эркакнинг кучини ҳис қилишни хоҳлайди, эркакнинг кучи аёлни тинчлантиради ва хотиржам қилади.

Уйни ремонт қилиш керак, бунга аралашманг. Фоя беришингиз, эслатиб қўйишингиз мумкин. Лекин асло усталарга аралашиб, ремонтга бош-қош бўлиб юрманг.

Уйда лампочка қуйган. Стол қўйиб, лампочкаларни алиштираманг.

Уйда бозорлик тугаб қолган. Озроқ сабр қилинг. Икки-уч кун қаттиқ нон билан ҳам тирикчилик қилиб турса бўлади. Дарҳол озиқ-овқат дўкони ёки бозорга чопманг. Оғир сумкаларни кўтариб келиш – эркакнинг вазифаси.

Уйнинг ремонти, болалар таъминоти, МИБ тўловлари, уйга қилинадиган бозор-ўчар – булар ҳаммаси эркакнинг масъулиятига киради.

Ана шу вазифаларини уддалаб келганида, ундан миннатдор эканини билдириш, унинг бу ишларидан хурсандлигини, ундан фаҳрланишини билдириш эркакка қанот бағишлайди. Майли, у арзимас нарса бўлсин, майли у унинг шундоғам қиласидиган иши бўлсин. Шунда ҳам ундан хурсанд эканингизни, унинг яхши эканини ўзига билдириш, унга қойил қолаёт-

ганингизни ҳис қилдириш билан сиз эркак қалбига гўёки шифобахш малҳам қўясиз. Бу малҳамнинг ма-засига тушган эркак эса уни яна totиш учун, қайта ва қайта сизни хурсанд қиладиган ишларни қилишга уринаверади.

Барча аёллар эрларининг бағрида ўзларини ҳимоя-ланган ҳис қиладилар. Барча аёллар ўзларига юкла-тилган вазифа ва масъулиятнигина кўтарганида ўзи-ни бахтли ҳис қиладилар.

Сабрсизлик билан эрингизнинг масъулиятини кўтариб олманг.

Бунинг ўрнига эркак учун илҳом париси бўлиб, уни илҳомлантиринг, рағбатлантиринг, қўллаб-қув-ватланг. Эркак яхши кўрган аёли учун рўзгорни бут-лаш, уйни таъмирлаш нима бўпти, тоғни талқон қи-либ келишга ҳам тайёр туради.

* * *

Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлардан ҳеч ким омон қолмаган. Ҳатто саҳобалар, ҳатто-ки пайғамбар алайҳиссалом ҳам. Буни қабул қи-линг, тушкунликка, айниқса, жазавага тушманг. Ота-онангизга, яқинларингизга айтиб, ичингизда-гиларни “тўкиб”, бир ёзилиб олишни эса хаёлин-гизга ҳам келтирманг.

Ота-онангизга эса, сизга етказилган озорларни қалбларидан чиқариб юборишлари осон бўлмайди. Чунки, ҳар бир ота-она жисмининг бир бўллаги – бола-сига қилинган ҳар қандай муносабатга, айниқса, сал-бийсига нисбатан ўта ҳассос ва таъсирчан бўладилар.

Ота-онангизни авайланг, уларни эҳтиёт қилинг!

Эрингизнинг бир оғиз меҳрга йўғрилган ширин сўзи ёки бағрига босиб, эркалаши бўлиб ўтган хафагарчиликни ўртангиздан бир зумда олиб ташлаш қудратига эга.

* * *

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, эри бор аёллар эрсиз аёлларга нисбатан қувноқ, соғлом ва ўз ёшларига нисбатан ёш кўринишар экан. Демак, эр деган жонзот билан яшайдиган хонимлар, эрларимизни янада кўпроқ қадрлашни бошлаймиз, ҳали-ҳануз сўққабошлар эса дарҳол яхши бир инсонга турмушга чиқиш тадоригини кўрамиз.

* * *

Эркак киши учун хотинининг инглизчада булбулдек сайрашини эшитишдан кўра тушлик учун безатилган дастурхонни кўриш ёқимлироқ.

Махлий мулоҳазалар ажрашишининг асосий сафаблари

—

Минг афсуслар бўлсинки, жамиятимизда
мажримлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Статистикага кўра, қурилаётган ёш оилаларнинг
10тадан бтасининг такдири ажрим билан якун топ-
моқда.

Кечагина баҳтдан сармаст бўлган ёш келин-куёв,
буғун ОИЛА аталмиш хузур-халоват, хотиржамлик
манбаидан ўз ихтиёрлари билан воз кечиб, ажрашиб
кетяптилар.

Бунинг сабаблари жуда кўп. Барчамизга маълум
ва машҳур бўлган рўзгор икир-чикирларидан тортиб,
қайнона-келин можароси-ю, эр-хотиннинг бир-бир-
ларини тушунмасликларигача...

Аммо умумий ва муштарак бир сабаб ҳам борки, бу – оиладек жиддий ва масъулиятли жараёнга кириб бораётган ёшларга қадриятларимизни англатмаганимиз, оиласа тайёрламаганимиздир.

Оиласа муносабатнинг шаклланишида тарбия асосий роль ўйнайди. Бир эътибор берайлик, бугун биз фарзандларимизга турмуш борасида нималарни ўргатяпмиз? Катта ҳаётга йўллар эканмиз, фикратимиз қатларида уларга сеп-сибирға қилиш ёки уй, мебель олиб беришдан бошқа яна нимадир қилиш ҳам борми? Боламиз баҳтли бўлиши учун чиройли кийиниб, тўкин яшашининг ўзи кифоя қилармикин?

Бугуннинг ёшлари учун никоҳ – оила қуриш эмас, оила қуришга бир уриниб кўриш бўлиб қолгандек, гўё. Мабодо, буниси ёқмаса ажрашиш ва яна бошқасига уйланиш ёки эрга тегиш мумкин. Ахир, бунинг нимаси қийин!..

Биз – ота-оналар, фарзандимизга ҳар бир инсоннинг ҳаётида бўлгани каби, унинг ҳам турмушида қийинчиликлар бўлиши, тўсиқларга дуч келиши мумкинлигини англатмаяпмиз. Муаммоларни енгишни, матонатли, сабрли бўлишни ўргатмаяпмиз. Қайтага “мехридарё” ота-оналар боласи ечиш, ҳал қилиш мумкин бўлган муаммога йўлиқса ҳам, истаган пайтда ота-онасининг елкасига осилиши, уларнинг пинжидан паноҳ топиши мумкинлигига ишора бериб, “тор қорнимга сиқкан, кенг уйимга сиғмасмидинг” ёки “ана, дарахтни бир тепсанг, мингта қиз ёғилади, онаси ўпмаганини олиб бераман” дея сиёsat юргизмоқдалар .

“Тош келса-кемириб, сув келса-симириб” турмуш қилган аждодларимизнинг ўз даврининг ёшларига қил-

ган насиҳатларига бир эътибор беринг-а: “Қиз бола – палаҳмон тоши, борган жойингда тошдек қот!”, “Пешонангга битганидан айрилиш йўқ”, “Шу битта билан тиниб-тинчийсан”! Улар шу қоидани қатъий ва кўндаланг қўйғанлар. Қайтишга йўл қолдирмаганлар. Дарҳақиқат, ёшлар ҳам яшаганлар ва ажрашини кўнгилларининг кўchasига ҳам келтирмаганлар. Бу қоида авлоддан-авлодга ўтиб, жамиятни қўйди-чиқди ва ажримлардан ихоталаб турган.

Жуфтлик – ёқса кийиб, кўнглига ўтирмай қолса ёки зерикса ташлаб юбориладиган кийим-кечак эмас. Жуфтлик – оила, тақдир ва бир неча инсонларнинг ҳаёт-мамот масаласидир. Шунинг учун ҳам оилани аввалбошданоқ “Кўшганим билан қўша қарий”, “Борган жойимда тошдай қотай “деган гўзал ниятлар билан қуриш керак.

Ҳаётда шундай вазиятлар ҳам бўладики, таслим бўлиш ва ажрашиш энг тўғри йўл бўлиб қолади. Лекин шуни унутмаслик керакки, қуриш ёки сақлаб қолиш ҳар доим бузишдан қийин бўлган.

Пешонангга битгани билан турмуш қуриш – насиб, у турмушни сақлаб қолиш эса – маърифатдир! Оила – курашиш шарт бўлган, сал нарсага ташлаб, юз ўгириб кетилавермайдиган муқаддас уюшма.

Ажрашининг оқибатлари эса ўта мудхиши. Буни бугуннинг боласи тиниб-тинчимаганидан юраги қон бўлаётган ота-оналари, меҳрсиз ва тарбиясиз қолаётган норасида гўдаклари ва умрини бахтсизлик ичida ўтказаётган ёшлар ҳаётини кузатиб ҳам билиб олиши мумкин.

Суюкли рафиқа бўлишининг 8 талоийи

—

Айни ҳаётда суюкли рафиқага айланиш учун гўзал ташқи қиёфа, чиройли соч турмаги, энг сўнгги урфда кийинишнинг ўзигина етарли эмас. Буни бугунги кунда ажрашиб кетаётган ёш оиласлар сони ортиб бораётгани ҳам исботлаб турибди.

Эркак фикрича “идеал” аёл қандай бўлади?

Эркак қалбидан жой олиш ва баҳтиёр оила соҳибаси бўлиш учун аёл қандай сифатларга эга бўлиши керак?

Келинг, азизам, буларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз:

1. Эрининг яқинларини ҳурмат қилиши

Ҳар бир эркакни аёли ва яқинларининг муносабатлари яхши эканини кўриш жуда қувонтиради.

Эрингиз қалбидан жой олишни хоҳласангиз унинг яқинларини ҳурмат қилинг, қадрланг. Хаёлингизга

“Гули яхши-ю, тикани ёқимсиз-да” деган бузғунчи фикрлар келишига изн берманг.

2. Гўзал қиёфа

Гўзаллик кенг тушунча, бироқ қайси бир эркак ёнида чиройли аёл бўлишини хоҳламайди, дейсиз. Рафиқа энг биринчи навбатда ўзининг аёллигини, ўзига қараш унинг энг биринчи даражали масъулияти эканини ҳеч қачон унумаслиги керак.

3. Пазандалик

Ресторан ёки чойхоналарда доим қорин тўйдира-диган баъзи эркаклар ҳам аёл кишининг пазанда бўлишини юқори баҳолайдилар. Шунинг учун ҳам бу борада асло эътиборсиз қараманг, пазандалик бора-сидаги китобларни ўқинг, интернет сайтларини доим кузатиб боринг ва албатта, ўргангандарингизни амалда қилиб кўришдан эринманг.

4. Интим муносабатлар

Бу мавзу оила мустаҳкамлигининг асос томири-дир. Бу борада жуфтининг кўнглини топа олган ра-фиқа унинг хиёнат қилишидан ёки ташлаб кетилишидан хавотир олмаса ҳам бўлади.

5. Соғлом бўлиш

Эркак кишига доимо касаллиги ёки қаеридир оғришидан шикоят қиласидиган хотин ёқмайди. Идеал ра-фиқа камдан-кам касал бўлади ва эрининг эътибо-рини тортиш учун ўзини касалга ҳам соловермайди. У доим қувноқ ва ҳаётдан завқ олиб яшайди.

6. Суянч бўлиши

Эркак унинг қарорларига бутун дунё қарши бўлганида ҳам биргина аёлининг қўллаб-кувватлаши билан анча ишларни қилиб юбориши мумкин. Суянч бўлолган аёл қийин пайтларда эрини ташлаб қўймайди, балки уни рағбатлантиради, умид уйғотади. Бундай аёл билан яшаган эркак камол топади, ривожланади ва яхши томонга ўзгариади.

7. Ҳиссиётларини бошқара билиши

Асабий, жizzаки ва урушқоқ аёл ҳеч қачон суюкли бўла олмайди. Хотиржамлик ва кескин вазиятларни ҳам юмшата олиш – бу эркаклар учун жуда муҳим.

Идеал аёл эрини бўлар-бўлмас рашк қилавермайди, ишдан кеч келса қўлини белига қўйиб, кутиб олмайди. Муҳим қарорларни ҳиссиётларга эмас ақлига таяниб қабул қиласди. Бундай рафиқа билан эр фақат ижобий ҳис-туйғуларни яшайди.

8. Ақллилик

Ким ҳам тентак аёл билан яшашни хоҳларди? Ҳеч ким. Бироқ, ақл ҳам гўзаллик каби жуда кенг тушунча. Маълумки, ҳеч бир эркак ўз ёнида ўзидан ақлли аёлнинг бўлишини хоҳламайди. Қандай бўлмасин эркак ўзини сиздан ақллироқ ҳис қиласин. Бунда сиз унга ёрдам беришингиз керак. Ўзни пойгакка олиб, эркакни тўрга ўтказишингиз керак. Қўрқманг, бу билан сиз фақат юксалиб борасиз, аксинча эмас.

* * *

Никоҳларига бир неча ўн йиллар бўлган бўлишига қарамай, эркак завжасини гўзал қиёфада кўришни



хохлайди ва бу эркакдаги табиий эҳтиёж. Эрининг бу эҳтиёжига беписанд қарайдиган аёл ўзига ёқмайдиган нимадир содир бўлса, энг аввало, ўзини-ўзи ма-ломат қилсин.

* * *

Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эрини хурсанд – рози қила олган аёл жаннатийдир” дедилар.

Аслида эрини шодлантиришга ҳаракат қилган аёл, айни пайтда ўзини ҳам хурсанд қилган бўлади ва окибатда икки мукофотга сазовор бўлади: Ҳам дунёдаги хурсандчилик, ҳам охиратдаги баҳтиёрлик.



*Биласизми нега кучли
аёлларнинг ёлеуз қолиши
эҳтимоллари камта?*

1. Кучли аёллар атрофдагиларга, шу жумладан, эрларига нисбатан ҳам ўта талабчан бўладилар. Бундай аёл билан эркак яшай олмайди.
2. Кучли аёллар ўзларидан кучлироқ эркак билан яшашни хоҳлайдилар ва ана шу нуқтада “қопқонга” тушадилар. Чунки, кимгадир бўйсуниш кучли аёл истаган нарса эмас.
3. Кучли аёллар ожизликни кечирмайдилар, ўзлари ҳам ожиза бўлиб кўринишдан қўрқадилар.
4. Кучли аёл нуқул кимгадир, ниманидир исботлашга, доимий курашларга ўрганиб қолади. “Кураш массанг – ютқазасан”. Кучли аёлнинг бу шиори кўпинча унинг шахсий муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

5. Кучли аёллар одамларга ишонмайдилар. Жумладан, эрларига ҳам. Хотинининг унга ишонмаётгани эркакка оғриқ беради. Эркак бундай аёлдан воз кечиб қўя қолади.

Эркак билан куч талашаётган аёл, эркакка ожизалигини кўрсатишдан ор қилмаган аёлга ютқазган ва ютқазаверади.

* * *

Инсон дунёда қайси амал билан қўп машғул бўлса, ўша амал устида жон таслим қилиши ҳақида эшитгансиз, ҳадис китобларида ўқигансиз...

Эътиборингизга бугунимиз аёллари энг қўп шуғулланаётган ишлари рўйхатини ҳавола этамиз:

1. Сериалларни битта ҳам қолдирмасдан кўриш;
2. Интернет (инстаграм, фейсбук, телеграмм ва ҳ.к.)да беҳуда вақт ўтказиш;
3. Чойхоналарни тўлдириб “гап” ейиш;
4. Маросимбозликка зеб бериш;
5. Телефонда соатлаб гап сотиш;
6. “Бир ёзилиб келиш” учун бозор, магазин айланиш;
7. Ўзини ислоҳ қилиш ўрнига бошқаларнинг айбини излаш;
8. Шоу-бизнес янгиликларини ёддан билиш;
9. Фийбатчилик;
10. Бешикдаги боласига сеп йифиш...

Хулоса ўзингиздан...

* * *

Маълумки, ўзига ишончи баланд инсонлар хаётда кўпроқ ютуқларга эришадилар. Бироқ ҳамма ҳам ўз кучига бўлган мустаҳкам ишонч билан мақтана олмайди. Бинобарин, ўзига бўлган ишончни оширишда ёрдам берувчи маслаҳатларни эътиборингизга ҳавола этамиз

1. “Мен зўрман”

Биз кўпинча бажариб бўлинган ёки энди бажариладиган қайсиdir ишларни ўйлаб, ич-этимизни еймиз. Емаслигим керак бўлган тортни едим, ювуксиз идишларни яна ювмадим, бугун ҳам уйкудан кеч турдим, докторга яна бора олмадим... Булар ҳаммаси ўзимизга бўлган ишончнинг сусайишида жиддий таъсир кўрсатади. Бизни урушиб, койишга ҳар доим ҳам одам топилади, мақтайдиганлар эса бармоқ билан санарли. Шунинг учун ҳам ўзимизни ўзимиз мақташни одат тарзига айлантиришимиз керак.

Ҳар куни ҳар биримизда “қойил, мен бажара олдим, мен шу ишни қила олдим” дея ўзимизга айта оладиган нимадир бўлади.

2. Ўз ички дунёмизга ишонч билан қараймиз

Ўзингизнинг ижобий ва кучли томонларингизнинг рўйхатини тузинг ва улар сони 20тага етмагунича тўхтаманг. Ҳаммасини ёзиб чиқинг: тартиблиман, болаларни яхши кўраман, ҳозиржавобман, чиқишувлчанман, овқатга устаман, ҳар қандай математик топшириқни бир лаҳзада ҳисоблаб, ечиб ташлайман,

Куръони каримни чиройли қироат қиласман, бир марта ўтган йўлимни иккинчи марта адашмай топволаман, бир ишни бажаришни астойдил истасам, қилмасдан қўймайман каби...

Вақти-вақти билан бу рўйхатни ўқиб туриング ва эътибор бермаган жиҳатларингизни топиб, рўйхатни яна давом эттириng. Кучли томонларингиз кўплигини қўриб, ўзингизга бўлган ишончингиз ва ҳатто хурматингиз ошиб кетади.

Мабодо “Наполеон” тортини 1-марта пиширганингизда ўхшамаса ҳам ўзингизга айтинг “Барibir мен тортни зўр пишираман”.

3. “Елкамизни эзиб турган оғир юқ”ни ташлаб юборамиз

“Одамлар нима деркин” деган фикрни миянгиздан чиқариб ташланг. Магазиндан нарса олмасдан туриб, кириб доллар майдалаш мумкин эмас, автобусда жой беришларини сўраш мумкин эмас, нотаниш кишидан шоколадга етмай турган 2000 минг сўмни сўраш мумкин эмас.

Ушбу “мумкин эмас”ларга сизнинг мослашишингиз шарт эмас. Сиз учун одамлар фикрининг аҳамияти бўлмасин, шунда ўзингизни анча бемалол ва хотиржам сезасиз.

Дараҳтда ўтирган қуш, ҳеч қачон дараҳт шоҳи синиб кетишидан қўрқмайди. Чунки у дараҳт тана-сига эмас, ўз қанотларига ишонади. Доим ўзингизга ишониб яшанг.

* * *

Оиласи борлар холи қолишни истайдилар, бўй-доклар эса оиласи бўлишни...

Ишсизлар бир ишнинг бошидан тутишни орзу қилсалар, иши борлар ишидан безор...

Фақирлар бой бўлиш истагида, бойлар эса ҳаловатга зор...

Қоралар оқариш дардида, оқлар эса солярий салонида...

Хулоса шуки, баҳтли бўлишни истасангиз, ўзингизга етган неъматларни ҳис этинг ва ҳар ҳолингизга шукр қилинг!

* * *

Жуфтингиз маҳзун бўлганида унга тасалли бе-ринг! Чунки бу – суннат.

* * *

Жуфтингиз билан ҳазиллашиб туринг! Чунки бу – суннат.

* * *

Мутойиба

– Аёллар дунёдаги энг яхши, энг мулоим, энг меҳрибон жонзорлар. Айниқса, пул керак бўлганида...

* * *

Бир одам Ҳазрати Умар(р.а.)дан сўради:

“Эй Умар (р.а.), қизимни сўраганлар жуда кўп, кимга берсам экан?”

“Аллоҳдан қўрқадиганига бер. Агар бир-бирла-рига мос келсалар гўзал ҳаёт кечирадилар. Мабодо, мос келмасалар Аллоҳдан қўрқанлиги учун қизинг-га асло зулм қилмайди“.

Биз эса бўлғуси куёв ҳақида сўраб-сурештирганда “намоз ўқийдиларми?”, “рўза тутадиларми?” каби саволлар билан кифояланиб қоламиз. Албатта, намоз ўқиш, рўза тутиш исломнинг асос шиорларидан. Аммо қизингизга жуфт ўлароқ танланадиган номзоднинг йилда 30 кун рўза тутиши ҳамда намоз ўқиши унинг чин мусулмон эканига далил ёки Аллоҳдан қўрқиши учун етарли эмас.

Намоз, рўза кабилар диннинг атрибулари, ибодатнинг шакллари, холос. Исломнинг ўзи эмас.

Ислом ҳақиқий мусулмон шахсиятида тўлигича, ҳеч бўлмаганда қисман бўлса ҳам топилиши керак. Инсоннинг хулқида, феълида, яшаш тарзida намоён бўлиши керак.

Атрибулар сизни алдаб қўймасин. Умар розияллоҳу анху “Аллоҳдан қўрқадиганига бер” дедилар. “Намоз ўқийдиганига” ва ёки “соқол қўйганига” демадилар.

* * *

Аллоҳ таоло куч-кудратни эркакка, латофатни аёлга ато этган. Не тонг-ки, ҳар нарсани енга олган КУЧ латофат қаршисида ҳали-ҳануз ожиз...

* * *

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Аёли бўлмаган эркак мискинdir (фақирdir), мискинdir!”

ЧАҲОБАЛАР

Саҳобалар : “Мол-дунёси кўп бўлса ҳамми?”

“Ҳа, мол-дунёси кўп бўлса ҳам”, дедилар.

Сўзларининг давомида: “Ҳожаси (эри) бўлмаган аёл мискиндири, мискиндири” дея марҳамат қилдилар.

Саҳобалар: “Мол-дунёси кўп бўлса ҳам-а?” дедилар.

Шунда алайҳиссалоту вассалом: “Ҳа, аёлнинг мол-дунёси кўп бўлса ҳам!” деб жавоб бердилар.

* * *

Оилада эркак бош, аёл эса бўйиндири. Аммо унумангки, бўйин қай томонни истаса, бош ҳам ўша тарафга бурилади.

ЧАҲОБАЛАР

Эркакларга ёқадиган бидорлар

Комплимент-мақтov ва яхши гап аёлга ҳам, эркакка ҳам мойдай ёқиши бор гап.

Улар буни бажону дил қабул қиласылар ёки ўзларини бефарқдек күрсатсалар ҳам, қалбан мамнун ва аҳамиятли ҳис этадилар. Агар умр йўлдошингизнинг ўзига ишончи янада ошишини ва муносабатларингиз янада яхши бўлишини истасангиз, жуфтингизга ҳар замонда бўлса ҳам қуйидагиларни айтиб туринг.

1. “Мен сизга ишонаман”

Эркак кимгадир ишониш мумкинлигини, кимнингдир эса унга ишониши ва қўллаб-қувватлаши мумкинлигини билишга эҳтиёжманд. Бунинг учун эрингизга муаммолар ёзилган рўйхатни эслатиб туришингиз шарт эмас. Шунчаки руҳлантирувчи сўзларни айтсангиз кифоя. “Нимаики ишга қўл урманг, сиз уни албатта эплайсиз”, “Бу албатта қўлингиздан

келади, мен бунга ишонаман”. Бундай оддийгина тасдиқ сўзлари эркак учун катта аҳамият касб этади ва ўзига ишонч туйғусини оширади.

2. “Кўринишингизга гап йўқ”

Ташқи кўриниш борасидаги илиқ сўзлар ва мақтов нафақат аёл кишига балки эркакка ҳам ёқади.. Ҳар қандай эркак умр йўлдошининг наздида чиройли ва келишган эканини билишни хоҳлайди. Бу эрингизни сиздаги яхши тасаввур сақланиб қолиши учун ҳам ўзига яхши қарашга ундейди. Бундан ташқари бундай иборалар жуфтингизнинг ўзига бўлган ишончи ни оширади, бу эса эркаклар учун жуда муҳим.

3. “Бирам меҳрибонсизки...”

Агар жуфтингиз сизни хурсанд қилиш учун арзимас бўлса-да, нимадир қилса, сиз буни албатта қадрлашингиз шарт. Сизни хурсанд қилиш учун денгиз бўйида дам олишга чипта ёки қимматбаҳо атир совға қилиши шарт эмаслигини ёдда тутинг. Арзимас ишларини ҳам қадрланг ва мақтанг: “Нонни жуда яхисидан олибсиз, бирам ажойибсиз”...

“Вазифаси – қилади-да” деманг. Дунёда қўплаб аёллар сиз оддий санаган шу ғамхўрликка ҳам муҳтоҷ. Ўзингизга етган неъматга шукр қилинг. Қолаверса, Аллоҳнинг шукр қилувчи бандаларига янада зиёда қилишини ҳам унутманг.

4. “Сиз билан фахрланаман”

Сиз, умрингизга йўлдош ўлароқ, эрингизни хурмат қилишингиз шарт. Инсон хато қилиши ёки қандайдир ножоиз ишга қўл уриши мумкин. Аммо бу

ҳақида доим эслатиб туриш ва гапириш яхши эмас. Бунинг ўрнига айтинг: “Мана бу ишингизга қойил қоламан-да”, “Миздан қўп нарсани ўрганиш мумкин” ёки шунчаки “ Мана бу жиҳатингиз жуда ҳам ёқади”. Ҳар қандай одамда ҳам энг камида мақтовга лойиқ битта жиҳат бор. Жуфтингизнинг яхши жиҳатларини излаб топинг ва ўзига ҳам билдириб туринг. Бу эрингизнинг ўзини аҳамиятли ва қадрли ҳис қилишига ёрдам беради. Қолаверса, яхши хислатларини янада кўпайтиришга ундейди.

5. “Сиз ёнимда бўлсангиз ўзимни хотиржам сезаман”

Ҳар қандай эркак севган аёли учун ягона, кучли ва енгилмас “қаҳрамон”га айланишни хоҳлайди. Бу ундаги тугма инстинкт. Ўзи нимадандир чўчиса ҳам, жуфтингизни ҳақида билишини истамайди. У “супермен” бўлишни, жасурлик ва довюраклик билан жуфтини ҳимоя қилишни хоҳлайди. У ёнингизда экан, қанчалик хотиржам бўлишингизни ҳис қилишига имкон беринг. Бошқача айтганда ундаги қаҳрамонлик туйғусини қондиринг. Бунинг учун “Сиз ёнимда бўлсангиз кўрқмайман”, “Сиз билан бўлсангиз сизга ёрдам” каби сўзларни айтиб туринг.

6. “Бирга бўлсак, кайфиятим кўтарилиб кетади”

Эҳтимол жуфтингиз сиз хафа бўлмаслигингиз учун ҳаракат қиласар ёки кайфиятингизни яхшилаш учун нимадир қилишга уринар. Сиз унинг шундай ҳаракатларини пайқаганмисиз? Балки у ҳазиллашиб турар ёки бирор жойга дам олишга олиб борар? Тушкунликка тушиб қолсангиз ёки чарчасангиз сизга ёрдам бериш-

га ҳаракат қилас? Агар шундай бўлса жуфтингизга мана бу сўзларни, албатта, айтиб туринг: “Бирга бўлсак, ўзимни баҳтли ҳис қиласман”, “Сиз билан бирга бўлсан негадир кўнглим ёришиб кетади”.

* * *

Мұхабbat ҳақидаги ҳеч бир шеър Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Эй Роббим! Қалбимга қарши чиқа олмаяпман, Оишани жуда яхши кўраман” деганлари қадар гўзал эмас.

* * *

Бир-бирингизнинг ҳаққингизга тез-тез дуо қилиб туринг!

Зеро, пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жуфти ҳалоллари Хадича р.а. ҳақларига “Эй Аллоҳим, Хадичадан мен розидирман, сен ҳам ундан рози бўлгин” дея дуо қилардилар.

Хотин – Аллоҳим, ҳожамни ўзинг паноҳингда асрар!

Эр – Аллоҳим, жуфтимни кўнгилсизликлардан омонда қил!

* * *

Айрим аёллар тўйдан сўнг уй юмушлари-ю, қайнона-қайнотанинг хизматлари билан бўлиб, ўзига қараб юришни унугиб кўядилар. Ёки турли баҳоналар, вақт етишмовчилигини сабаб қилиб, ташқи гўзаллик ҳақида бутунлай ўйламай кўядилар. Гўзал соҳибжамолга айланишга имконият бисёр бўлган бугунги кунимизда бу жуда ҳам ғариф...

Ўзига қарамай қўйган, эри учун ясаниб-тусаниш кун тартибидан чиқиб қолган аёлларнинг бунга айтадиган баъзи баҳоналари:

1. “Оилада асосийси бу – итоат ва ўзаро ҳурмат”

Яхши бир оиласа келин бўлган опа-сингилларимиз эрга итоат қилиш, қайнона-қайнотанинг кўнглига йўл топиш, мазали таомлар пишириш эркак муҳаббатини қозониш учун етарли, деб ҳисоблайдилар. Албатта, бу ишлар оила саодати учун зарур, лекин бунинг ўзи етарли эмас. Бахтли муносабатга ахлоқий гўзалликни ташки гўзаллик билан уйғуллаштирибгина эришиш мумкин. Эркак аёлига факат овқат пишириб бериши, уйини тозалаши учун эмас, балки гўзалигидан баҳра олиш, уни кўриб роҳатланиш учун ҳам уйланади. Ҳар доим қаровсиз кўринадиган соч турмаги, анчадан бери упа-элик кўрмаган сўлғин чехра ҳамда ёғ хиди анқиган кийим билан юриш – эркак учун ёқимсиз кўриниш.

2. “Эрим учун пардознинг аҳамияти йўқ”

Қачонлардир макияж қилиб, тақиниб, чиройли бўлиб эрини кутиб олганида, эркак бунга эътибор қилмаган бўлса, аёл дарҳол бундан хафа бўлади ва эри учун безанишни йифиштириб қўяди. Бироқ “яхши рафиқа” бундай қилмайди. Ҳадисда айтилганидек, аёл кишининг асосий вазифаси эрининг қўзини қувонтириш ва унинг қалбига шодлик олиб киришдир. Мабодо, эркак сизнинг хатти-харакатларингиз маъқул эканини билдирумаса ҳам, бу сизнинг уринишларингиз бекорга кетди, дегани эмас. Шунчаки, баъзи эркаклар ҳиссиётларини камдан-кам ҳолатда билдирадилар, холос.

3. “Эримга боримча ҳам ёқавераман”

Юкорида айтганимдек, эркаклар ичидагини ташига чиқаравермайдилар. Аммо шуни унутмангки, Эрингиз ҳаммасини билиб, сезиб туради. Қаровсиз афт-ангор, тер ҳиди анқиб турган халатни ҳам, тоза ва чиройли кийим ҳамда дид билан турмакланган сочни ҳам. Эркакни күчадан келганида ўзига қарамай қўйган аёл кутиб олаверар экан, у аёлни қанчалик яхши кўрмасин, унга қизиқмай қўяди.

4. “Эримни чиройли бўлиб кутиб олгим келади-ю, эринаман-да!”

Аслида эр учун ясан-тусан қилиш борасида дангасаликни унудиши керак. Эрингиз сизга гўзаллигингииздан роҳатланиш учун, чарчоқларини ёзиш учун ҳам уйланганини унутманг. Сизнинг ўзингизга қараш борасидаги дангасалигингиз вақтлар ўтиши билан эркакнинг жаҳлини чиқаради. Қолаверса, ҳар бир аёл гўзал бўлишни ва гўзаллиги узоқ йиллар давомида сақланиб қолишини истайди. Демак, хоҳишнинг ўзи етарли эмас, озгина ҳаракат ҳам керак. Ахир, натижалар сабабларга боғланган!

5. “Уй юмушлари ва болалар”

Албатта, булар аёлдан анчагина куч, вақт талаб қиласидиган сабаблар. Болаларга қараш, уй ишлари, пишир-куйдир каби адоги йўқ юмушлар билан ўзига қарашга вақт топиш осон эмас. Аммо булар ҳам ўзингизга қарамай қўйишингизга сабаб бўлмаслиги керак.

Хуснингизга хусн қўшадиган тенъ, туш, помада каби пардоз воситаларини комод тортмаларида сақлаш

учунгина сотиб олманг. Юзингизга турли маскалар, кремлар суринг. Шубҳасиз, бу ҳаракатларингиз ўзини оқламай қолмайди. Бу билан сиз эрингизнинг розилиги ва муҳаббатига эришасиз. Эрнинг розилиги эса Яратувчингизнинг розилиги эканини ўзингиз яхши биласиз.

Эртадан-кечгача пардоз-андоз қилиб, энг сўнгги трендда кийиниб, Аллоҳ берган ҳусну жамолдан бегона ва оиласи эркакларни йўлдан уриш ёки ўзини бозорга солиш учун фойдаланаётган аёлларнинг бу тарзда ўзларини тутиши бизнинг шарқона одобимизга мутлақо зид. Аммо масаланинг бошқа бир томони ҳам борки, кўчада истаса-истамаса бир-биридан чиройли, ўзига оро берган ва келишган аёлларни кўриб, уйига келганда ўзига қарамай кўйган аёлни кўриши эркак учун жуда аламли ҳолат. Атрофга мулоҳаза билан қарасак, айнан ана шу эътиборсизлик бугун кўпладб оиласалардаги хиёнатлар, ажрашишларнинг асосий сабабачиси эканини кўрамиз.

* * *

“Ўзингга қарашли бир уй ва характерингга мос бир жуфти ҳалол дунёнинг барча олтин ва жавоҳирларидан устундир”.

Гёте

* * *

Авваллари сизни қайғуга солган муаммолар бугун деярли безовта қилмай қўйган.

Залворининг оғирлигидан кечалари ухлай олмаганингиз ташвишларни бугун эслай ҳам олмайсиз.

Гүёки, қор остида қолиб кетгандек...

Шундай экан, бугунги муаммоларни ҳам юрагингизга яқин олаверманг, Азизам.

Иншааллох, улар ҳам эртага “қор остида” қолиб кетадилар.

* * *

Фарзандларини гўзал ахлоқли, билимли ва соғлом қилиб тарбиялаш аёлнинг энг асосий вазифасидир.

Яқинда бир гурӯҳ муслима аёллар орасида бўлдим. Афсуски, янги авлод муслималари тушунчасида “уй бекаси” деган мақомга паст назар билан қара-лаётганинг гувоҳи бўлдим. Иши, карьераси туфайли оиласига, болаларига вақт ажратолмайдиган, ўзи ишлаб, пул топадиган хонимлар қарсак билан олқишли наркан, “уй бекаси” бўлиб, фарзанд тарбияси билан машғул бўлган аёлларнинг “мен уйда ўтираман” дея ийманиб елка қисишини кўргач, ҳаётнинг ғояси пул топиш, эрига қарам бўлмаслик, карьера аталмиш бутга сифинаётган бугуннинг ёшларига нима дейишга ҳам ҳайронман, тўғриси.

Айбни фақат ёшларга тўнкамоқчи эмасман. Бир касбни эгаллаган ўқувчи қизидан фахр туюдиган устозлар, “эрининг қўлига қараб қолмаган” қизларини бошига кўтарадиган ота-она ва қариндош-уруғлар, ишлаб топган пулини урфга мувофиқ кийинишга сарфлайдиган дугоналар билан тўлиб-тошган мухитда қайси қиздан ОНАликни муқаддас вазифа санашини кутиш мумкин? “Дипломли қизга уйлантираман” (хусусан қишлоқ жойларида) дейдиган оналар етиштирған

эркаклар мавжуд жамиятда ўсган қай нозик хилқатнинг ғуур билан “уй бекасиман” дея олишини кутиш мумкин?

Ҳозир нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам пул топиш дардига тушиб қолганлар. Зеро, ҳозир эркак ва аёл teng ҳуқуқли. Зотан, энди эркакнинг топганига қаноат қилишга орзу-ҳаваслар “ижозат” бермайдилар. Бугун нафақат ёшлар, балки ота-оналар ҳам ўғил ва қизларини, келинларини кўпроқ пул топишга унданб турадилар. Уларга кўра, эркак таъминотчи-ми, аёл ҳам аравани бирга тортиши керак. “Эр-хотин – қўш хўқиз” деган ботил тушунча ортидан фақат ҳайвоний эҳтиёжларини қондириш илинжида кун ўтка-задиган “бузокчалар” етишиб чиқаётгани билан энди ҳеч кимнинг сариқ чақалик иши йўқ.

Қисқаси эркак ва аёл teng бўлмаган фақат бир ўрин қолди бугун. У ҳам бўлса Аллоҳнинг китоби. Китобда эркак ва аёл ҳануз фарқли дейилади. Китобга кўра эркак ва аёлга фарқли масъулиятлар юклangan. Фарқли имтиёзлар, имконлар берилган. Қанийди бугун келажакдаги режалари сўралган бир қизнинг “Аллоҳнинг фитратимга юклаган оналик вазифасини бажариш учун аввал турмушга чиқаман ва болаларимни уммат учун фойдали инсон қилиб етиштириш учун кўлимдан келганини қиласман” дейишига гувоҳ бўлсан.

Оилали бир аёл ўзини танишитираркан, ғуур билан бошини баланд кўтариб, “дунёдаги энг муқаддас вазифани бажараман. Мен бир ОНАман ва боламни, PLAYSTATIONларга, ТВдаги ахлоқсиз сериаллар-

га, фаҳшга ботган дискотекаларга бериб қўймайман. Аллоҳнинг менга берган омонатини Унга лойик бир кул бўлсин, дея ўзим етишираман” деб хитоб қилишига, қанийди шоҳид бўлсам ва келажакка умид билан қаролсам...

Чунки диндор насл 7-8 ёшидан муаллим-сонийни ўқиш, мактабларда ҳафтада бир ўтиладиган одобнома дарсига қатнашиш, Қуръонни кўр-кўронада ёдлаш, араб тили курсларига қатнашиш билан етиширилмайди.

Диндор насл телевизорнинг олдида вақт ўтказадиган эмас, жойнамознинг устида кўзёши тўқадиган ва боласининг ахлоқли бир мусулмон бўлиши учун ҳаракат қилган диндор оналарнинг қучоқларида ҳамда боласига гўзал ахлоқдан яхшироқ мерос қолдириб бўлмаслигини англаган оталарнинг бағриларида етиширилади.

* * *

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Эркакнинг аёлига харжлаган ҳар нарсаси унинг учун садақадир. Эркак аёлига сув ичирса ҳам бунинг учун унга ажр бордир. Қиёмат куни кишининг мезонига (тарозисига) қўйиладиган илк нарса, оиласининг нафақаси учун сарфлаганларидир”.

* * *

Ҳали соchlари жамалак, дунёни фақат камалак рангларида кўрувчи жажжи қизалоқ эканман, тасаввуримда “келин-куёв” образи жуда ижобий жойлашиб қолган. Айниқса, келин.

Эгнидаги оппоқ либоси каби кўнгли ҳам беғубор келинчак...

Одоб билан ер чизган кўйи бошини кўтаришга-да ҳаё қилиб турган бинафша каби гул юзли сулув...

Чаросдек тим қора кўзларини ердан узишга киприклари ижозат бермаётгандек, нигоҳларини ердан ҳеч кўтара олмаётган сирли соҳибжамол...

Ёнида эса бахтдан сархуш бўлса-да, бундан хижолат тортаётган куёв бола...

Шунданми, ҳозиргача бирор ерда оқ либос кийган, ҳаётидаги энг гўзал кунларни яшаётган келин-куёвларни кўрсам (асосан келинни) улардан кўз узолмай, болаликдаги ўша энтикиш билан термулиб қоламан.

Анчадан буён боғларда, хиёбонларда келин-куёвларнинг айланиб, фотосессия қилиши урф бўлган.

Тунов куни парк ёнидан ўтиб кетаётсам, ўз бахтидан сармаст келин-куёв ва уларни курсаб олган учтўрт йигит-қиз эътиборимни тортиди. Кап-катта хотин бўлиб қолган бўлсам ҳам, худди болалик пайтларимдаги каби бир тўхтаб олиб, уларга кўз югуртира кетдим.

Келин-куёвни кузатар эканман, юрагим ғаш тортиди. Афсуски, бугуннинг куёви ҳам, келини ҳам кийинишда ва ўзини тутишда ҳозир анча ўзгариб кетишибди.

Эътиборимни жалб қилган илк нарса – келиннинг ўзини бу қадар одобсиз тутиши, безбетларча куёвга гап отиши ва хохолаб кулиши бўлди.

Энг ёмони, бу “аскиядан” куёв ҳам ўнгайсизланар, лекин лом-мим демас, нукул кўзларини яширади. Усти-

га-устак куёвжўралар ҳам бу асқияга қўшилиб кулишар, куёв эса нуқул каловланган кўйи атрофга аланглайди.

Аёл кишининг бу тахлит “шустрий”лиги жуда хунук кўринар экан. Айниқса, келинлик оқ лиbosда.

Юзидаги фатасига қўшиб, ибосини ҳам олиб ташлаган келиннинг енгиз кўйлак кийиб олгани ва очик елкаларига куёвжўраларнинг суқланиб қараб турганини ҳазм қилиб турган куёвнинг аҳволини кўриб, сизнинг ҳам худди менга ўхшаб “ўл-э, эркак бўлмай” деб юборишингиз ва “шўрингга шўрва тўкилиби-ку, болаларингга шу бетайн она бўладими энди”, дейишингиз турган гап.

Ахир, биз буюк шарқмиз. Азалдан шарқ аёллари ўзларидаги одоб, шарм-ҳаё билан машхур бўлганлар ва улуғланганлар. Ҳатто ҳозирги ривожлаган ғарб давлатларида ҳам ғарб аристократияси аёллари ўзининг аёллик ахлоқига гард теккизмайди, хулқини чиройли тутади. Бу даражада одобсизлик қилмайди, атрофга кулги бўлмайди.

“Аёл одоби билан гўзал, эркак шарафи билан азиз” деб бонг урадиган, ҳар қандай гўзал намуна ўзида бисёр бўлган миллатнинг ёшларига бугун нима бўлди ўзи?

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, мени сизга Худонинг Ўзи неъмат қилиб берган-да, шуни биласизми ўзи?.. – Ҳа, биламан, онажониси, биламан. Фақат қайси гуноҳларим учун берганини билмайман.

* * *

Бир журналист қўша қариб, улуғ ёшга етган бир эр-хотиндан сўради:

– 65 йил қандай қилиб бир ёстиққа бош кўйдингиз?

Аёл шундай жавоб берди:

– Биз кийим йиртилса ямаладиган, сўкилса тикиладиган, бузилгани таъмир қилинадиган бир замонда туғилдик ва яшадик, ишлатиб бўлиб ташлаб юбориладиган ва ўрнига янгиси ахтариладиган ёки зерикканда бошқасини топиб оладиган замонда эмас.

Энг буюк ҳадя бизни Аллоҳга яқинлаштирадиган, яхшиликка ундан туродиган хайрли бир жуфтдир!

* * *

“Ха, кеннойи яна қиз бўпти-да”... Учинчи қизини туғиб, туғруқхонадан минг истиҳола билан қайтган, ўғил туға олмагани пешонасига босилган бир тамғадек туюлиб, ўзини айбдор санаб турган келинойисига заҳарли “игна”сини санчиб олган қайнингил бўлмиш ўзи ҳам турмушга чиқди-ю, бирин-кетин тўртта қизини дунёга келтирди. Аллоҳ унга ўғил фарзанд бермади. Охирида турмушидан ажрашиб ҳам кетди.

Одамларни айблаб, устиларидан кулманг. Айблоларингиз – имтиҳон, масхараларингиз – кўзёши бўлиши мумкин.

Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қылдилар:

“Одамларни ёмонламанг, ёмонлаган нарсангиз бошингизга келмагунича вафот этмайсиз”.

(Байҳақий ривояти).

*Оила қуриш арафасида
турган ёшлиарга 5 та
муҳим тавсия*



1. Оила қуриш ярим иймонни батамом қилиш демакдир. Бундай жиддий масалага енгил қараманг. Бу борада фақат юрак амри билангина иш тутиш түғри эмас.

2. ОИЛА – “фалончи таклиф қилди, ота-онам мажбур қилишяпти”, “пистончи қариндошимнинг ўғли (қизи) мақтади”, “қўшним танир экан” каби асослар устига қурилмайди. Булар никоҳланиш учун етарли сабаблар эмас. Унутманг, у билан бошқалар эмас, сиз яшайсиз, умр кечирасиз. Шунинг учун ҳам ҳаётингизни баҳтли бўладиганингиз билан қуришга эътиборли бўлинг.

3. Мусулмон киши учун жуфт танлашдаги энг муҳим ўлчовлар:

– бўлажак жуфтингизнинг одоб-ахлоқли бўлиши (зотан, ҳар мусулмон шундай бўлади);

– иймонли бўлиши – Аллоҳни ва пайғамбарни таниғанлиги, Куръони каримнинг камидаги учдан бирини билиши;

– илм олишга ҳарис бўлиши ва ниҳоят шариат рухсат берган миқдорда, кўрганида “у билан оила қураман” дейдиган даражада ҳуснли бўлиши ва бир-бирини ёқтириши.

4. Ширин орзу-хаёлларга берилиш ёқимли, лекин унутмангки, турмушнинг 5 фоизи энтиқтирувчи хисларга тўла бўлса, 95 фоизи ширин ташвиш ва қийинчиликлар билан лиммо-лим. Орзу қилинг, лекин қусурсиз ва комил инсонни кутманг, зотан ўзингиз ҳам бенуқсон эмассиз. Орзу-хаёлдаги оиласар фақат ижтимоий тармоқлардаги сохта бахтиёр жуфтликларда ёки кино ва сериалларда бўлади.

5. Никоҳланишдан олдин энг камидаги иккаки ой, кечую кундуз оила илми ҳақидаги маъruzаларни тингланг, бу борада китоблар ўқинг ва баҳтли оиласар тилаги или жуфти билан баҳтли яшаётган инсонлардан маслаҳатлар олинг.

Мутойиба

– Кизлар ҳар доим “оқ отдаги шаҳзода”ларини кутадилар. Йигитлар анча камтар, уларга “малика” шарт эмас, оддий уй хизматчиси ҳам бўлаверади.

* * *

“Севишганлар куни” – ўзбекчилигимизга ёт бир кун.

“Севишганлар куни” – ҳаром муносабатларга “суга-яги йўқ”лар куни.

“Севишганлар куни” – севгини бир неча дақиқалик роҳатланиш, деб биладиганлар куни.

Биз ўзбекмиз, севсак оила қурамиз ва никоҳдан кейинги ҳар кунимиз “севишганлар куни” бўлади.

Жуфтимизга бўлган севгимизни ижтимоий тармоқларда эмас, шахсан ўзига билдирамиз.

Севгимизни кўрсатиш учун севишганлар кунини кутиб ўтирумаймиз.

Жуфтимиз учун таом тайёрлаймиз, ширинлик пиширамиз. Очиқ чехрали ва эҳтиромли бўламиз.

Овқатдан сўнг “топганингизга барака, Аллоҳ рози бўлсин” деймиз... Ҳаққига дуо қиламиз, “ўзингизни эҳтиёт қилинг” деймиз... Жони оғриса, даво излашга тушамиз, солиҳ амалларни қилиш ёдидан кўтарила, эслатиб турамиз...

Уйини, молини, номусини сақлаймиз...

Ҳақиқий эркак ҳадеганда “сени севаман” деявермайди.

Ҳақиқий эркак севишини гапи билан эмас, иши билан кўрсатади.

Үйдан чиқаётиб, “Аллоҳга омонат бўлинглар” дейди. Уйга қайтганида, “Кунингиз қандай ўтди?” дейди.

Пиширган таомингизни еркан, “Кўлингиз дард кўрмасин” дейди.

Сиз яхши кўрадиган нимадир кўтариб келади.

“Ўзингни эҳтиёт қил” дейди. “Ҳаво совуқ, иссиқ кийин”, “Чарчадинг онаси, озроқ дам олгин” дейди.

ди. Ҳар-ҳар замонда “Ҳаётимсан, бахтимга бор бўлгин” дейди.

“Севишганлар куни” чин маънодаги севгини қатл қилиш куни.

Севгисининг давомли бўлишини истамайдиган жоҳилларнинг куни.

Сохта севгиларга, ўткинчи туйғуларга ошно қилиш куни.

Ёшларни енгилтакликка ундаш куни. Никоҳсиз муносабатларга тарғиб қилиш куни.

Урф-одатларимизга путур етказишга йўналтирилган чиркин бир менталитетнинг куни.

Ким нимани байрам деса, байрам экан, деб эргашиб кетавермайлик. Ҳақиқий севгининг тайнинланган куни бўлмайди. Севги маълум кунларда эмас, жуфтларнинг ўзаро муносабатларида асл ифодасини топади.

Ҳаётий

Боғларда, хиёбонларнинг бурчак-бурчакларида ҳар хил номақбул ишларни қилаётган “жуфтлик”лар:

– Севгининг кўзи кўр – одамларнимас!

* * *

Уйланмоқчи бўлаётган йигитлар шуни билсинларки, уйланишнинг идеал ёши йўқ.

Уйланишнинг идеал вақти бор. Бу вақт ҳар ким учун ҳар хил.

Баъзилар учун бу 18 ёш. Кимлар учундир 20. Яна кимлар учун эса 25, 30 ва ундан ортиқ.

Аслида уйланиш бу – катта масъулият. Бу масъулиятни ҳис қилган ва кўтаришга тайёр бўлган онингда уйланиш эшиги очилди, деб ҳисоблайвер, ўғлон!

Чунки эркак бир ожизанинг паноҳи ҳисобланади.

Бир оиланинг раҳбари этиб сайланади.

Уйланишнинг энг катта масъулияти эркакнинг рўзғорига ҳалол луқма олиб келиши масаласидир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кишининг пешона тери билан топган ҳалол луқмасидан кўра яхшироқ бир амали йўқ” – дедилар.

Уйлангандан сўнг ҳам бу ишни ота-онанинг елкасидан олмаслик – бу йигит кишининг иши эмас.

Оёққа туриб олгунча ота-онага суюниш мумкин-дир, балки. Лекин давомли тарзда ота-онага бокиманда бўлиш БИР ОИЛАННИНГ РАҲБАРИга асло ярашмайди.

Йигит бир сулувнинг ёри бўлишни ихтиёр этишидан олдин ёрига ва бўлғуси зурриётларига ҳалол луқма едира олишга қодир ёки қодир эмаслигини чамаласин.

Агар қодирман, деб ҳисобласа – ТЎЙЛАР МУБОРАК!!!

* * *

Эрнинг хотинига қиласиган муомаласи унинг иймон даражасини кўрсатади.

Эркакларга қандай аёллар ёқади?

САДЫК

Нозик жинс вакилаларини “эркакларга қандай аёллар ёқар экан” деган савол қизиқтириши табиий. Аммо ҳаммага бирдек мос тушадиган жавоб ҳали ҳануз мавжуд эмас.

Чунки, инсонлар турфа хил ва ҳар бир эркак ўз таъби ва дунёқарашига эга.

Барча эркакка фақат нозик ва бўйи баланд аёллар ёқади, деб ўйлаш ва ўзини маълум “стандарт”ларга мослаштириш учун жонини жабборга бериш мутлақо хато.

Хўш, унда эркакларга қандай аёллар ёқар экан-а?

Аёлнинг хунуги бўлмайди

Дунёда хунук аёлнинг ўзи йўқ, шунчаки у ёки бу сабабга кўра ўзига қарамай қўйган аёллар бор, холос.

Ўзини кўйворган ёки “папрайиб” кетган аёл қайси эркакка ҳам ёқарди?

Ҳеч қачон ўзига қараш учун вақт ёки пул этиш маслигини баҳона қилиш керак эмас.

Агар астойдил хоҳиш бўлса пардоз қилиб олиш ёки соч турмаклаш учун бир неча ўн дақиқани то-пиш мумкин.

Албатта, қиммат фитнес клубига бориш шарт эмас, баъзи бир оддий машқларни уйда бажариш учун кўп нарса талаб қилинмайди.

Аёлнинг чиройли ва келишган бўлишига тўсқинлик қиласидиган биттагина нуқсон бор, у ҳам бўлса – дангасалик.

Ривожланишдан тўхтамаслик

Гўзаллик – бу албатта, эркак қалбини забт этиш учун яхши восита, аммо бунинг ўзи етарли эмас.

Эркакка нафакат чиройли жуфт – балки қизиқарли сухбатдош ҳам керак.

Ўзини ривожлантириш, ўз устида ишлаш, фойдали китобларни мутолаа қилиш, яхши фильмларни томоша қилиш – булар шахс ривожи учун асосий воситалардир.

Самимият

Эркакка ёқишининг ягона йўли “гламур” аёл киё-фасига кириш, деб ўйлаш нотўғри.

Самимию қалб ва беғараз табассум бу – ҳар қандай эркак ардоқлайдиган жуда муҳим жихат.

“Идеал”ларга мослашишга уринмаслик

Журнал муқовасидаги ёки сериаллардаги чиройли қизларнинг келишган қоматлари, кўзни қамаштирадиган узун ва қуюқ соchlари, бенуқсон терилари ҳавасни келтириши ва улардек бўлиш хоҳишини пайдо қилиши тайин.

Аммо бу хоҳиш негадир, ҳадеганда амалга оша вермайди ва албатта, ул гўзалларга бу жойга чиккучича анчагина “ишлив” берилганини ҳам унутмаслик керак.

Шунинг учун ҳам ўзини турли-туман диеталар билан қийнаш, идеал қўғирчоққа ўхшашга уриниш нотўғри. Бунинг ўрнига ўзини борича яхши кўриш ва қадрлаш, яхши фазилатларини кўпайтириш ҳамда хато-камчиликларини тўғирлаш пайида бўлиш яхши натижа беради.

Ишонии

Эркаклар учун ёнидаги аёлнинг унга бўлган ишончи жуда муҳим.

Эркакларга кам пул топаётгани ёки яхши ишга жойлашмагани тўғрисидаги таъна-дашном бериш асло ёқмайди. Кучли жинс вакилларига аёлининг “Мен сизга ишонаман, сиз албатта, уддалай оласиз” каби сўzlари жуда аҳамиятли.

Хурмат қилиши

Эсингизда бўлсин, агар эркак аёлни ҳақиқатда ҳам яхши кўрса, хурмат қилса – пардоз қилганми ёки йўқ, “90-60-90”ми ёки дўмбоққина – бунинг фарқи йўқ – бу аёл эркак учун суюмли бўлади.

Чаржон

Агар аёл ҳақиқатдан ҳам эркак учун қадрли бўлса, у аёлнинг барча камчиликлари билан қабул қила олади. Шундай экан, эркакни қадрлаш, хурматини жойига қўйиш – унинг ҳам энг қадрли инсонига айланишнинг самарали йўлидир.

* * *

Хотинсиз эркак – жасадсиз бош! Эрсиз аёл – бошсиз жасаддир!

Чаржон

Аёл!

Сабаклар

Kиз фарзанд дунёга келса ота-онасига дўзахдан парда бўлади, уларга жаннат эшигини очади.

Турмушга чиқса, жуфти ҳалолининг ярим динини тўлик қиласди.

Фарзанд дунёга келтирса, жаннат оёқларининг остида ҳозир қилинади.

Агар ҳар бир киши аёлнинг исломдаги аҳамияти билсайди, эркаклар унинг ўрнида бўлишни истардилар.

* * *

Инстаграмнинг ўзбек контентида минглаб, миллионлаб обуначилари бўлган профиллар бор: аксарияти аёлларники. Улар – қаерларга дам олгани бориши, қайси кафе-ресторанда овқатланиши, қандай таомлар ейиши, яшаётган уйи, жиҳози, кийиму тақинчоқлари, болалари ва ҳатто эрини(!) суратга олиб, сахифаларига жойлашади.

Хеч ўйлаб кўрганмисиз? Ўзидан бошқага сариқ чақалик фойдаси, эҳтимолки, қизиғи бўлмаган бу расм ёки видеоларни ҳаммага кўрсатишдан уларнинг муддаоси нима?

Бир аёл Фиръавнга ҳам солинмаган кўркам бир дастурхонни тузаб, уни ҳаммага кўз-кўз қилишидан, исроф балчигига ботган “ҳашаматли” ҳаётини минглаган кишиларга кўрсатишидан, туғилган кунига олган совғалари, гулларини миллионлаган обуначиларига кўз-кўз қилишдан қандай мақсади бор?

Агар бирор мавзу борасида фикрини билдирамоқчи бўлса, буни гўзал бир манзара ёки гул сурати остига жойлаши ҳам мумкин-ку!

Яна шундай тоифа бор: у хеч асабийлашмайди, эри билан ҳеч уришмайди ва умуман жаҳли чиқмайди. Ҳар доим баҳтли, ҳар доим хурсанд. Унинг ҳаётida фақат баҳтли онлардан бошқаси бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Абсурд!..

Бундайларга шундай дегинг келади:

Сиз ҳар доим куласиз, ҳеч қачон маҳзун бўлмайсиз, шоҳона ва баҳтли ҳаёт кечирасиз, муҳташам бир профил юритасиз, ниҳояда эса сизни кузатадиган обуначиларингиз ўз эрларини лапашанг, ўзларини эса бесўнақай ва хунук, уйларини хароба, ҳаётларини баҳтсиз ҳис қилишларига сабабчи бўласиз.

Энди сизга бир савол: эрингиз билан тортишиб қолганингизда, энг шиддатли онларни расмга олиб бунинг остига ҳам изоҳ ёза оласизми? “Мана бунинг учун урушдик, бунинг учун жанжаллашдик, у менга

ундай деди, мен бундай дедим, кейин шундай сабр қилдим, ниҳоят ярашиб олдик... каби” изоҳларни келтира оласизми?

Сизни кузатадиганлар ичидаги эса туллар бор, етими борлар бор, ажрашган сўққабош аёллар бор, эридан куйганлар бор... Уларнинг кемтиқ қалбидаги яра тирналиб, қайта қонаши сизни безовта қилмайдими?

Сиз уйингиз, жиҳозларингиз умуман шахсий ҳаётингизга алоқадар ҳар қандай “янгиликни” ижтимой тармоқка жойлаганингизда нима бўлишини биласизми?

Билмасангиз, билиб олинг! Аввало, ўзини билган ва Роббисини таниган киши сизга ҳавас қилмайди. Чунки умматни тирилтириш учун ҳаракат қилаётган бир аёл иймон лаззати таъмини тотиб қўргани учун сизга асло ҳавас қилмайди.

Уйингизга олган парда, идишлар, мебель ва уй жиҳозларнинг унга ҳеч қизиги йўқ.

Аксинча, кутубхонаси бўлмаган бир уйнинг бекаси, янги моделдаги смартфони билан овунадиган бир зеҳниятнинг соҳибаси бўлганингиз учун сизга ачинади, раҳми келади.

Ўзини билмаганнинг эса сизга ҳасади келади. Муҳташам ҳаётингизга хуши кетиб, камроқ пул топадиган эри кўзига хунук кўринади, уйи, болалари, ҳаёти – ҳамма-ҳаммасидан қониқмай, ўзини баҳтсиз санашни бошлайди.

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар: ”Мен қиёмат куни сизларнинг (умматимнинг) кўплигингиз билан фахрланаман”.

Буни билган Робия онамиз бир кечада минг ракат намоз ўқидилар.

Маҳшарда пайғамбар алайҳиссалом: “Менинг умматимда бир кечада минг ракаат намоз ўқиган аёллар бор” дея фахрланишини истадилар. У киши ҲАБИБИГА буни раво кўрдилар, унинг уммати ила фахрланишига арзирли иш деб шуни билдилар, қўлларидан келгани шу бўлди...

Ортингизга бир назар ташланг-чи, сиз нима билан фахрланасиз?

Қаймоққа кориб пиширганингиз курабия биланми? Ёки ижарада яшайдиган танишларингизга қўз-кўз қиласидиганингиз данғиллама уйингиз биланми? Эҳтимол, Тошкентга ҳам бора олмайдиган обуначиларингизга мақтаниб кўрсатганингиз – денгиз саёхати биландир? Қанчалик чиркин ва арzon иш, шундай эмасми?

Роббингиз сизга қанча ризқ берадиган бўлса Унга ҳамд айтинг, шукр қилинг, лекин ҳаммага кўрсатиб, фахрланманг. Ўрнак олишга бизга Фотима, Оиша, Хадича оналаримиз етарли. Улар дунё билан асло фахрланмадилар.

Эр аёмининг ташки
кўринишидан кўнгли
тўймай қолганда нима
қилиши керак ?

—

Ҳикоҳдан бир неча йил ўтгач, баъзи эркаклар хотинидан айб қидирадиган бўлиб қолади.

Эр-хотин ўртасидаги жанжалларнинг аксари эрнинг хотинига “фалончи чиройли, дид билан кийинади, сен эса ундей эмассан” ёки “сен семизсан, фалончининг фигураси “чоткий”, “агар озмасанг, иккинчи хотинга уйланаман” деб жуфтини камситишидан келиб чиқади.

Эркаклар бундай гапларни осонгина ва бепарволовча гапирадилар. Эри ва болаларига умрини бахшида қилиб, турмуш мاشаққатларига чидаб келаёт-

ган аёлнинг бу гаплардан қўнгли чил-чил синишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Шундай эркакка бир ҳақли савол билан мурожаат қилгим келади: “Сизга турмушга чиққунича бу аёл семиз ёки хунук бўлганми?”

Ўша эркакдан сўрашни хоҳлардим: “Энди танлов имкониятингиз кенгайганида, хотинингиз ёқмай қолдими? Балки, пулингиз кўпайиб қолгандир? Ахир ўзингиз кўриб, танлаб, ёқтириб уйлангансиз-ку. Уйингиздагилар сизга шу кизни олиб бериш учун қанча елиб-юргурганлари эсингиздан чиқдими?” Бундай вазиятда айб эркак кишида эканини тан олиш керак.

Аёлларнинг жуда кўпчилиги ўзига қарашни ва чиройли кийинишни истайди ва яхши кўради. Аммо бунинг учун хоҳишининг ўзи етарли эмас – пул деб аталадиган восита ҳам керак.

Кўпинча аёл ташқи кўринишим эримга маъқул деб ўйлаб, эрининг камроқ топаётгани ёхуд пардоз-андозга ортиқча пул сарфлаб, эрини қийнамаслик учун ҳам ўзига қарамай қўйган бўлиши мумкин. Балки аёлда “пул сўрасам жаҳллари чиқади”, деган истиҳола бордир. Аёлининг гўзаллигидан баҳра олиш истаги ҳар бир эркакда бўлиши табиий. Лекин шу истакни гўзал тарзда ифода қилиш ҳам, муаммони бошқа услубда ҳал қилиш ҳам мумкин-ку?

Оила – кўнглига ўтирумай қолса, бошқасини топиб олаверадиган кўнгилхушлик макони эмас.

Аёл – ўйнаб-ўйнаб, зерикканида бошқасига ўтиб кетадиган қўғирчоқ ҳам эмас.

Аёл боласига таглик олиш муаммо бўлиб турган бир пайтда, эрининг ишлари юришиб кетишига умид қилиб яшайди. Щурлик аёл кундалик ташвишлар зарбидан ўзига келолмай турганида эри эса иккинчи хотин олиш ҳақида қочирим гаплар қиласди.

Эрига ана шундай сабр-тоқат кўрсатаётган, эрини хафа қилишни истамайдиган, иқтисодий муаммолар билан ҳадеганда жуфти бошини қотирмайдиган сабрли аёлларга нисбатан эркак янада мулойимроқ муносабатда бўлиши керак эмасми? Унинг ва болаларининг ҳақларини гўзал адо этиши керак эмасми? Ахир, аёл сабрининг ҳам чегараси бор-ку. Сиз нима деб ўйлайсиз?

* * *

Мутойиба

Менинг эрим жудаям меҳрибон инсонлар. Бармоқлари оғримасин, деб смс ҳам ёзмайдилар, безовта бўлмасин, деб қўнғироқ ҳам қилмайдилар.

* * *

Бу дунёга дунё учунми келдик?

Унда нега моддиюн учун келган каби барча ҳаракатларимиз?

Ишга кеч қолмаслик учун тонг сахарлаб барвақт уйғонамиз-у, бомдод намозини ўз вақтида ўқишга умуман эътиборсизмиз.

Бошлиғимизни мамнун қилиш, ундан мақтов эшитиш учун жидду жаҳд қилиб, бор кучимизни сарфлаймиз-у, “Роббингизни рози қилинг” деган хитобга

энса қотириб, Яратувчимизни рози қилиш учун ури-
ниб ҳам кўрмаймиз.

“Жонингни жабборга бериб ишлама, бу кетиша
касал бўлиб қоласан” дейишса, “Ҳаракат қилмасам
бўлмайди, бошқа иложим йўқ” деймиз-да, “Кечаси
таҳажжудга тур, Қуръон ўқи” дейилса, “Кун бўйи ишла-
дим, чарчаб қоляпман, ўқиёлмаяпман” деб важ-кар-
сон кўрсатамиз.

Эхх, бу инсон... Дунё ишлари, пул, мансаб учун
биринчилардан бўлиб отилиб чиқади-да, Роббиси-
га ибодат эслатилса, айтадиган баҳонаси доим тайёр
бўлган маҳлуқотdir.

Сизнингча ҳам, дунёга фақат дунё учун келдикми?..

* * *

Қиз сулув эди, соҳибжамол эди.

Йигит мард эди, алпкелбат эди.

Севишиб турмуш қурдилар.

Ёлғиз ўғилга ёр сайланди.

Йигитнинг омади чопди. “Ёғли” жойга ишга жой-
лашди. Пуллари кўпая бошлади.

Пуллар оиласаларни пароканда, аёлларни баҳт-
сиз, болаларни толесиз қилаётган ичкилик савдо-
сидан эди.

Келинчак бирин-кетин кўчкордек тўрт ўғилни
дунёга келтирди.

Ўзларини янада баҳтли ҳис қилдилар. Осмон кафт-
ларида эди гўё...

Суюкли эрнинг муштипар онаси дунёдаги энг ёқимсиз бири кўринди, “ёр” янги қурилаётган қасрда бу қари кампир билан яшашни истамади.

У қилди-бу қилди, эрни авради-да, қартайган қайнонани эски кулбасига ташлаб, чиқиб кетдилар.

Ўзларини қудратли санадилар.

Саодатли эдилар, гўё...

Ўғиллар катта бўла бошлади.

Аммо...

Мактаб ёшига етганида бир ўғил автоҳалокатда нобуд бўлди.

Отанинг топган-тутганини қолганлари майшатга сарфлай бошладилар.

Кўчмас мулклар, уйдаги буюмларни бирин-кетин қиморга ютқаздилар.

Бир ўғил бир неча йил “ўтириб” ҳам чиқди.

Арслондек уч ўғил бирин-кетин “передозировка”да жон таслим қилди.

“Аллоҳ берди” эмас, “мен, менгина туғдим” дея кўкракка урилган қўллар болаларининг жонсиз таналарини мажолсиз қучоқлади.

Атрофга паст назар билан қарашга одатланиб қолган керик бошларни фарзанд доғигина қуий эгди, эга олди.

Анҳордек оқиб кирган бойлик селдек шиддат билан чиқиб кетди.

Бадавлат эр юрак хуружидан вафот этди.

Фарзанд дөгидан адо бўлган хаста кўнгли нафақат хосиятсиз қасрига, балки дунёларга сиғмай қолди...

Инсон ўз ҳаётининг бунёдкоридир. Ҳаётини ўзининг танловлари ҳамда қарорлари асосида барпо эта-ди ва унда ўзи умргузаронлик қиласди. Танловларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини белгилаб берувчи ягона мезон – Қуръони каримдир. Кимнинг ҳаёти бу мезонга асосланмас экан, у охир-оқибат баҳтсизликка маҳкум.

* * *

Мутойиба

Аёлларга лайфхак:

“Энг яхши дугона – семиз дугона. Чунки сизнинг семизлигингиз дугонангизни кини олдида билинмай қолади”.

Оилада айтимаслиги керак бўлган жумалар

- Мен сизга нима дегандим.
- Унинг эри/хотини бундай қилмайди.
- Сиз ҳар доим шунақасиз.
- Мен сизга бундай қилгандим, сиз эса ...
- Сиз менинг онам/отам эмассиз.
- Жавобингизни берайми?
- Сиз буни қилишга мажбурсиз.
- Унда ажрашайлик.
- Онангиз ҳар доим шунақалар.
- Менга ҳеч эътибор бермайсиз.
- Сиз мени яхши кўрмайсиз.

Келинг, бир фикрлашайлик. Сизнингча, оилада эр-как ва аёл бир-бирига яна нималарни демаслиги керак?

* * *

Қабристон. Ҳазин нур сочаётган аср қуёши истамайгина уфққа томон йўл олади. Баргларини тўкиб, қип-яланғоч бўлиб қолган садақайраоч шохлари дўп-пайган сағаналар тепасида алланималарни сирли шивирлайди. Куни кечаки кўзни қувнатиб ғужфон ўйнаган дараҳт барглари сарғайиб, ерга тўкилгач, табиат хукмига жимгина итоат этганча тупроққа аралашиб ултурган. Атроф сокин. Қаердандир мулланинг тиловат қилаётган узук-юлуқ овози эшитилади.

“Қабрларни зиёрат қилинглар, улар сизга охиратни эслатади” – дейилади ҳадисда.

Аммо, қабристонлар охиратни эслатадиган эмас “ўзини кўрсатадиган” жойга айланиб қолган бугун. Кимўзарга иморат солишлар энди қабристонда сағана қуришга ҳам кўчган. Мозористондаги хилма-хил “қабр экстеръер”ларини кўриб, ўзингни “қабртошлар кўргазмаси”га бориб қолгандек ҳис қиласан, киши. Жимжимадор ва нақшинкор мармарлар, шакл ва услуб жиҳатидан бири иккинчисини такрорламайдиган сағаналар, баъзиларининг атрофи жимжимадор панжара билан ўралган, баъзиларига чет эл газони ва ноёб гуллар экилган... Кулгили ва аламли... Аламли ва айни дамда кулгили...

“Отажон, сизни тоабад унутмаймиз”, “Мехри дарё онам, қалбимизда мангушайтисиз”. Қимматбаҳо гранитларга битилган бу сўзлар яқинидан ажраган мусибатзаданинг нидоси ўлароқ, бирор ким қалбидан ҳамдардлик туйғусин уйғотар эҳтимол... Ҳаётлик чоғида отасининг кўнглини ололмаган, онасини етар-

ли рози қилолмаган хом сут эмган банда ота-онаси қабрини бу тарзда ясатиб, ўз фарзандлик бурчини яхшироқ адo этмоқчидир, балки... Хотинига шуба олиб берганида онасига бир кийимлик мато қўшиб ололмаганидан, ўғлига велосипед совға қилганида отасининг қон босимига дори олиш эсига келмаганидан, шоҳона уйини қимматбаҳо мебель билан жиҳозлаганида дунёга келишига сабабчи бўлганларининг эски кулбада яшашига рози бўлганидан афсус чекаётгандир, эҳтимол.

Билмадим... Аммо шуниси аниқки, хом сут эмган бандаси ўзидаги неъмат қадрини ундан айрилганидан сўнггина ҳис қиласди. “Эҳ, мени ўзиданда яхши кўрган меҳрибонларимга тузукроқ яхшилик қилолмадим-да” дея оҳ чекади, шўр пешонасига бир эмас минглаб уради, аммо энди фойдасиз.

Бироқ, Яратувчимиз жуда меҳрибон. Биз гумроҳ бандаларига ана шу хатолар ичида ҳам имконлар ато этади, хатоларни тўғирлашга, айбимизни ювишга йўл қолдиради. Яхши ишлар, солих амаллар қилиш ва улардан ҳосил бўладиган ажру савобларни ота-она руҳига бағишлаш, улар ҳаққига дуои хайр, эҳсонлар қилиш билан уларга фойда етказа олишимизга шароит яратади.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қачонки одам боласи ўлса, амали кесилади. Магар уч нарсадан: жорий садакадан, манфаат олинадиган илмдан ва унинг ҳаққига дуо қиладиган солих фарзанддан кесilmайди” дедилар.

Шоҳона сағана қуриб, атрофини безатишнинг марҳумлар учун зарра қадар бир фойдаси йўқ.

Ақлни ишлатайлик ва фарзанд ўлароқ ўзимизга берилган сўнгги имконни ҳам қўлдан бой бермайлик!

* * *

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва-саллам:

“Мен Хадийжамнинг севгиси билан ризқлантирилдим” дедилар.

Демак, ризқ фақат ошқозонга кирадиган озуқагина эмас.

Кўнгилнинг ризқи бошқа, кўзнинг ризқи бошқа, қулоқнинг ризқи бошқа.

Асл гўзаллик кўнгилдан изланади.

Ҳашаротлар еб битирадиган танадан эмас...

Аллоҳ барчамизни гўзал ризқ билан ризқлантирсин!

Севадими ёки йўқ...?

СЕВАДИМИ

Аллоҳ таолонинг баъзи хикматларига кўра эр-
акак севгиси ва аёл муҳаббати бир-бираидан
бутунлай фарқ қиласи. Худди аёл кишининг руҳияти
эркакнидан бутунлай ўзгача бўлгани каби.

Аёл севгиси сўзсиз, ҳиссиётларга лиммо-лим. У
севган кишисига бор-будини бахшида қилиб юбора
олади, уни қўллаб-қувватлайди, гарчи эркак бунга
лойиқ бўлмаса ҳам.

Аёл вафодор, садоқатли бўлади, ўз ёнида жуфти
ҳалолидан бошқасини тасаввур ҳам қила олмайди.

Бу қадар буюк муҳаббатга аёл ўз-ўзидан, айнан
шундай жавоб кутади.

Лекин эркак муҳаббати бутунлай бошқача.

Умр йўлдошингизнинг ҳақиқатдан ҳам сизни се-
вишини билиб олиш мумкинми?

Ҳа, буни қуйидаги уч нарсадан билиш мумкин:

1. Билдириш – эълон қилиши

Агар эркак қалбидан сизга нисбатан ёқимли ҳиссисиётлар бўлса, у буни атрофидагиларга билдиради. Бу шунни англатадики, у бир умр ўз ёнида бирга бўладиган шахс сифатида фақат сизни кўрятти, сизни ўз-ўзиники деб ҳисоблайди, ёнида эканингиздан фахр туди ва ўзи ҳам билмаган ҳолда буни атрофга билдириб қўяди.

Бу нафақат сўз билан балки, ўз ёнида сизни олиб юриши, фикрингиз билан ҳисоблашиши, илтифот кўрсатиши ва ёнида эканингизда хотиржам тортиб қолишида ҳам намоён бўлади.

2. Таъминлаш – севган эркак таъминлайди

Сизни севадиган эркак ундан пул сўрашингизга ҳожат қолдирмайди (агар иқтисодий муаммолар бўлмаса). У сизнинг ҳамма эҳтиёжларингизни қондиради, таъминлайди.

Таъминот дегани фақат пул бериш, дегани эмас. Агар у сизни чин қалбдан севса, сизнинг ҳар қандай муаммоингизни ҳал қилишга тайёр туради, яъни у сизни хотиржамлик ва ҳаловат билан таъминлашга ҳам уринади.

Мабодо, сиз ундан бирор ёрдам сўрасангиз-у, у бесабаб бош тортса ёки баҳоналар қилса, билингки, у сиз ўйлаган киши эмас.

3. Ҳимоялаш

Эркак ҳақиқатан ҳам аёлни севса, уни ҳар қандай муаммодан ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Бу унинг сизни эзиши мумкин бўлган ҳар қандай жисмоний ва руҳий зарбалардан ҳимоя қилишида намоён бўла-

ди. Бу қандайдир зарур маслаҳат ёки сиз учун хавфли бўлган заарни даф қилишга интилиш бўлиши ҳам мумкин.

Аёллар кучли жинс вакиллари севгиси ва унинг изҳори ўзлариникидан фарқли эканини ва кўпинча ана шу уч усуулда намоён бўлишини билиб олишлари шарт: *билдириши, таъминлаш, ҳимоя қилиши!*

Аёл кишининг кўнгли нозик бўлгани ва романтикага “уч”лиги сабаб ҳам, кўпинча эркагидан ноўрин хафа бўлади, уни бемехриқда айблайди.

Чунки жиддий эркаклар севгиларини гап-сўзлари билан эмас, ҳаракатлари билан билдиришга уринадилар.

Уларнинг “сени яхши кўраман” дейиши тил билан эмас, иш-ҳаракат билан ифодаланади.

Буни билиб олган аёлнинг эридан бўлар-бўлмасга хафа бўлишига ҳожат йўқ.

Агар хulosса қиладиган бўлсак, жуфтингиз сизни ёнида олиб юрса, ҳар қандай эҳтиёжингизни таъминлашга ҳаракат қилса ва сизни ёқимсиз вазиятлардан, хавф-хатардан ҳимоя қилишга уринса, хотирингиз жам бўлсин. Демак, сиз унинг қалбидан чуқур жой эгаллаб бўлгансиз.

* * *

Мутойиба

Хотин:

– Менинг ҳамма қариндош-уругларимни ёмон кўрасиз, ҳурмат қилмайсиз.

– Йўғе, онаси, жаа унчалик эмас. Масалан сенинг қайнонанг ва қайнингилларингни яхши кўраман.

* * *

Оила аъзоларингиз, яқинларингиз билан овқатланиб ўтиаркан, ёнингизда бўлмаган ким биландир тинимсиз SMSлашиб, гаплашиб ўтирадиган бўлсангиз – бу бир муаммо...

Меҳмон келганида ёки бир жойга борганда телефонингизни столга (кўз тушиб турадиган бир жойга) кўйиб қўядиган бўлсангиз, ўзингиз англамаган ҳолда атрофингиздагиларга “Сиз мен учун аҳамиятли эмассиз” деган ахборотни берасиз – бу ҳам бир муаммо...

Эрталаб кўзингизни очар-очмай аёлингиз (эрингиз), болаларингизга бир оғиз сўз қотмай ёки бошқа бир иш қилмасдан дақиқаларча телефонни қўлдан кўймасангиз – бу катта муаммо.

Демак сиз қарамсиз!..

Бошқа барча қарамликлар сингари, сизни оиласингиз, яқинларингиз ва ҳатто Аллоҳ билан муносабатларингизни ёмонлашишига олиб келади, баҳоси йўқ вақтингизни, умрингизни ҳавога совуришга хизмат қилади.

Телефономания – асримиз касаллиги – ҳаётингиз устидан ҳукмронлик қилишига изн берманг.

Маълумот ўрнида: Америкалик олимлар Интернетнинг инсон психоэмоционал ҳолатига ижобий ва салбий таъсири бўйича тадқиқот ўтказдилар.

Унга кўра, бор-йўғи 8 фоиз маълумотлар ижобий са-
марадорликка, 92 фоизи эса бузғунчи таъсирга эга экан.
Танлаш ихтиёри ўзингизда!

Қиз бола турмушга чикса, эрининг жонига жон
тикиб, умрига йўлдош бўлади.

Фарзандли бўлганидан кейин эса боласининг энг
биринчи ва энг аҳамиятли ўқитувчиси –тарбиячиси-
га айланади.

Уйни идора қилиш, рўзгор тутиш ва оилада ижобий
иқлим яратишда энг катта масъулият унинг зим-
масига тушади.

Оиласини Аллоҳнинг ризоси асосида бошқариш,
Аллоҳ рози бўладиган бир шаклда яшаш ва тобора
мураккаблашиб бораётган ушбу асрда том маънодаги
мусулмон бир фарзанд етиштириш учун энди у бир
“сеп-сидирға”га қаттиқ эҳтиёж сезади.

Мебелининг сифати, пардасининг модели ва ёки
идишларининг гулидан кўра жуда аҳамиятли бўлган
бир “сеп” бор.

Модомики, қизнинг бисотида бу “сеп” мавжуд
бўлар экан, қолган барчасининг энди аҳамияти қол-
майди.

Муслима қизнинг сепи бўлмаса-бўлмасин, аммо..

– Гўзал ахлоқи.

– Илми.

– Беш вақт намози.

– Одоби ва фаросати бўлсин...

* * *

Тақдиримизга битилган бир бандай мусулмонга жуфт бўлиш илоҳий бир бутунликдир.

Бир танишим – опам бор. Ўзи қувноқ, бир гапириб, ўн куладиган, атрофидагиларни ҳам “ичагини узуб қўядиган” аёл. Аммо эри бироз нобопроқ чиққан. Тез-тез “куйдириб” туради. “Йўқолиб кетса, қутуламан шундан” деб юрадиган опам, эрини узок сафарга кузатди-ю, негадир ўзгариб қолди. Ҳардам-хаёл ва ўйчан, нигоҳлари сўник, кўзларидаги ўтдан асар ҳам йўқ...

Яхшими, ёмонми жуфтингизнинг борлиги баҳт. Унинг ғамида елиб-югуришингиз, хизматида туришингизнинг ўзи бекаму кўстлиқдир.

Ишонмасангиз, жуфтидан айрилган, ажрашиб кетган ёки турмушга чиқолмай турганлардан сўранг.

* * *

Мутойиба

– Онаси, бугун кайфиятим зўр, шундай гап айтгин, этларим жимиirlаб кетсин!

– Сўраганимда опчиқиб берасан, деб берган пулларингизни ишлатиб қўйдим.

* * *

Охират уйига кўчганинг замон, ортингдан “Ёсин”-ни ўқийдиган бир жуфтинг бўлиши не саодат! Чунки, “Сизни севаман”, “Сенсиз ўлиб қоламан”лар у ерда ҳеч ишга ярамайди...

* * *

“Үғлим оппоқ қиз хоҳлаяпти. Узр-ку, сўраганни айби йўқ, қизингиз оппоқ ва нозиккинамилар?”

...оппоқ...

...нозик...

Совчи аёлларнинг сўзлари беихтиёр қулоғимга тушаркан, замонамиз йигитларининг гўзаллик бора-сидаги ўлчовлари айнан шу стандартга тушиб қолганига такрор шоҳид бўлдим.

Тўғрироғи, бу параметрларни XX аср мода индустрияси байроқ қилиб кўтариб чиқди ва уни омма онгигига сингдиришда жадал давом этмоқда.

Аслида-чи, ҳар замон ва ҳар маконда айни шу ўлчовлар трендда бўлганми? Гўзалликнинг қатъий шакли ёхуд ранги мавжудми?

Албатта, йўқ!

Келинг, яқин ўтмишга назар солайлик.

XIX аср охири XX аср боши ва ўрталарида рус мустамлакаси бўлган бизнинг диёрларда табиийки, рус гўзаллик эталони омма онгига сингдирилган. Булар бозори чақон, оёқ-кўллари дўмбок, тўлачадан келган, юзлари қип-қизил қизлар саналган. Шунинг учун ҳам аёллар юзларини “қизартириш”га румяна отлиқ упадан фойдаланган.

Ориқ қизларга ҳадеганда харидор чиқавермаган. Аксинча, нозик қизларга бирор касали бор бўлса керак, шунинг учун озиб кетган деб, шубҳа ва гумон назари билан қаралган.

Ўтган асрда эса Европада гўзаллик эталони – бўйни узун ва пешонаси кенг аёллар саналган.

Ўша даврда Европада туғилган қиз-аёллар энса ва пешона соҳаси сочларини қирдиришга мажбур бўлишган. Қошларини эса теп-текис қилиб, тердириб юришган.

Хитойда эса оёғи кичкина аёлларнинг бозори чаққон бўлган. Чунки оёғи катта қизларнинг турмушга чиқишига деярли ҳеч қандай шанси бўлмаган.

Мисрда эса кўзларининг қорачиғи катта ва тим кора бўлган аёллар энг гўзал саналган. Бечора аёллар чиройли саналиш учун кўз қорачиқларини кенгайтириш ва қорайтириш учун кўзларига аччиқ белладонна суюқлигини томизиб юришган. Тўлача ёки кора экани унинг минуси бўлмаган, балки, оппоқ ва нозик бўлса ҳам кўзининг қорачиғи кичикроқ бўлса, у аёл гўзал саналмаган.

Ана шулардан хulosса қиладиган бўлсак, гўзаликнинг аниқ бир мезони мавжуд эмас. Бугун гўзалик экани даъво қилинаётган ўлчовлар вақтлар ўтиб, тасқара деб саналиши ҳам мумкин. Ёки аксинча.

Оиланинг пойдеворини ташқи гўзалик устигагина куриш катта хато эканини ҳаммамиз ҳам биламиз.

Аммо бугунги моддият замонида буни унутиб қўймаслик ва ёшларга ҳам эслатишга катта эҳтиёжимиз бор.

Баъзи маҳлуқотлар кора, лекин жуда гўзал ва нурли. Баъзилари оппоқ бўлишига қарамай, кўримсиз ва хунук бўлади.

Аслида гўзалликнинг аниқ шакли ва ранги йўқ.
Аллоҳ уни Ўзи истаган кўринишида кўрсата олади.

* * *

Бахтдан сўрадилар: “Қаерда яшайсан?” У жавоб берди: “Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлган ҳар қалб менинг маконимдир”.

Унумтманг, муҳтарама хоним, келажак авлодни етиштирувчи сизсиз, балки, улар сизнинг охират билетингиздир...

Оила – ичимиздаги бир ватандир. Кимгадир кераклилик туйғуси ҳис қилинmas экан, инсон ўзини бўшлиқда сезади.

Эр ҳам, хотин ҳам, фарзанд ҳам фақат ўз оиласидагина ўзини хотиржам ҳис қиласи.

Жамият фақат хотиржам, маънан ва жисмонан соғлом оилалар билан кучли бўлади.

Оила – ватандир.

Ватанимизни душманлардан, чет таъсирлардан, гарази борлардан қўриқлашимиз лозим.

Бу ватанда эркак подшоҳ, аёл малика.

Қай давлатда подшоҳ қолиб, “малика” ўз ҳукмини юргизар экан, у давлат охир-оқибат таназзулга маҳкум.

Кучли аёл ва ожиз эркак эса оилалари йўқ бўлган бир ўлка демакдир.

* * *

Аёл зоти асаларига ўхшайди. Ўзи асал беради, лекин ора-орада чақиб туради.

* * *

“Елкамдан тоғ ағдарилди”, деган ибора борлигиги биласиз. Бу қай ҳолат, қай вазиятда ишлатилишини ҳам биласиз. Таъбир жоиз бўлса, аксариятнинг бугун тўй қилиб, қизини узатгач, “ҳайрият-ей, елкамдан тоғ ағдарилди” деб бир енгилгина нафас оладиган вазият ичида экани ҳам сизга сир эмас. Бу майли. Ҳар нарсага кўнишиб кетувчи миллатмиз, бунга-да мослашиб, кўнишиб улгурдик. Аммо қиз узатиш ҳали “ҳолва”-си экан. Бугун ҳеч бир тузум, ҳеч бир халқда мавжуд бўлмаган, ҳадсизликнинг асов отдек жиловсиз истаклари, нафснинг сарҳад билмас тузсиз хоҳишларининг яна бир шакли шамойили ўртага чиқди.

Бу – ҳали тўйда олган қарзларини узиб улгурмаган шўрлик қиз томоннинг катта юқ машинани тўлдириб, чақалоқ учун бир дунё матоҳ олиб, куёвникига жўнатишидир.

Миллатимизда насл давомчиси, деб ўғил фарзанднинг болаларига айтилади. Туғилган чақалоққа ота томон исм қўйиши ва унга отасининг ёки ота томондан бўлган боболарининг исми шарифи берилиши ҳам шундан. Чунки, ҳам шаръян, ҳам қонунан бола – отаники. Шариатда боланинг нафақаси – уни боқиш, кийим-кечак, ҳаёти ва саломатлиги учун зарурий бўлган барча воситалар билан таъминлаш отасининг зиммасида.

Аммо, таассуфки, бугун биз буларнинг бутунлай аксига шохидмиз.

Оталар “елкаларидағи тоғ”дан қызларини узатиб ҳам қутулмаяптилар. Аллоҳнинг хадяси ўлароқ оила-да бир фарзанд дунёга келса, энди унинг кам-кўсти-ни қилиш – коляска, ётоқ, шкаф, чўмиладиган тоғо-ра-ю, тувакдан тортиб сўрғичигача олиб бериш қи-зини бериб “айбдор” бўлган шўрлик қиз томоннинг зиммасида.

Ва энг хунуги – қудаларнинг, куёвнинг буни од-дий бир ҳол ўлароқ қабул қилиши, вожибот – қили-ниши керак бўлган бир иш билиши, бундан виждо-ний бир оғриқ туймасликларида.

Сизнингча, бунга ким айбдор?

Оилада ўзининг бир сиёсати бўлмаган, шари-ат унга юклаган масъулиятларни билиб-билмаслик-ка, кўриб-кўрмасликка олиб келаётган йигитларми?

“Хозир ҳамма шунақа қиласидиган бўлиб кетган”, “Ана, фалончи ҳам неварасига шунча жиҳоз олиб ке-либди” деб уйидагиларга зимдан гап едириб, бола-нинг нафақаси отасининг бўйнида эканини, чақалоқ ётадиган каравотчани аслида ўғли олиши кераклиги-ни таълим бермаган аёлларми?

“Ўзимиз қилиб оламиз, қудаларингга айт, ҳеч нар-са олиб келишмасин” деб чиройли тарзда бу овора-гарчиликка нуқта қўйишни хаёлига ҳам келтирмаган, таъмагир хотинини тийиб қўёлмаган эркакларми?

Фикримча, бунга энг аввало куёв томон барҳам бериши керак. Чунки, қудалари рад қилмас экан, қиз томон “қилиш керак экан” деб орият кучида қарз олиб бўлса ҳам, ернинг тагидан топиб бўлса ҳам қилади.

Ўзбек жамиятида янги турмуш қурган ёш оиласларда сиёсатни аввал-бошда қайноналар юритадилар.

Шу сабабли эндиғи мурожаатимиз уларга:

Хўш, қайнона ойим, жигарпорангизнинг пушти камаридан бўлган, уйингизда туғилиб, шу маконда вояга етадиган, наслингиз давомчиси – неварангизни нега қудаларингиз кийинтириши, кам-кўстини тўлдириши керак? Бешиг-у, тувак-сумагини, ҳатто тагликларигача нега улар олиб бериши керак? (Суюнчи тарзида, ҳайит-байрамларда совға тарзида неварала-ри учун ҳадя беришса майли).

Фарзанднинг таъминоти отасининг бўйнида экан, марҳамат қилиб ўғлингизга вазифасини адо этиши учун йўл беринг. Билмаса ўргатинг, вазифасини англатинг, унутса эслатиб туриңг. Ахир, сиз онасиз. Болангиз адашса, хато қилса қараб ўтирмайсиз, қарсак чалиб олқишиламайсиз-ку! Бу борада ҳам уни йўлга солиш, ҳамиятини шакллантириш, эркаклигини эслатиб туриш, аввало, сизнинг бурчингиз эмасми?

Жамиятда, хусусан оиласла биз аёлларга кўп нарса боғлиқ, энг аввало, ўзимизни бидъатлардан тўсайлик, ўлчовларимизни тўғрилаб олайлик, таъмали, хирсли бўлишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайлик!

Кейин эса мард ва ҳамиятли ўғлонларни вояга етказайлик, улар ота бўлгач, ўз бурч ва масъулиятларини адо этишларида ёрдамчи бўлайлик. Эртага Яратган ҳузурида ёруғ юз билан тура олсак, шояд.

Бир инглиз ёзувчиси: “Гўзал ахлоқли, мард эркакларни вояга етказиш учун, аввало, гўзал ахлоқли, илм-

ли аёлларни тарбия қилиш керак”, деган экан. Биз бугун бу ўгитга ҳар доимгидан-да муҳтожмиз.

* * *

Бугун тўйларда қилинаётган исрофлар ҳақида кўп ва хўб гапириляпти.

Мен ҳозир бу ҳақида гапирмоқчи эмасман.

Гап – тўйдаги бачканаликлар (келиннинг селфи-га тушиши каби) ҳақида ҳам эмас.

Келинг, бизнинг анъаналаримизга сездирмайги-на кириб келаётган бир сохталик, иллюзия ҳақида гаплашамиз.

Биз ўзбеклар азал-азалдан меҳмоннавозликда унча-мунчасини чангимизда қолдирамиз. Юртимизга келган мусоғир борки, буни тан олади, меҳмондўстлигимизни ҳайрат билан эътироф этади.

Аммо бугунги тўйларимиз меҳмоннавозлик, саховат ифодаси эмас, кимўзарлик ва эътироф учун телбаларча уринишга ўхшайди.

Аслида бойлик шараф ва ё камбағаллик ор эмас.

Кимнингдир ўртаҳол яшаши, кимнинг эса тўқинликда ҳаёт кечириши, кимдир базёр кун кўриши, яна кимдир ошибб-тошиб кетиши – бу қонуният.

Аллоҳнинг ушбу адолатли тақсимоти учун кимнидир олқишлиш, бошқа бирини ерга уришнинг ўзи нотўғри.

Аммо бугун оддий, ҳаминқадар рўзгор юритадиганлар ҳам, албатта ҳашаматли тўйхонада, шоҳона дастурхон солиб тўй қилишади.

Кимнинг қанча пул топиши ва уни қаерга, қандай сарфлаши – бу унинг шахсий танлови.

Лекин сизни билмадим-у, менимча йиллаб меҳнат қилиб, маблағ йиғиш – оиласининг ризқи, боласининг билими, ўзининг соғлиғидан тежаб, “даҳшат” тўй қилиш – мантиқсизлик, телбалик ва сохталиқдир.

Айниқса, вақтinchалик берилган бутун умрини, соғлиғини ва куч-қувватини тўй қилиш учун сарфлаш бориб турган мантиқсизликдир.

Умрининг навқирон дамларини, куч-қувватга тўла онларини беҳуда орзу-хавас ортидан югуриб совурганимиз учун у КУНда ҳисоб беришни ҳам унутмаслик керак эмасмиди, аслида?

Чет элларда мигрант бўлиб ишлаётган юртдошлиримиз ўртасида ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатяптики, “Четда ишлашга сизни нима мажбур қилди?”, деган саволга уларнинг 85 фоизи тўй қилиш, уй-жойли бўлиш ва машина олишни сабаб қилиб кўрсатишган.

Бизга муаммо эмасдек кўринаётган бу моддиюнчилик натижаси фарзандларни отадан, аёлларни эридан, ота-оналарни жигаргўшасидан айириб, мардикор бўлиб ишлаш ва ўғил уйлаб, қиз чиқариш, тўй қилиш учун азиз умрини совуриш бўлмоқда. Жуда аянчли холат, шундай эмасми?

Биз ўзбеклар жинниликка зеб бериб, эшшакдек ишлаб, топган-тутганимизни тўй-ҳашамга сарфлаб ётган бир пайтда ўша “чириган ғарб”нинг баъзи онгли ёшлари тўйга кетадиган сарф-харажатларни турли



хайрия фондларига, етимхоналарга ёки таълим соҳа-сининг ривожланишига сарфлашмоқда. Шу ўринда савол туғилади: Аслида биз мусулмонми ёки улар?

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, қизингиз куёви билан келибди.
Уйда ҳеч вақо йўқ, нима қиласиз?

– Куюнма, онаси. Етти маҳаллага тўй бердик, уларга тўйнинг дискини қўйиб берамиз.
Кулайнми, куяйинми..?



Беш нарса сизни стүрессдан құтқарады

1. Ризқ Аллоҳдан

Ризқни берувчи фақатгина Аллоҳдир. Бошқаси-
нинг олдида әгилманг.

2. Таваккалту ал – Аллоҳ

Фақат Аллоҳгагина суянинг

У ўзига суянганларни асло ташлаб қўймас.

3. Насиб қилгани бўлади

Жонингизни койитманг. Сизга насиб қиласдигани
сизга етмасдан қолмас.

4. Сабр – яхшиликлар эшигининг қалитидир

Сабр қилишни билинг. Вақтидан аввал баҳор кел-
майди.


5. Умр ўткинчи



Унутманг, бойлик ҳам, факирлик ҳам, соғлик ҳам,
хасталик ҳам, қувонч ҳам, ғам ҳам, муваффақият ҳам,
омадсизлик ҳам ва ҳаттоқи ҲАЁТ ҳам бари ўткинчи.

* * *

Фалончи мени фақат иши тушганида эслаб қолади, деманг! Кишилар корига ярашни менга икром
қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин дeng!



Сериаллар бизга бераётган тушунчалар

Кишининг тасаввури фикрлари ўқиган ва эшитгандарлари, кўрганлари орқали шаклланади.

Бугун биз оиласиз аъзолари – хусусан фарзандларимиз билан эфир вақтини орзишиб кутиб, роҳатланиб томоша қилаётган айрим сериаллар (!) бизга қандай тушунчаларни сингдирмоқда?

Фарзандларимизнинг миясига нималарни “қуймоқ”да? Уларни қайси йўлларга бошламоқда?

Келинг, бир фикрлашиб кўрамиз.

1. Никоҳдан сўнг эринг(хотининг)дан кўнглинг тўлмай қолса, “кўнглингдагиси”ни топишинг ва у билан ишқий муносабат қуришинг мумкин.

2. Ўзинг севмай уйланган (турмушга чиқсан) кишига хиёнат қилишга, бошқасига кўнгил қўйишга ҳаққинг бор.

3. Муаммоли вазият ёки бирор қийинчиликка йўлиқсанг, бунинг ечими – ичкилик ичиш.
 4. Ёшларнинг, албатта, севгани бўлиши керак. Ўрта мактаб ёки коллежданоқ бирортаси билан “то-пишиб” олишинг шарт.
 5. Оилада оналар хукмрон бўлиши керак. Эркак – ота сўзи аҳамиятга эга эмас.
 6. Бола ҳар доим хақ, ота-оналар эса болалари ни тушунмайдилар.
 7. Қайноналар ёмон одамлар. Улар ҳар доим келини(куёви)га азият беради, зулм қиласди.
 8. Ёмонлар ҳар доим кучли ва ғолиб, яхшилар азоб чекишга маҳкум.
 9. Дунёдаги энг олий туйғу – севги.
 10. Ҳаётдаги энг асосий нарса – муҳаббат.
 11. Моддият ҳамма нарсадан устун. Маънавий ўлчовлар, инсонийлик, одоб-ахлоқ умуман кераксиз тушунчалар.
 12. Ўзгалар ҳаққига тажовуз қилиш одатий ҳол.
 13. Катталарга гап қайтариш, беодоблик бу – маданият.
 14. Эркакларнинг эътиборига тушишни, чиройли кўринишнинг ягона йўли – очиқ-сочиқ кийиниши, пардоз-андоз қилиб юриш...
- ... ва буни узоқ давом эттириш мумкин.
- Керакли хулоса эса ўзингиздан...

* * *

Мутойиба

– Озишнинг энг яхши йўли бу – пул йўқлигига бозорга бориш. Ортиқча вазн сўлак билан чиқиб кетади.

* * *

“Ҳар бир буюк шахснинг ортида буюк аёл туради” дейдилар. Ҳа, айнан шундай! Биз – эркакни тўрга олиб, ўзи пойгакка чўккан, эркакни олдинга ўтказиб, ўзи орқада юрган, ўз ҳаддини билиб, устунлик давосини қилмаган буюк шарқнинг буюк аёлларимиз!..

* * *

“Гапир, эй Оиша, шодланай” деган пайғамбарнинг “Жим ўтири, хотин, гапирма” дейдиган умматимиз...

* * *

Буюк орзулас истагида (романтика)

“Сенга осмондаги ойни ваъда қилмайман. Аммо, мен билан бўлсанг, қорли ва совуқ қиши кунларида, ихчам уйимизнинг иссиққина хонасида, қўлларинг қўлларимда, тиззаларинг тиззаларимга тегиб туаркан, дунёларни унутиб сен билан бирга Қуръон ўқиймиз...” дейдиган эркакларимиз кўпайсин!

Амийн!

* * *

*Хузурли ба энергияга
тўла бир ҳаёт учун:*

Сабаки

1. Кўпроқ сув ичинг.
2. Нонуштада яхшигина, тушликда ўртача, кечки овқатда озроқ енг.
3. Табиий, полиз ва дарахтларда етиштирилган озуқалардан кўпроқ, дўкон пештахталарида сотила-диган, қадоқланган маҳсулотлардан камроқ истеъмол қилинг.
4. Ҳар нарсани ўзингизга қаттиқ олаверманг.
5. Ибодат ва дуо учун вақт ажратинг.
6. Ҳар куни камида ўн дақиқа тафаккур қилинг.
7. Вактида ухланг.
8. Ҳар куни камида 30 дақиқа пиёда юринг ва албатта, табассум қилинг.
9. Ҳаётингизни бошқаларники билан солиштирманг. Зотан, улар ҳаётининг асл юзи сизга маълум эмас.

10. Назорат қила олмайдиганингиз ўй-хаёлларга берилманг. Бунинг ўрнига бор кучингизни хозирингиз учун сарфланг.

11. Ҳаётни жиддий олиб юборманг. Фоний эканнингизни унутманг.

13. Бошқалар ҳақида гапириб, кучингизни бехудага совурманг.

14. Ёмон гумон қилишдан қочинг.

15. Кимсага ҳасад қилманг, зеро ҳасад соҳибини ҳалок қилувчиdir.

16. Ўтмишдаги салбий хотираларни эсламанг. У сизнинг бугунги хузурингизга раҳна солади.

17. Ҳаёт кимгадир нафрат қилиб, кин сақлаш учун жуда қисқалик қиласди. Кимсадан нафратланманг.

18. Ўтмишингиз билан шундай сулҳ тузингки, у бугун сизни баҳтсиз қилмасин.

19. Ҳаётнинг бир мактаб эканини ва ўрганиш учун бу ерда эканимизни унутманг.

Муаммолар алгебра дарсига ўхшайди, ҳар муаммо бир дарс ечишимиз, хулоса олишимиз керак бўлган ва умр бўйи давом этадиган таълим жараёнининг бир бўлагидир.

20. Ҳар тортишувда ғолиб бўлишингиз шарт эмас. Ёқмаса ҳам буни қабул қилинг.

21. Оила аъзоларингизга тез-тез қўнғироқ қилиб туринг.

22.Хар куни атрофингиздагиларга яхшилик қилинг. Табассум, ташаккур, илтифот, ёрдам, дастак, рухият, кайфият...

23.Ҳаммани ҳаммаси учун кечиринг.

24.70 ёшдан катта ва 6 ёшдан кичиклар билан гаплашиб туринг.

25.Бошқаларнинг сиз ҳақингизда нима деб ўйлаши сизни қизиқтирумасин.

26.Тўғри деб билганингизни қилинг, хатоларинги учун пушаймон бўлманг. Нимаики бўлмасин барчasi яхшиликка, иншааллоҳ.

27.Фойдали бўлмаган ва ёки хурсандчилик келтирмайдиган вазиятлардан узокроқ туришга ҳаракат қилинг.

28.Хар қандай вазият у хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, албатта ўзгаради. Вазиятни қабул қилинг.

29.Ўзингизни қандай ҳис этсангиз этинг, аммо ўрнингиздан туринг, кийининг ва ташқарига чиқинг. Ўзингизни уйга қамаб қўйманг.

30.Кўпроқ китоб ўқинг. Дуо қилинг, кучингиз етганича ҳаракат қилинг ва қолганини Аллоҳга ҳавола қилинг...

* * *

Азиятлар чекиб, озорланишига қарамасдан инсонни йиқитмай, оёқда тутиб турадиган қувват – Аллоҳга бўлган иймонидир!

* * *

Бир сахий кишидан сўрадилар:

“Мухтожларга берганингиз, йўқсилларга тарқатганингиз эҳсонлар туфайли қалбингиздан бир кибр ва ё миннат ҳислари ўтадими ҳеч?”

У киши шундай жавоб берди:

“Асло! Мухтожга нимадир берганимда мен ўзими ни ошпазнинг қўлидаги бир капгир мисолиман, деб биламан. Бераётган ошпаздир, фақат берадиганини капгир орқали, яъни капгирда сузаб беради. Сизнингча, бир капгир ризқни берган менман деган тушунчада бўлиши мумкинми?”

* * *

Сендан ўзга қалбимга шифо берувчи йўқдир. Шофеъ исминг-ла Сендан шифо сўрайман, эй Роббим!

* * *

Эридан кўп шикоят қиласидиган бир танишимни кўчада учратиб қолдим. Мени кўриши биланоқ доимгидек яна арзи ҳолини бошлади.

Унга айтдим:

Уйингда ўтирибсан, ҳализамон болаларинг мактаб-боғчаларидан қайтишади. Овқат қилишинг керак. Аксига олиб музлатгичда гўшт ҳам, тухум ҳам қолмаган. Ҳаво совуқ. Болаларнинг эса қорни оч. Тўртбеш соатни амаллаб ўтказдиларинг. Энди совуқ ва очлик азоб беришни бошлади. Камига электр ҳам ўчиб қолди. Кичигинг қорни очиб, йиғини бошлаб юборди. Пластикингда эса пул тугаганига анча бўлган.

Нима қилишни билмай кўчага чиқдинг. Ўзига тўқроқ кўшнингдан 50 минг сўм қарз олиш учун. Юзингни суви етти томиб кирдинг қўшниникига. Рад жавобини оларкансан, ер ёрилса-ю, кириб кетиш фикри ҳам ўтди бирров хаёлингдан.

Шу пайт кўчанинг бошида яшайдиган бошқа бир кўшнининг сен томон юриб келаётган шарпаси кўринди.

Болаларинг кўплигини, совуқ кунда қийналиб қолганингни юз ифодангдан пайқадими, сен билан илиқ сўрашди-ю, уйига кириб кетди. Сен ҳам минг изтиробда, қуруқ қўл билан уйингга қайтдинг.

Орадан 10 дақиқача вақт ўтиб, эшик тақиллади. Очиб қарасанг, ҳалиги кўшни аёл. Қўлида устига иккита чап-чап нон ёпилган бир лаган ош ва пластик карточка. “Ассалому алайкум қўшни, мени сизникига эrim жўнатдилар, совуқнинг қунида болалар билан қийналиб қолган кўринасиз, мана буни олинг, камингизга ишлатарсиз” деди-да, “олмайман” дейишингга ҳам қарамай, беш юз минг сўм солинган пластикни ташлаб, чиқиб кетди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, улар бошқа жойга кўчиб кетдилар. Бир йилдан кейин ўша аёл ва унинг эрини, уларнинг сенга қилган яхшилигини эсингдан чиқарасанми?

– Йўқ – деди, танишим.

– Ўн йилдан кейинчи?

– Йўқ, уларнинг қилган яхшилигини умримнинг охиригача унутмайман!

– Кўшнингни бир лаган ошини унутмайсан, лекин эрингнинг сени ва болаларингни тўйдиришини сендан олган қарзини қайтаргани каби қабул қиласан.

Хато-камчиликлари бўлса ҳам, таъминотларингни қилиши уни севишингга, хурматини жойига қўйишингга етарли эмасми? Нега улар кўзингга кўринмайди?

У жим бўлиб қолди...

Ҳа, биз бошқалар яхшилик қилса, улардан миннатдор бўламиз, лекин эримизнинг бизга қилганлари ни у буни қилишга мажбур деб биламиз. Қилади-да, вазифаси-да, деймиз. Қадрига етмаймиз...

Неъматнинг қадрига етишимиз, аҳамиятини ҳис қилишимиз учун ундан мосуво бўлишимиз шартми?

Сиз нима деб ўйлайсиз?

* * *

Жуфtingиз қизишганида сиз сокин бўлинг! Бирингиз олов бўлганда, бирингиз сув бўлишингиз керак!

(Али розияллоҳу анҳу).

* * *

Романтика

“Дунёларни оёғим остига тўкишингиз керак эмас. Ҳашаматдан холи, аммо фаришталар доим ҳозир бўлган, сакийнатга тўла уйимизнинг ихчам бир хонасида Роббингиз ҳузурида туришингиз, Унга ёлвориб, Унинг Ўзигагина чин кул бўлишингизни истайман. Чунки, Роббингизга асл банда бўлсангиз, мени ҳам, болаларимни ҳам асло зое қилмайсиз...” дейдиган аёлларимиз кўпайсин!

Амийн!

* * *

Эй ота-она!

Ўғланинг юриш-туриши, хулқ-атвори ҳаммадан ҳам кўра ўзингизга яхшироқ маълум. Ахлоқсиз, ҳаром-хариш (сигарет, калян, арок, наркотик, зино)га муккасидан кетган ўғланинг “уйлаб қўйсак тузалади”, “хотин олса, қуюлиб қолади” деган фикр билан уйлантириб, бошқа бир ота-онанинг юраклари қатида асраб-авайлаб катта қилгани – гулдек қизини ўтларга ташламанг!

Уйлантириш – ечим ҳам, даволаш шакли ҳам эмас.

* * *

Уйланмаган бўйдок ёки ҳали турмуш қурмаган қиз бола “тўйим бўлса, ўшанда баҳтли бўламан” деб ўйлади.

Ижарада турадиган одам “ўз уйим бўлса, хотиржам бўламан” деган фикрда яшайди.

Камбағал одам саодатни пули кўп бўлишида деган ўйда бўлади.

Фарзанд кўролмаётганлар эса “болали бўлсам, ана шунда баҳтли бўламан” деган хаёлга боради.

Барчамизни йўқдан бор қилиб, қалб аталмиш бир парча гўштни жасадимизга жо қилган Зотнинг Ўзи эса, Китобида шундай марҳамат қиласиди: “Қалблар Аллоҳни зикр қилиш билангина ором олур”.

(Раъд сураси 28-оят).

Атрофингизга қаранг ва мушоҳада юритинг.

Неча-неча турмуш қурғанлар борки, бир-бирини кўргани кўзлари йўқ, болалари борлиги учунгина чи-даб яшайди ёки ажрашиб кетиб бўлган...

Қанчадан-қанча пулдорлар борки, ўша ором-ҳаловатни излаб ичкиликка, гиёҳвандликка, айш-ишратга берилган...

Аксарият ота-оналар боласини ясли-боғчаларга жўнатиб, хархашасидан қутулиш пайда...

Данғиллама қасрда яшайдиганлар билан бир дилдан сухбатлашиб кўринг-а, ҳеч бир муаммосиз ва хотиржаммикин?..

Дарҳақиқат, “Қалблар Аллоҳни зикр қилиш билангина ором олур”.

* * *

Сиз ундан хафасиз...

Унинг эътиборсизлигидан жонингиз аллақачон ҳалқумингизга келиб бўлган...

У сизга муносиб эмас...

Эҳ-хе, сизни кимлар олмасди-я...

Бу кечинмалар қалбингиздан тез-тез ўтиб туришини биламан, ойим.

Келинг, шу сафар ўша “ярамас”нинг сизга қилган ноҳақликларини бир четга суриб турайлик-да, сизга, ҳа, айнан ўзингизга четдан холис бир нигоҳ ташлаб кўрайлик.

Айтинг-чи, сиз хотин ўлароқ эрингизнинг меҳр-га бўлган талабини, ҳиссий ва жинсий эҳтиёжини

қондирғанмисиз ёки қондиришга ҳаракат қылғанмисиз?

Болаларингиз билан ҳазиллашиб, уларни опичлаб, кези келса улар билан бирга ўйинлар ўйнаб турасизми?

Сиз оиланинг иқлим яратувчиси ўлароқ оиласиздагилар билан кулишиб, сухбатлашиб ўтириб, бирга овқатланиш учун нималардир қылғанмисиз?

Ҳар замонда бўлса ҳам, бир оила бўлиб, табиат қўйнига дам олишга чиқиб туришни ташкиллаштириб турасизми?

Жуфтингиз ишдан қайтишига унга ёқадиган кийимларингизни кийиб, уни “ойдаккина” бўлиб кутуб оласизми?

Гаплашиб ўтиаркан, эрингизнинг кайфиятини кўтарадиган бир нималарни деб турасизми?

У билан холи қолганда, унга ёқадиган нимадир қилиб қўрганмисиз?

Сиз ўзингизга қўйилган масъулиятни қанчалик адо қилмоқдасиз?

Сиз ўзингизнинг Аллоҳ олдидаги бурчларингиздан қанчалик хабардорсиз?

Намоз ўқиши фарз амал бўлганидек, рўмол ўраш ибодат саналганидек, эрни рози қилиш ҳам бир ибодат деган тушунчадамисиз?

Шубҳасиз, мен сизни қоп-қора қилиб, эрингизни оқламоқчи ва ёки унинг тутумларини маъқулламоқчи эмасман.

Аммо бир фикр юритиб кўринг-а, биз ўзимизга ёқмаган, бизни хафа қилган бир муаммога дуч келганимизда, аввало, ўзимизни ўнглашимиз, ўзимизни ўзгартиришга ҳаракат қилишимиз энг тўғриси бўлмайдими?

Ахир бу ҳақда Роббимиз бизга шундай марҳамат қилган:

“Албатта, бир қавм ўзларидаги нарсани ўзгартиргуларича, Аллоҳ улардаги нарсани (ҳолатни) ўзгартирмас”.

(Раъд сураси, 11-оят).

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, тўғрисини айтинг! Менга совчи қўйган пайтингиз, сизни менга ким йўналтирган?

– Билмайман онажониси, душманларим кўп эди.

* * *

Эркак кишининг кун бўйи телефондан бош кўтармай ўтириши жуда хунук ҳолат.

Кўчада юрганида семичка чақиб, сақич чайнаши жуда хунук ҳолат.

Бир ишни келишиб қўйиб, хотиним (онам) унамаяпти, деб келишувни бузиши ўта хунук ҳолат.

Эртадан кечгача диванда ағанаб, телевизор кўриб, телефон чуқилаб ётиши эркак кишига ярашмайди.

Хотини ишлаб, ўзи уйда овқат пишириб, уй тозалаши жуда хунук ҳолат.

Болани туғдириб қўйиб, таъминотсиз ва тарбия-сиз ташлаб қўйиши тоқат қилиб бўлмас даражада ёмон ҳолат.

Бозор ва дўконларда аёллар ички кийимини со-тиб ўтириши жуда хунук ҳолат.

Эркак кишининг тақинчоқ (цепь,браслет) тақиб, эркаклар салонида сочини турмаклатиши (причёска), қизил, сариқ, гулдор кийим кийиши жуда хунук ҳолат.

МИБчилар келганида “сен гапга устасан” деб аё-лини чиқариб, ўзини орқага олиши жуда хунук ҳолат.

Оилада ҳал қилувчи сўзни хотини гапирса-ю, у индамай, жим туриши жуда хунук ҳолат.

Бўйига етган қизлари, келинлари олдида майка-чан ёки ич кийимда юриши жуда хунук ҳолат.

Чойхонадан бери келмай, ошма-ош, гапма-гап юриши жуда хунук ҳолат.

Оила таъминоти ва бошқарувини аёлига ташлаб қўйиши ва яна ўзини “эркакман” деб ҳисоблаши жу-да-жуда хунук ҳолат.

Айтдим-қўйдим-да...

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, интернетда бунаقا қўп ўтиравер-манг! Миянгиз кирди-чиқди бўлиб қоляпти!

– Раҳмат, онаси, ҳозир қорним тўқ.

* * *

Инсон зоти борки, у – яримдир. Оила қургачгина тўлиқ бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам қизлари Фотима (р.а)ни Али (р.а)га никоҳлар эканлар, икковларини ёнларига чорладилар ва айтдиларки:

“Эй Али, сени қизим Фотимага уйлантиряпман, лекин унга қул бўласан. Эй Фотима, сени Алига узатяпман, лекин унга чўри бўласан”.

Улар бу сўзларни ҳаётларига татбиқ этдилар ва бу оила бутун инсониятга намуна ўлароқ саодатли бир оиласага айланди.

* * *

Биз негадир ҳозир “яхши” деган тушунчани мана бундай талқин қиласидиган бўлиб қолдик:

“Яхши келин” – “90×60×90” ва оппокқина, отонаси “яхши”сеп қиласидиган, орқасидан тез-тез дастурхон келиб турадиган келин;

“Яхши куёв” – уйи евроремонт, тагида машинаси, “ёғлиққина” иши, жарак-жарақ пули бор куёв;

“Яхши оила” – бадавлат, ҳашаматли уйда яшайдиган, уйида хизматчилар ишлайдиган оила;

“Яхши тўй” – қиммат тўйхонада ўтказиладиган, “юлдузлар” иштирок этадиган, таклифномада ўриндиқ рақами белгилаб кўйилган тўй (жонингдан бошқа ҳамма нарса бор бўлган дастурхонни гапирмай қўя қолдим).

Ана шу ўлчовлар билан қиз узатиб, ўғил уйлаяпмиз.

Аммо “фалончини қизи ажрашиб кетибди, писмадончи ўғлини бошқатдан уйлар экан” каби гаплар бугун ҳеч кимни ажаблантирмайдиган гаплар сираси-га кириб бўлди...

Авваллари эса:

“Яхши келин” – тарбияли, уй ишларига укуви бор, бетингизга сапчимайдиган бир қиз;

“Яхши куёв” – иномаркаси бўлмаса ҳам, ҳаромдан ҳазар қиласидиган, ЭРлик масъулиятини ҳис қила-диган бир йигит;

“Яхши оила” – аъзоларида одамийлиги, инсоний-лиги бўлган бир оила;

“Яхши тўй” – Аллоҳ белгилаган ўлчовлар бўйи-ча бир шукrona ифодаси ўлароқ ўтказилган “валий-ма” эди...

Ўша пайтларда “хотини кетиб қопти”, “эри қўй-ворибди” деган гапларни деярли эшитмасдик.

Ўлчовларимиз ўзгариб кетгани учун ҳам, моҳи-ятга эмас моддиятга қараб иш қўрадиган бўлиб кет-ганимиз учун ҳам бугун ёшларимиз толесиз, ажра-шишлар эса кўпдир...

* * *

Мутойиба

– Эримнинг қариндошлари орасида энг яхши кўр-ганим – ўзимман!

* * *

Бор экану йўқ экан. Бўри баковул экан, тулки ясувул экан. Бир одамнинг якка-ю ёлғиз ўғли бор экан. У улгайибди ва ишқи подшоҳнинг қизи – соҳибжамол маликага тушибди. Маликага уйланиш истагида булганлар узофу яқиндан ёғилиб кела бошлабди. Подшоҳ эса “Қизимга уйланишни истаган киши менинг шартларимни бажариши керак”, деб айтиби.

У ёғи ўзингизга маълум – йигит подшоҳнинг бир-биридан қийин шартларини адо этганидан кейингина муроду мақсадига етиби.

Болалигимизда деярли ҳаммамиз эртаклар ўқиғанмиз ёки эшитганмиз. Эътибор берган бўлсангиз, аксарият эртакларнинг бошланиши, воқеалар ривожи, ундаги қаҳрамонлар турли-туман бўлса-да, эртакларнинг асосий моҳияти деярли бир хил бўлади. Ҳикоя якунида эртак қаҳрамони ўз муроду мақсадига етади, узоқ ҳамда баҳтли ҳаёт кечиради.

Аммо унгача қаҳрамон шўрлик “энасини” кўрганича-кўради...

Келинг, омади чопган қаҳрамоннинг ҳаракатланиш йўналишини таҳлил қилиб кўрайлик. Қандай қилиб у ўз мақсадига етишди? Баҳтли бўлиш учун нималар қилди?

Биринчидан, у ўз олдига мақсад қўйди.

Албатта, инсон мақсадига кўра ҳаракатланади. Бизнинг қаҳрамон ҳам маликани севиб қолди ва унга эришишни ўзи учун мақсад қилиб олди.

Иккинчидан, мақсадга етиш учун у ўзида кучли хоҳиш-истак ва қатъиятни шакллантира олди.

У мақсадига (яни маликага) шунчаки эришол-масди, бунинг учун табиийки, осон бўлмаган шартлар, босиб ўтиши керак бўлган мاشаққатли довонлар бор эди. Буни йигит яхши тушунди. Шундай бўлса-да, мен буларни қилолмасам керак, демади ва шижаот кўрсатди.

Учинчидан, мақсадга олиб борувчи шартларни адо этиш учун унда илм (маълумотлар) бор эди.

Ёдингизда бўлса, эртакда унга шартларни адо этишда йўл кўрсатадиган кимdir пайдо бўлади ёки йўлда қандайдир ишора учрайди. Демак, у мақсадига эриштирувчи маълумотларни ўзлаштириди, яни билмаганини ўрганди ёки йўл кўрсатувчиларга қулоқ солди. Ана шулар воситасида айни қадамларини қўйди.

Тўртинчидан, у ҳаракатга тушди.

У маликани севиб қолди, аммо севиш биланги-на кифояланмади, орзуларга берилиб, “олма пиш-оғзимга туш” деб ҳаракатсиз ҳам ўтирмади. Дарҳол ишга киришди, эрта-индин қилиб ўтирмай, ҳаракатни бошлиб юборди.

Ва ниҳоят, йигит унчалик осон бўлмаган йўлдан ўтишга жидду жаҳд қилди, машаққатларга таслим бўлмади, қийналса ҳам тишини-тишига қўйди ва ниҳояда маликани ўзиники қилиб олди.

Намёкни – ишорани пайқадингизми? Эртакнинг моҳиятини-чи?

Хулоса: Мақсадга эриштирувчи йўл ҳеч қачон осон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Шундай бўлса-да, натижаси гўзал, оқибати хайрли бўлади. Сиқилманг

ва ғамгин бўлманг. Бу довонлардан ўтиб олсак, иншааллоҳ, биз ҳам мурод-мақсадимизга етишамиз.

Унгача эса ОЛФА!

P.S. Мусулмоннинг олий мақсади нима эканини эса ўзингиз яхши биласиз...

* * *

Аёл...

Борлигини жуфти ҳалолига бағишлиб яшовчи ажиб хилқат...

Ўзини унутса-да, ўзидан кечса-да, эрини унумовчи, унинг шарафини ўз шарафидан устун қўювчи фидокор яратик...

Умр йўлдошининг бир чимдим лутфидан бор бўлиб, озгина эътиборсизлигидан дунёларга сифмай қолувчи заиф муниса..

Эркаклардан ор қочиб, ҳамиятлари заифлашган даҳри дунда уларнинг шарафсизлигидан азият чекаётган ожизалар бир қадар бисёр бугун.

Кўчадаги ҳаром савдога илашиб, аҳли оиласини эътиборсиз ташлаб қўйган, “кўча”дагининг бошидан зар сочиб, боласига хўрозқанд олиб бермайдиган, “аллаким”ларни ширин сўзига кўмиб, аёлидан қатра меҳрини дариг тутадиган ва яна ўзини эр санайдиган ҳамиятсизлар урчигандан-урчиб ётиди.

Ажабки, жуфтининг хиёнатини очик-ойдин биллиб яшаётган, ёхуд эрининг бошқа хотин(лар)и бор-

лиги учун дунёлари зими斯顿 бўлган, аммо болалари учун тишини-тишига қўйиб бардош бераётган озурда жонлар ҳам талайгина.

Бугун бир аёл ўлароқ тоифадошларимга мурожат қилмоқчиман.

Азизам, ёкүт каби ёноқларингиздан селдек оқишига шайланган кўзёшларингиз у шарафсиз (!) учун тўкилишга муносиб эмас.

Садоқатингизга, меҳрингизга мувофиқ жавоб қилмаган бири билан умр ўтказаётганингиз қаддингизни букиб қўймасин. “Сустлашмангиз ҳам, ғамгин ҳам бўлмангиз...”

(Оли-Имрон сураси, 139-оят).

Шуни асло унутмангки, сизнинг баҳтиёргилигиниз фақат эрингиз билан эмас.

Бир юзсизнинг хиёнаткор қилмишидан тушкунликка тушиб, ўзни хароб қилиш, давомий сиқилишдан касалликлар “буket”ини орттириб олиш, ҳаётнинг машаққатли “жанг”ларида ютқазганларнинг насибасидир. Бундай мағлубият МУСЛИМА аёлга асло муносиб эмас.

Унутманг, муслиманинг асосий мақсади эри муҳабатига сазовор бўлиш, жуфти билан Лайли-Мажнун мисоли умр кечиришидангина иборат эмас.

Сиз масъул бўлган, охиратда сўраладиганингиз муҳим вазифалар бор ва уларнинг энг шарафлиси ва аҳамиятлиси ОНАлиқдир.

Она бўлдингизми, тамом. Энди ортга йўл йўқ. Энди чекингизга умматни етиштириш, Ҳазрати Инсонни

тарбиялаш вазифаси тушди. Энди бурчингиз дунёга уни обод қилувчи авлодларни тақдим қилишдир.

Энди сизга ярашадигани ана шу вазифада событ туриш, ҳаётда учрайдиган мусибатларга таслим бўлмаслик, тушкунликка тушмаслиқдир. Бир эркакнинг вафосизлиги, шарафсизлиги ва ёки хиёнати туфайли синиб қолмаслиқдир.

Қанчалик оғир бўлмасин, қалбингиздаги жароҳатдан қонлар томчилаб турмасин, эрингизнинг қилмишлариниadolati ҳақ Зотга ҳавола қилинг-да, бошни тик тутиб, олға қадам ташланг. Бу муаммолар сизни асл вазифангииздан чалғитишига ижозат берманг.

Сиз ташвишлар олдида қаддингизни ғоз тутингки, полапонларингиз бағрингизда баҳтлари бутун бўлиб вояга етсинлар, гўзал хулқли мусулмон шахс бўлиб улғайсинлар.

Уларни шундай тарбиялангки, сизга икки дунёсаодатини келтирсинлар.

Имтиҳонлардан гўзал ўтиш ва даъвосидан чалғимаслик дунёнинг барча муслиматирига насиб этсин. Амийн!

* * *

Бозордан қайтаётсан кўчада бир қўшним ўта бетоқат, у ёқдан-бу ёққа бориб келяпти.

– Ҳа, кўшни, нима бўлди? Кимдир арпези хом ўрдими?

– Кўрмайсизми, манавиларни, ёмғирдан кейин потиялаб чиққан заҳарли қўзиқоринга ўхшаб ҳаммаёқни босиб кетди.

– Кимни айтяпсиз ўзи?

– “Психолог”ман деб оғзига келганини валди-раётган мегажинларни-да. “Чакра” дейдими-ей, “Ўзизга ижозат беринг” деб алаҳлайдими-ей, ““Олий куч”га илтижо қилинг” деб ширкка чақирадими-ей. “Хаққингни талаб қил” деб эрга гап қайтаришни ўргатадими-ей. Психологияни обрўсини бир пул қивориши ўзиям. Буниям қўя туринг, “Эр нимага керак?” дегани ҳаммасидан ошиб тушди. Менимча, булар ўзидан ўзи чиққани йўқ, кўшни, буларни олдиндан тайёрлаб, атайин олиб чиқишаپти. Миллатимизни бузиш, ишонувчан, содда аёлларимизнинг онгини заҳарлаш учун.

У ёқ-бу ёққа бирров қарадим-да, “мен сизни кўрганим йўғ-а, опажон” деб секингина сурвордим.

* * *

Мусулмон эркаклар! Аёлингиз сизга Аллоҳнинг энг катта неъмати ва ёрдамчиси эканини унутманг. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ кимга бир солиҳа аёл насиб қилган бўлса, динининг ярмини ўрнига келтириш учун унга ёрдам қилибди. Қолган ярми учун Аллоҳга тақво қилисин – Аллоҳдан кўрқсин” дедилар.

(Жомеъус-Сагир).

Мусулмон эркаклар! ТВларда, сериалларда, интернетда, кўчаларда номаҳрамларга кўзингизни тикиб, уйдаги аёлингизга ҳурматсизлик қилманг. Болаларингизга оналик қилган, номусингизни қўриган, йилларча қаҳру ғазабингизга дучор бўлган аёлингиз

уйда туриб, ҳаромга кўз тикишингиз буюк бир хоинлиқдан бошқа нарса эмас.

Билингки, Аллоҳ ҳеч бир хоиннинг қилмишини шундоқ ташлаб қўймайди. Унутманг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эркаклар! Сиз ифратли бўлингки, аёлларингиз ҳам ифратли бўлсинлар!” дедилар.

(Табароний ривояти).

Мусулмон эркаклар! Аёлингизга вақт ажратишдан, у билан сухбатлашишдан, унинг дардиди тинглашдан бош тортманг. Моддий ва маънавий эҳтиёжларига беписанд қарамант. Унга бепарво бўлманг.

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кишининг ўз қўл остидагиларни (оиласини, хотинини) менсимаслиги унинг учун гуноҳ ўлароқ етарлидир” дедилар.

(Абу Довуд ривояти).

Мусулмон эркаклар! Жуфтингизни бошқа аёллар билан солиштирманг, уни тез-тез алиштирманг. Фақат айб излайдиган, майда-чуйда нарсаларда ҳам тортишадиган, уни қийнайдиган ёмон ахлоқли кишилардан бўлманг.

Шайтоннинг власвасалариға учиб, ўзингизни жуфтингизга қарши қўйманг. Унутманг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир киши жуфтига адоварат сақламасин. Унинг бир феълини ёқтираса, бошқа бир феълини ёқтиради” дедилар.

(Муслим ривояти).

Иш жойида, кўча-кўйда, одамлар орасида таниш-нотаниш аёлларга кўрсатадиган илтифот, хурмат ва эҳтиромни жуфтингиздан ҳам дариф тутманг. Агар бир илтифот қўрсатилиши лозим бўлса, бунга энг аввал жуфтингиз ҳақли эканини унутманг. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли оиласига яхши муомала қиласидиганларингиздир” дедилар.

(Термизий ривояти).

Аҳли оиласига яхши муомала қилишнинг, уларга севгисини кўрсатишнинг ва ҳатто, муҳаббат билан қарашнинг ҳам бир солиҳ амал каби савобога эриштиришини ва гуноҳларингизга каффорот бўлишини унутманг.

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир эркак хотинига, аёл ҳам эрига муҳаббат билан қарасалар, Аллоҳ таоло ҳам уларга марҳамат қиласиди. Эркак аёлининг қўлларини кафтлари орасига олса, ҳар иккиларининг гуноҳлари бармоқлари орасидан тўқилади” дедилар.

(Жомеъус-Сагир).

P.S. Фақат аёлларга хитоб қилинадиган бўлиб қолган бугунги қунимизда эркакларга ҳам бир мурожаат қилинсин, дедик.

Зеро, баҳтли оила фақат бир томоннинг эмас, ҳар икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

* * *

Ишдан кейин уйига шошиладиган эркак хотинқули эмас, балки яхши эр ва яхши отадир.

* * *

Эркак-аёлни аралаштириб түй қилиб;
Жуфти ҳалолимизни кўпчиликнинг ичидаги йўннатиб;
“Тўй бир марта бўлади” дея, исрофга берилиб;
Маросимлар “югур-югури” билан намозларни унутиб;
Камига Аллоҳдан солиҳ-солиҳа, қори-қория фарзандлар сўраймиз.

Ботил иймон асосида қўйганимиз – Оиша, Фотима, Абу-Бакр каби улуғ сиймолар исмларни оёқ ости қиласми.

Ўзимиз солиҳ-солиҳа бўлишга уринмаймиз, аммо болаларимиздан солиҳ-солиҳаликни кутамиз, қори-қориялик хоҳлаймиз.

Парадокс (соғлом ақлга зид фикр) шундай эмасми?..

* * *

Кечак юра бўйлаб юриб борарканмиз, онамнинг қўлларидан ушлаганча, йўл бўйи қақажонлик билан турли-туман саволларга қўмардим, ҳаёт ташвишларидан ўйчан ва ҳардамхаёл бўлиб қолган онамнинг хаёлларини тўзғитиб, болача қилиқларим билан кулдиришга уринардим.

Бугун юра бўйлаб юриб борарканмиз қизалогим ҳаёт ташвишларидан ўйчан ва ҳардамхаёл бўлиб қолган онасини охири ҳеч кўринмайдиган саволлар ёмғиги

рига тутади, ўйинқароқ ва болаларча соф қиликлари билан уни кулишга мажбур қилади.

Болаликни соғиндим.

Мусаффо, тоза ранглари қалбимни энтикирған болалигимни.

Ҳаётни соф туйғулари билан жаннат каби тасаввур қилған, бироқ адашган болалигимни.

Ташвишларсиз, муаммоларсиз, баҳтли болалигимни...

Балки, ғам-андуҳсиз, муаммосиз, ғуборсиз бир умр кечиришнинг иложи бордир?

Фитратан инсон талпиниб турадиган, қўмсаబ соғи-
надиган покиза ҳаётни, гўзалликни яна қайта яшаш
мумкинмикан?

Наҳот, бегуноҳ болалиқда яшалган ўша соф хис-
ларни яна туйиш, ҳис қилиш имкони бўлмаса?

Бор, албатта!

Абадий ва Олий жаннатларда.

Аллоҳнинг фазли билан, инشاалоҳ!

Болаликнинг покиза, ширин дамларини қўмсаш –
охиратдаги баҳтли ҳаёт – ЖАННАТГА интилишга
кучли туртки бўлиши мумкин.

Болалигимизни эслаб турайлик!

* * *

Мутойиба

Эрга тегиш – ўз рақиби билан бир том остида
яшашга асосланган жанг санъатидир!

Ҳижрат сўзи бирор жойдан кўчиш, кўчиб кетиш деган маънони англатади.

Қуръонда айтиладики: “Ва Пайғамбар: “Эй Робим, албатта, менинг қавмим ушбу Қуръонни тарк этдилар” деди...”

(Фурқон 30-оят).

Бугунги кунда биз ҳам Қуръондан узоқлашиб кетмадикми?

Ахир, ҳар замонда бўлса ҳам тиловат қилиб турдиз, тўй-маросимларда, жаноза-маъракаларда ўқийдиз ёки телефонимизга тортиб олиб эшиганизку!?

Шунинг ўзи етарли эмасмикин?

Йўқ, етарли эмас! Биз бугун Ундан анча узоқдадиз. Ҳар куни Уни қўлимизга олсакда, тез-тез тиловат қилиб турсак-да, агар У бизнинг ҳаётимизни ўзгартирмаётган экан, бизни такомиллаштиришга хизмат қилмаётган экан, биз Ундан ҳижрат қилган бўлавердиз, Уни тарк қилган хисобланаверамиз.

Бу Бани Исроилнинг сифати.

Бу жуда ёмон ҳолат.

Бир эътибор қилинг-а, Қуръонни тарк қилмаган кишининг хулқ-атвори бошқаларникидан фарқли, хаёт тарзи, муомаласи, хатти-харакатлари, мулоқот қиласидиган кишилари ўзгача бўлади. Улар ғийбат қиладиган, лағв сўзларни сўзлайдиганлар олдида ҳам ўзларини бошқача тутадилар. Яъни уларга қўшилиб ғийбат қилмайдилар, бекорчи сухбатларда қатнашмайдилар. Бу бемаъни сухбатлардан четда бўлишни истайдилар.

Аслида эса биз КИТОБни яхши кўрамизми? Бу Китобга янги чиққан сериаллардан кўра кўпроқ қизиқамизми? Уни қўлга олиб маъноларини билишга ҳарисмизми? Бу Китоб билан вақтимизни ўтказишга барча нарсадан – ўйинлардан, телефондан, тўй-маросимлардан ҳам кўра муштоқмизми? Бу Китоб биздан талаб қилганидек бўлишга интиляпмизми?

Бугун болаларимиз қандайдир “Супермен”, “Ўргимчак одам”, қизалоқларимиз эса беҳаё кийимлардаги “Барби” ёки “Синдрелла”ларга таклид қиляптилар, улар каби бўлишни истаяптилар. Эркакларимиз кўп пул топишни, аёлларимиз эса чиройли уйларда яашашни, чет элдаги денгиз соҳилида хордиқ чиқаришни орзу қиляпти. Аммо Куръон буюргани каби яаш ва пайғамбар алайҳиссалом хуљларицек хуљланишга интилмаяпмиз. Бу эса даҳшатнинг ўзгинасидир.

Аллоҳ бизни нафақат Куръонни ўқийдиганлардан, балки ундаги сўзларнинг моҳиятини англаб, тушунадиганлардан ва амал қиласиганлардан қилсин. Амийн!

* * *

Болам доим ўйин ўйнашни хоҳлайди дейдиган она...

Хоҳламаса яхшироқмиди?

Болам қўлимдан тушмайди, этагимга ёпишгани-ёпишган, деб нолиган она...

Сизни паноҳ тутишни истамаса яхшироқмиди?

Болам ухлашдан олдин, мени ёнига чақираверади, деб оғринган она...

Чақирмаса, сиз туфайли хотири жам бўлмаса яхшироқмиди?

Болам жуда кўп савол беравериши, гапираверидан чарчаб кетаман, деб шикоят қиласидиган она...

Гапирмаса, дунёни англашга уринмаса яхшироқмиди?

Боламнинг уйни тўзғитишидан асабим бузилади, деб ҳасрат қиласидиган она...

Тартибли ва озода, (мозор каби сокин ва тинч) аммо боласиз уйингиз бўлса яхшироқмиди?

* * *

Мутойиба

Инглиз тили изоҳли луғатидан:

Oteingga ouxshamei oul – асосан салбий ҳис-хаяжон жунбишга келган пайтида ишлатиладиган мураккаб сўз бирикмаси. Одатда аёллар бу иборани эрлари билан уришиб қолиб, аламларини кимдан олишини билмай турганларида рўпараларидан чиқиб қолган болаларига нисбатан қўлладилар.

* * *

“Фалон оилада хотинларнинг гапи-гап..”, “Пистончи жуда эркакшода аёл-да...” – биз бугун бундай гапларни жуда кўп эшитяпмиз.

Ха, бугун жамиятда эркакшода аёллар, аёл бош бўлган оилалар кўпайган. Тартиб-қоидаларни жорий қиласидиган, сарф-харажатларни зиммасига оладиган, ҳал қилувчи қарорларни қабул қиласидиган ва ниҳоят

сўнгги сўзни айтадиган киши бугун аксар оилаларда АЁЛдир.

Минг таассуфки, бу фожеадан нигоҳлар ҳайратланмай қўйганига анча бўлди.

Қалблар оғриқ туймайдиган бўлиб ҳиссизлашганига неча ёз-у, неча қиши ўтди.

Бунинг кундан-кун урчиб кетаётган аянчли оқибатларини таҳлил қилишни бир четга қўйиб турайликда, айни шу нарса – аёлнинг бошқарувга келишидан унинг ўзи баҳтиёрми, деган саволга жавоб излаб кўрайлик?

Ҳақиқатда аёлнинг оилада бош бўлиши унга роҳат бағишлайдими, унга ўз ҳаётидан розилик ҳиссини берадими?

Бугун ўз гавдасидан-да оғир, залворли юкни қўтараётган, кўтаришга мажбур бўлаётган ва бу юклар остида эзилиб, аёллигини унугиб қўяёзган ОЖИЗА шундай деб ҳайқирмоқда: ЙЎҚ!

Аёлни яратган Зот унинг бошқарувчи эмас, бошқарилувчи бўлишини ирода қилди.

Унинг заиф жисмини зилдай оғир юкларни қўтиришга эмас, жуфти ҳалолига ширин таомлар пишириб беришга, хонадонини обод қилишга, бир рўзгорни яшнатишга хослаб яратди. Нозик руҳиятини пул топиш дардида шаҳарма-шаҳар кезиши, ҳаётнинг алдам-кулдамлари ичидан нон топиб келишга эмас, келажакка тоза наслларни тақдим этиш, яхши авлодларни етиширишга мослади ва Ўзи яратган жисмга, руҳиятга кўра ВАЗИФАлар юклиди.

Рахбарлик, ҳимоячилик, боқувчилик учун эса эркак деган махлукотини оилада ЭР деган мартабага сайлаб қўйди.

Аслан аёл фитратида бошқариш эмас, бўйсунишга мойиллик бор.

Аёл қалбан оиласида ЭРКАК бош бўлишини хоҳлайди, руҳан шунга эҳтиёж сезади.

Агар аёл оилада жуфтининг масъулиятли эканини кўрмаса хавотирга тушади ва шоша-пиша, кўр-кўрони оиласи учун масъулиятни бўйнига олишга тиришади ва натижада оилада раҳбар, таъминотчи вазифасини бажара бошлайди. Ниҳоядэ эса илоҳий низом бузилиши натижаси ўлароқ баҳтсиз бўлади.

Оилада бош бўлиб олаётган аёл муаммоси танганинг бир томони бўлса, бошқарувни хотинига топшириб, ўзи масъулиятни кўтармаётган эркак иккинчи томонидир.

Минг таассуфки, бугун баъзи йигитлар хотин олмаяпти, аксинча “хотинга тегяпти”. Бу эса ажрашишлар ва баҳтсиз оилалардаги муаммоларнинг асосидир.

Бу катта фожеа...

* * *

Мутойиба

У тунда эрининг “бунча пишиллайсан, семиз” деган дашномидан уйғониб кетди-да, кўзига ёш олганча қўй гўшида босилган капчёнкани кетидан шоколадли пирожнийни паққос тушириб, яна уйқуга кетди.

* * *

Қийин вазиятга тушиб қолган кишига ИСЛОМ нимани ўргатади?

Аллоҳ нафақат бизнинг яратувчимиз, айни пайтда Ҳожамиз ҳамдир. Бу араб тилида Робб дейилади. Робб сўзининг бир неча маъноси бор – бири Ҳожа, яъни хукмдор, хукм чиқаруви. Яна бири соҳиб – эгадир.

Биз ҳам бир нарсанинг эгаси бўлишимиз мумкин, аммо унинг устидан мутлақ хукмрон бўла олмаймиз, истаган ишимишни қила олмаймиз.

Масалан, машина.

Биз ўз машинамизнинг эгасимиз, лекин у билан истаган ишимишни қила олмаймиз, истаган тезлигимизда юра олмаймиз. Баъзи тартиб-қоидалар бунга изн бермайди. Яъни соҳибмиз, лекин хукмдор эмасмиз. Фақатгина Аллоҳ ҳам соҳиб, ҳам мутлақ хукмрондир.

Роббнинг яна бир маъноси – ҳадялар берувчи.

Бошлиқ ишчисига ҳадя берса – бу совға. Агар бошлиқ ишчига унинг ишига қараб ҳақ тўласа бу – маош, ойлик бўлади ва агар ишчи уни ололмаса ёки маошни бошлиқ қайтариб олиб кўйса ишчининг арзи ҳол қилишга ҳаққи бор.

Бу ҳаётда нимагаки эга бўлмайлик – у бир ҳадядир.

Агар бирор нарсага эришмасам ёки бир нарса мендан қайтариб олинса ҳам хафа бўлмайман, чунки “аввал бошдан мен унинг чин ЭГАСИ эмасдим”. Мусулмон ана шундай эътиқодда бўлиши керак.

Биз ҳаётда эга бўлган нарсаларимизни хадя, деб билишимиз керак.

Роббим менга икки қўл берди. Бу Унинг ҳадяси. Агар бир қўлимни олса ҳам шикоят қилишга ҳаққим йўқ. Улар менга вақтинча – қабрга киргунимча ишлатиб туриш учун берилган, холос.

Мусибатга учраган кишига биз нима деймиз? “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” – “Биз барчамиз Аллоҳникимиз ва шубҳасиз унга қайтувчимиз”. Нега қўлим, соғлиғим, уйим, эрим, болам, ишим деб гапирамиз? Ҳатто ўзимиз Аллоҳнинг мулки эканмиз биздан олинган ҳар не, аввал бошдан бизники эмасди-ку...

Аллоҳнинг Робб сифатига нисбатан ишончи – эътиқоди заиф кишининг ҳолати музқаймоқ еб турган кишининг ёнига келиб, “музқаймоқдан озгина ей” деб музқаймоқни олганидан кейин уни ўзиники деб даъво қиласидиган, олиб қўйилса тўполон кўтарадиган болакайнинг ҳолатига ўхшайди.

Ҳа, Аллоҳ беради, беради, бераверади ва бир куни қайтариб олиши мумкин. Шунда инсон шикоят қиласиди ва “улар менини эди” деб даъво қиласиди. Фақат чин мусулмонгина улар ўзиники эмаслигини эсидан чиқармайди.

Дарҳақиқат, биз барчамиз Унга оидмиз ва Унинг Ўзигагина қайтарилиламиз.

“Менга етган ҳар бир неъмат ўз-ўзимники эмас, уларнинг асл эгаси – АЛЛОҲдир” деган тушунча – дунёдаги энг кучли психологиядир.

* * *

Мутойиба

– Алло, дадажониси, менга учта гап айтинг, ичларим шуввиллаб, этларим жимирилаб кетсин!

– Кундошинг салом айтяпти.

* * *

Шахрим Кўқон хиёбонлари ва Ўрда биносини айланарканман, уч аср аввал йирик давлатга асос солган (1706 йилда), сарҳади бугунги Ўзбекистоннинг жуда катта қисми, жанубий Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Хитойгача ёйилган ва қарийб икки аср (1709-1876 йиллар) ҳукмронлик қилган Ислом халифалиги бўлган хонлик пойтахтида туғилганимдан, қўли гул ҳунармандлар, буюк ёзувчилар, олимлар, шоирлар етиштирган, келажакка бой адабий ва маданий мерос қолдириб кетган аждодларимдан фахрландим.

Асрлар билан юзлашган Ўрда – хон саройи, мақбара ва хонақоҳлар, жомеъларни завқ билан берилиб томоша қилаётган, дунёнинг тўрт томонидан келган сайёҳларнида ўтмишимга қойил қолдира билган бо боларимдан фуурландим.

Аммо...

Бугунги Ҳўқанди Латиф ва унинг аҳолисини кузатарканман, ўтмиш қархисида буюк бир хижолатликни-да туйдим...

Шоир ва ёзувчилар шахри бўлган, жамиятга олиму уламо, фозилу фузалони тинимсиз етиштириб берган ўлкамнинг ўз она тилида иккитагина жумлани тўғри ёза олмайдиган фуқароси бўлганимдан...

“Бутунича мадрасага қатнайдиган халқ” деган эътирофга молик бўлган аждодимнинг бугун “бутунича сериал қўрадиган”, китобга қараса ухлаб қоладиган оми давомчиси бўлганимдан...

“Бу дунёда очликка чидашимиз мумкин, лекин охиратда дўзах ўтига чидолмаймиз” деган онамнинг “ҳаромми ёки ҳалолми фарқи йўқ, кўпроқ пул топиб келинг” дейдиган нафси ўпқон қизи бўлганимдан...

Аёлларини ички-ташқи ҳовли қилиб бегона кўзлардан тўсган, заифага рўзгорнинг ола хуржуни тугул челак кўтартирмаган ҳамиятли бобомнинг аёли, қизи, опа-синглисини бозорларда савдо қилишига, чет элда ишлаб пул топишига қўйиб берган, ўзи чойхонада ағанаб ётган орсиз ўғли бўлганимдан...

Эрига жириллаб гап қайтариш тугул кўзига тик қаролмаган, эрга итоатни Аллоҳга итоат деб билган муслималарнинг эркак бетига сапчиб, жағи-жағига тегмай шанғиллайдиган, оиласа муносабат, эркакка муомалани савиясиз кино-сериаллардан ўрганаётгандар тоифадоши бўлганимдан...

Номаҳрамга сўз қотиш тугул, бир нигоҳ ташлашни ҳам Яратувчисига исён деб билган ЭРКАКнинг қизларни пайпокдек алиштириб, зино ботқофига ботгандан-ботиб бораётган пасткаш вориси бўлганимдан...

Ҳар дақиқасини ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланган, дини, дунёси учун тинимсиз ҳаракатда бўлган аждодимнинг бугун овқат пиширишга бутун кунини сарфлайдиган, тўй-маросим қилишдан боши чиқмайдиган ғофил авлоди бўлганимдан...

Илм олишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билган мард, ҳамиятли мусулмоннинг ўз кайф-сафосинигина қўзлайдиган, калян марказу, тунги клубларнинг доимий мижозига айланиб олган гиёхванд меросхўри бўлганимдан...

Жаҳонга буюк шахсларни етиштиришда моллари ва жонларини аямаган, “Бир болага етти маҳалла – ота-она” деган эътиқодда бўлган момомнинг ҳатто ўз фарзандига салом беришни ўргатмаган, бола тарбиясини телефон, планшет, телевизор ихтиёрига ташлаб, “менга халақит бермаса бўлгани” қабилида иш қўришни ихтиёр этаётган набираси бўлганимдан...

Оиласи оғзига лукма тутишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билган мард, ҳамиятли ва масъулиятли оилабошининг ўз кайф-сафосинигина қўзлайдиган, калян марказу, тунги клубларнинг доимий мижозига айланиб олган гиёхванд меросхўри бўлганимдан...

Уялиб кетдим, бўғзимга аччиқ нимадир тиқилди.
Негадир йиғлагим келди...

* * *

Мутойиба

Ана бўлмасам...

У эргадан-кечгача телевизор қўриш яхши эмаслигини қизига тушунтирас экан, асабийлашганича пультни босиб, теледастурни тез-тез у каналдан-бу каналга оларди.

* * *

Бир неча йиллар аввал “Қашқирлар макони” киносериали экранларга чиқди ва дунёнинг “топ киносериаллари ўнлиги”дан жой олди.

Жуда кўп тилларга таржима қилинди, ҳозиргача кинонинг давоми суратга олиняпти ва томошабинлар томонидан интиқлик билан кутиляпти.

“Қашқирлар макони”нинг бу қадар машҳур бўлиш сабаблари бисёр ва шубҳасиз уларнинг бири ва асосийси Nejati Şaşmaz ижросидаги “Пўлат Аламдар” образидир.

Актёр “Пўлат” образида ҳақиқий ЭРКАК қиёфасини очиб бера олган ва шунинг учун ҳам кино аёл томошабинлар қалбидан чукур жой олди, менимча.

Чунки, ҳар бир аёл тасаввурида ўзининг “идеал шахзодаси” – бўлғуси турмуш ўртоғи ҳақида тасаввuri бўлади ва фикримча “Пўлат” образи аёл-қизларнинг ўша тасаввурларига ортиғи билан мувофиқ келган. Қизлар фильм қаҳрамонида идеалларидаги эркакни топганлар ва шу учун ҳам унинг ашаддий муҳлисига айланганлар.

Хўш, аёлларни ўзига ром қилиб олган “Пўлат” ўзи қандай шахсият?

Бир эркак ўлароқ шунча аёлга ўзини қандай қилиб “севдира” олди?

Уларни ўзига жалб қилган хусусиятлар қайсилар?

Келинг, аёллар кўзи билан “Пўлат”га баҳо беришга уриниб кўрамиз.

Қолаверса, бу аёл қалбидан жой олишга бефарқ бўймаган эркаклар учун “шпаргалка” вазифасини ўтаси ҳам мумкин.

1. Пўлат – ташқи кўриниши, кийинишига эътиборли. Бирор марта бўлсин унинг соч-соқоли бир алфозда ёки қизил, сарик, гулдор – хуллас бачканা ки-

йим кийганини кўрмайсиз. У доим классик услубда кийиниши ва келишган бўй-басти билан (семириб, қорин кўйиб юбормаган) аёлни ўзига жалб қиласди.

Демак, фақат эркаклар эмас, аёллар учун ҳам ташқи кўриниш муҳим роль ўйнайди.

2. Пўлат – жиддий одам, бирон-бир эпизодда унинг телефон ўйнаб ўтиргани, сериал кўраётгани ёки ошма-ош юргани, “гап” еганини – умуман олганда бекор ўтирганини кўрмайсиз;

Демак, ҳурматли эркаклар – аёлларга бекорчи, дангасалар эмас, жиддий ва мақсадли эркаклар ёқади.

3. Пўлат – фақат тили билан гапирмайди. Унинг кўз қарашлари, юз ифодасидан ҳам кўп нарсани уқиб олиш мумкин. Гапирганида сўз оҳангидан ҳақиқий эркак салобати уфуриб туради. Яъни, маъноли сўз ва эркакча кучли интонация.

Хулоса – аёллар сергап ва гапининг қиймати йўқ эркакни эмас, кам гапирса ҳам маъноли гапирадиган, қатъиятли эркакни ёқтирадилар.

4. Пўлат – ҳиссиётларга берилавермайди. Унинг ғазаби келиб, бакир-чакир килганини, сал нарсага қизишиб, жанжал кўтарганини кўрмайсиз. Душманидан интиқом олганда ҳам, ғазабини қўзғаганларида ҳам ҳиссиётларни жиловлай олади, ўзини босиб, ақл билан иш кўради.

Хулоса – аёллар туйғуларига ҳоким бўла оладиган эркакни ҳурмат қиласдилар.

5. У жуда довюрак. Хавфли вазиятларга киришдан, хавф-хатардан кўрқмайди. Балки кўрқар, лекин лозим деб билса, ўлимга тик бокадиганлардан. Мабодо яқин-

лари – ота-онаси (ўгай бўлса ҳам), қизи ёки севган аёли ҳаётига хавф туғилса ўйланниб ўтирмайди, ҳаётини ҳатарга қўйиб бўлса ҳам ҳимояга отилади.

Хулоса – аёллар кўрқоқ, ўз хавфсизлигини барчадан устун кўрадиганларни эмас, довюрак, кўрқмас эркакларни яхши кўрадилар.

6. Пўлат – ўта тартибли. Пала-партиш иш қилмайди. Кўядиган ҳар қадами пухта ўйланган ва режа асосида бўлади. Уни бўш қолди дегунча оғисида фикр юритиб, (тафаккур қилиб) ўтирганини кўрасиз. Шунинг учун бўлса керак, у – муваффақиятли ва ғолиб.

Хулоса – эркак киши режали бўлиши, ишларини тартиб билан олиб бориши керак. Шунда у муваффақиятга эришади. Аёллар эса ғолиб ва иши бароридан келадиган эркакларни яхши кўрадилар.

7. Пўлат севги борасида ҳам ҳакиқий Эркак. Севган аёли билан ҳам ҳадеб ҳингир-ҳингир қилавермайди, пачакилашиб, бачканалашмайди. Керак жойда романтик, керак жойда шириңсўз ва эътиборли, керак жойда жиддий, талабчан. Севгисига вафодор, қархисидан чиққан ҳар гўзалга “оғзининг суви” оқавермайди.

Хулоса – аёллар учун самимий туйғуларнинг нархи жуда қиммат туради ва улар нафсини жиловлай оладиган, садоқат кўрсатадиган эркакни ўта қадрлайдилар.

* * *

Мутойиба

- Онаси, сени нуқул пул хавотирга солади-я!
- Адашяпсиз, дадажониси, пул хавотирга солмайди, тинчлантиради!

* * *

“Телефон деган бало қаердан чиқди ўзи?”, “Телефонда ушлаб олибди”, “Телефон орқасидан уйи (оиласи) бузилиб кетди” каби гаплар жуда кўпайиб кетди бугун.

Қулайлик, яхшилик мақсадида ихтиро қилинган жимитдек матоҳ бугун бутун бошли оилалар, тақдирларга сўнгги ва ёвуз ҳукмни ўқимоқда.

Аслида-чи? Аслида ҳам шундайми? Наҳот инсон хаёти шу матоҳ туфайли у ёки бу ёқлиқ бўлиб кетса?

Тўғри, илк қарашда оилаларнинг бузилиб кетишига телефон сабабчи бўлаётганга ўхшайди. Аммо аслида муаммо телефонда эмас, ундан фойдаланаётган кишиларнинг ўзида эмасми?

Дейлик, сизга китоб совға қилишди. Энди сизнинг олдингизда бир нечта вариант бор:

1. Китобни ўқийсиз, яъни ундан фойдаланасиз;
2. Китобни уйнинг бир бурчига қўйиб қўясиз;
3. Кимгадир совға қиласиз;
4. Макулатурага топширасиз ёки тандирда ёқиб юборасиз.

Яъни сиз, китобга нисбатан ўз дунёқарашингиздан келиб чиқкан ҳолда муносабатда бўласиз.

Худди шунга ўхшаб, аслида барча кўргуликларга телефон эмас, ундан фойдаланаётган инсоннинг ҳаракати, тутуми сабаб бўлади.

Киши дунёқараши, фикрларидан келиб чиқкан ҳолда телефонни яхшиликка (ота-онасидан хабар

олиш, узоқни яқин, оғирини енгил қилиш каби) ёки ёмонликка (номаҳрамлар билан гаплашиш, беҳуда сўз ва ғийбат каби) ишлатиши мумкин. Бу иккисидан қай бирини танлаш эса телефон эгасининг ўзиға, онгига шаклланган тушунчаларга боғлиқ. Худди китобга ўхшаб.

Демак, айб телефонда эмас, ундан фойдаланаётган кишининг ўзида.

Уйим тинч, хотирим жам бўлсин десангиз, жуфтингизнинг телефонини ковламанг, жосуслик қилманг! Динимизда жосуслик қилиш, ўзидан бошқанинг шахсий нарсаларига (жумладан, телефонига ҳам) унинг ижозатисиз қараш ҳаром!

Бу ҳаётда ҳар хатонинг ўз бадали бор. Ўз вақтида берилмаган тарбиянинг, олинмаган ўгитнинг, чиқарилмаган хулосанинг бадали эса ҳам бу дунёда, ҳам охиратдадир.

* * *

Мутойиба

“Эрингизнинг тўсатдан кайфияти қўтарилиб, юзига табассум ёйилганини кўрганингиз заҳоти, қандай қилиб бўлмасин паролини топиб, телефонини текширинг!”

Тўртта эрга тегиб, ҳаммасидан ажрашган “психолог”нинг тавсияси.

* * *

Ҳаво совуқ. Ташқарида шамол гувуллайди.

Печкага ўтинни ташладим-у, совуқдан қунишиб, печканинг ёнига чўқдим.

Эрталаб эрим билан жиғиллашиб қолғандик. Шу эсимга тушиб, күнглим ҳижил тортди. Креслога сұянғанча, чарсиллаб ёнаётган оловга қараб, хаёл қурғур аллақаёқларга тортқилаб кетди.

Тұсатдан әшик қаттиқ тақиллади. Чиксам, құшним, “Фалончин акам... Чорраҳада...” деди-да, уввос солиб, йиглаб юборди.

Үша тобда у йигитта нима дедим, у менга яна нима деди, билмайман-у, келгуси ҳаётим кинолентадек күз үнгимдан яшин тезлигіда лип-лип ўта бошлади.

“Вой, ўлмасам. Энди нима қиласман? Болаларни қандай боқаман? Қаердан пул топаман? Дипломим бўлмаса. Егулик пишириб сотсаммикин? Э-ээ, ҳозир ҳамма ўзи пазанда бўлиб кетган. Бўлмайди. Ҳа, маҳалламиз бошидаги тикувчига шогирд тушаман. Тикувчилик қиласман. Ўзи бундан яхши фойда қолармикин? Ҳамма ёқни тикувчи босиб ётибди-ку. Буям бўлмайди. Яххиси бозорга чиқаман. Ээ, тўхта-тўхта, унга ҳам дастмоя керак. Уни қаердан топаман. Тиллаларимни сотаманми? Сотдим ҳам дейлик, мендан тузукроқ бозорчи чиқармикин? Карра жадвалини ҳам тузукроқ билмасам. Даствояни кўпайтириш ўрнига, борини ҳам йўқ қиласам-чи? Уфф. Ҳа, майли, у ёғига Худо – Раззоқ. Қорин бир гап бўлар.

Усти-чи? Бирини кийиб, бирини ечса булар. Қаёқдан топаман шунча пулни. Буёғи, ўғилга уй солиш, қизга сеп қилиш керак.

Ўғилларим ҳам айни бурни шишадиган ёшда. Кўчанинг аҳволи бу бўлса. Отасиз қандай катта бўлишаркин? “Бакироқ туюнинг бори яхши” дегандек,

“отангга айтаман” десам, дарров хушёр тортишарди, энди нима қиласман?

Қизим-чи, қизим?

Дадаси келадиган пайт яқинлашди дегунча, эшик тагига чиқиб, кўзи тўрт бўлиб, кутиб ўтиради. Отаси келмагунча дастурхонга ҳеч кимни қўлини узаттирасди. Энди нима дейман унга? Ўртоқлари “отаси йўқ етим” деб масхара қилса, қандай юпатаман?

Ўзим-чи? Ёшим қирққа боргани йўқ. Эри йўқ тулга айландимми, дарров? “Ўғилинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга” дейишади, ўғилларимни уйлаб, қизни чиқарсам, бир ўзим шумшайиб, тул хотин бўлиб ўтираманми энди? “Ёлғизлик Худога хос” дердилар бувим. Ёки у-бу ким совчи қўярмикин? Ҳа, нима, бип-бинойидек бўлсам. Арзимабманми? Э-ээ, айнимай ўлай-эээ.

Хўп, совчи чиқди ҳам дейлик. Ақлли-хушли, тузукроғи учармикин? Учради ҳам дейлик. Мўйлаби сабза уриб қолган ўғилларим у эркакни қандай қабул қиласкин? Қизим-чи, отасини кўрпачасига пошшиси келсаям ўтиргизмайди-ю, янги “дадага” йўл бўлсин. Болаларимнинг янги “дада”ни қабул қилишидан кўра, онасидан воз кечиб юбориши осонроғ-ов.

Йўқ, йўқ, бўлмайди. Ҳам эрсиз, ҳам болаларимсиз қолишни истамайман. Эҳ, дадажониси-я, бир ўзими ни ташлаб, қаёқларга кетдингиз-ааа” деб уввос солишни бошлаган ҳам эдимки, “Э-ээ, нимага ўзингдан ўзинг алаҳлайсан, тур, овқатимни тайёrlа” деб кимдир туртса бўладими.

Бундоқ қарасам, эрим. Суюниб кетганимдан бўй-ниларидан кучоқлаб олмоқчи бўлгандим, уришиб қолганим тўсатдан эсимга тушди.

Қошимни ясама чимирганча, ҳалиям аразлаган киши бўлиб, тагдоргина қилиб “хўп” дедим-да, ичимда, “хайрият-эй, туш экан, хайрият-эй, соғ экансиз, ёндириб-куйдирсангиз ҳам, борлигингизга шукр”, деганча ошхонага чиқиб кетдим.

* * *

Мутойиба

Аёллар жуда ажойиб жонзот-да! Биттагина эри ни ҳам яхши кўргиси келади, ҳам ўлдириб қўйги си келади.

* * *

Масъулиятли бўлиш нима дегани?

Барчамиз ишончли киши бўлиш кераклигини биламиз, лекин қандай қилиб?

Бунга қандай эришиш мумкин?

Келинг, энг яхши намуна – пайғамбар соллалоҳу алайҳи васаллам ҳаётларига назар соламиз.

Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам қачон пайғамбар бўлганлар? Неча ёшда? Ҳа, ўлманг, 40 ёшда. У зот 40 ёшдан бошлаб инсонларни Исломга даъват қилишни бошлаганлар. Унгача у зот Макка шахрида яшаганлар. Шаҳар аҳолиси у кишини таниган, ўзаро муомалада бўлган.

Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни нима деб чақирадилар? Одамлар у кишини энг гў-

зал номлар билан чакиришарди: СОДИҚ (ростгүй) ва АЛ-АМИН (ишончли) дея.

Мұхаммад алайхиссалом 40 ёшгача одамлар билан Ислом ҳақида гаплашмаганлар. У киши тижорат билан шуғулланардилар, улар орасыда яшардилар, уларга құшни, қариндош ва дўст эдилар, улар билан бир дастурхонда овқатланардилар. Пайғамбаримиз улар билан ҳар куни муюмалада бўлар, ёрдам кўрсатар ва яхшиликлар қиласардилар.

Қирқ йил шу тарзда умр кечирдилар. Макка ахли у зотни шаҳардаги энг ростгүй ва энг ишончли инсон сифатида танир ва тан олар эди. У пайтлари ҳеч ким у кишини Росулуллоҳ (с.а.в) деб чақирмасди.

Бизнинг зиммамиздаги масъулият шуки, динимиздаги ростгүйлик, ишонч каби сифатларни ўз тимсолимизда дунёга намоён қилиш. Бу орқали бошқаларнинг мусулмон деганда ростгүй ва ҳалол инсонни кўз олдиларига келтиришларига эришиш.

Бизни кўриб бошқалар мусулмон кишига ишониш мумкин, у ишончли киши деган, фикрга келсинлар.

Ва мана энди, бизнинг (умматнинг бир аъзоси сифатидаги) тутумларимизга тўхталсак.

Ҳозир ахвол шунчалик аянчлики, биз мусулмонлар ҳатто бир-бирилизга ҳам ишона олмай қолдик.

Мусулмон-мусулмонга-я?

Ҳа, чунки биз:

Оилада;

Бизнесда;

Ишда;

Солик түловларида;

Мерос масалаларида...

Биз ёлғон гапирамиз ва алдаймиз... қулай вазият пайдо бўлиши биланоқ.

Биласиз, аёллар харид қилишни яхши кўришади. Сотувчининг “Қаранг қандай чиройли кўйлақ, заказга олиб келганман, ўзимга 90 долларга тушди, майли, сиз 100 беринг... Лекин бошқаларга индамай қўяқолинг”, – деган сўзларининг “сехрли” эканлигини билсақда, яна лаққа тушиб қолаверамиз.

Аслида у кўйлақни 30 долларга олган, лекин 70 доллар фойда қилиш учун у шундай ёлғонларни тўқийдики...

Ўйланишга мажбур қиласиган ҳолат. Биз ёлғон аралаштирмасдан, ҳатто бирор нарсани сота олмаймиз. Агар бир-биrimiz ҳақимизда “бу инсон ростгўй” дея олмасак, қандай қилиб дунё наздига ростгўй ва ишончли бўла оламиз? Биз бугун, ҳатто бир-биrimizни ростгўй деб ҳисобламаймиз...

Биз бир-биrimizга нисбатан ҳалол бўлмаяпмиз, биз бошқаларни алдаяпмиз, биз ўзимизни алдаяпмиз. Камига биз пайғамбар алайҳиссаломнинг ростгўйликлари, ислом, намоз ҳақида ҳам гапираверамиз.

Бизни ҳозир ҳеч ким ростгўй ва ишончли киши деб ҳисобламайди, ҳатто ўзимиз ҳам.

Қачон сўзларимиз атрофдагиларга ёқа бошлайди?

Қачонки – диз ростгүй бўлсак!!!

Шунда биз инсонларга гапиришни бошламай турибок ёқаверамиз. Улар “бу инсон ҳеч қачон ёлғон гапирмайди, мен бунга ишонаман” дейди, ўшандада. Ҳақиқий мусулмон шундай бўлиши керак.

Масалан, сиз дўстингизга айтяпсиз “5 дақиқада етиб бораман”.

“5 дақиқа? Мен сизнинг 5 дақиқангизни биламан, 5 дақиқа ярим соат дегани”.

Энг ёмони сиз ҳали уйдан чиққанингиз ҳам йўқ. Сизга телефон қилишяпти “ҳа, мен йўлдаман”...

Йўқ, сиз йўлда эмассиз, сиз ҳатто кийинганингиз ҳам йўқ.

Арзимасдек кўринган гап-сўзларда ҳам ростгўй бўлишимиз шарт!

Агар биз буларда ростгўй бўла олмасак, унда бошқа жиддий масалаларда ҳам ростгўй бўла олмаймиз.

САЛАМОТЛАР

* * *

Қай эшикни икки марта тақиллатсак, “Яна..ми?” дерлар.

Бирор сўзни икки марта гапирсак, “Яна шу гапми?” дерлар.

Аммо, умр бўйи хатолар қиласканмиз, қўл очиб “Аллоҳим” деймиз.

“Яна сенми?” демас!

“Шубҳасиз, Аллоҳ сизларга нисбатан ўта марҳаматли Зотдир”.

(*Niso surasü, 29-oym*).

* * *

Хонадонида бир ҳузур, баракот ва оғият истаган она!

Ғавғодан, нотинчликдан, сиқилишдан чарчаган она!

Жуфтидан, болаларидан муаммоси бўлган она!

Қайнона-қайнотасидан шикоят қиласиган она!

Ушбу барча муаммо ва сиқилишларингиздан кунда олти соат телевизор кўриб кутула олмайсиз.

Ҳар куни сериал кўриб, ҳаловат тополмайсиз. Савдо-сотик, рецепт ва гурухлар муаммоларингизга ечим бўлолмайди.

Бозор ва дўконлардан қилинган харидлар қалбин-гизга оғият беришга қодир эмас.

Ҳаловат, баракот ва оғият истасангиз, билингки, ҳузур ҳам, баракот ҳам, оғият ҳам, баҳт ҳам фақат

и чида Қуръон ўқиладиган, намоз қоим қилинадиган ва Аллоҳ зикр этиладиган бир уй ва оиласададир.

Чунки, пайғамбаримиз Мұхаммад соллалоҳу алай-хи васаллам айтдиларки:

“Ичида Қуръон ўқиладиган уйнинг хайри, барака-си ортади, бу уй ичидан яшовчиларни сиқмайди. Бундай уйга фаришталар тўпланади, шайтонлар узокла-шади. Ичида Қуръон ўқилмайдиган уй эса унда яшов-чиларга торлик қиласи-сиқади, бундай уйларнинг хайр-баракаси оз бўлади. Бундай уйдан фаришталар узоклашади, шайтонлар тўпланади.”

(Доримиий ривояти).

Ҳаловат истаган она!

Излаганингиз ҳаловат – Қуръон ўқилмаса, на сиз, на жуфтингиз ва на болаларингиз Аллоҳнинг кито-бини кўлга олмасангиз, қандай қилиб У уйнингиз ва қалбингизни ошён тутсин?

Бахтиёр бўлишни истаган она!

Унутманг, ичида сериал кўришдан, интернетда кезишдан Аллоҳнинг зикрига вақти бўлмаган уйлар худди бир ўлик уй кабидирки, рухиятнинг кирланиши, яшовчиларнинг бахтиёrlигига тўсқинлик қила-диган бир макондан ўзга нарса эмас.

Зоро, пайғамбаримиз Мұхаммад соллалоҳу алай-хи васаллам марҳамат қилдилар: “Ичида Аллоҳ зикр қилинадиган уйлар билан Аллоҳ зикр қилинмайдиган уйларнинг мисоли, тирик билан ўликнинг мисоли кабидир”.

(Бухорий ривояти).

Жуфтим, болаларим, яқинларим билан муносабатларим яхши бўлсин деган она!

Асло унутманг, сиз Аллоҳ билан муносабатингизни ислоҳ қилмас (тузатмас) экансиз, Аллоҳ севганларингиз билан муносабатингизни ислоҳ қилмайди.

* * *

Мутойиба

Инглиз тили изоҳли луғатидан:

Oteingga ouxshamei oul - асосан салбий ҳис-ҳаяжон жунбишга келган пайтида ишлатиладиган мураккаб сўз бирикмаси. Одатда аёллар бу иборани эрлари билан уришиб қолиб, аламларини кимдан олишни билмай турганларида рўпараларидан чиқиб қолган болаларига нисбатан қўлладилар.

* * *

Эй муслима аёл!

Ўқи, излан, ўрган!

Яша, яшат ва ўрнак бўл!

Сен бузилсанг, жамият бузилади.

Сен тузалсанг, жамият ислоҳ бўлиш томон юз тутади.

Шундай экан, ислом билан энг гўзал шаклда најот томон юр.

Миллатнинг тузалиши, инсонийликнинг қайта тирилиши сенга боғлиқ!



* * *

Мутойиба

– Ойи, эрим мени хафа қилдилар, олдингизга кетяпман!

– Йўқ, қизим, келма! Ёмонлик жазоланиши керак.
Шунинг учун мен сизларни кетяпман.



Шахризоданинг 4 олтин қоидаси

•••••

Шахризода 14 ёшга тўлиб, балогат ва фасоҳатга етганида, онаси уни хос хонасига чақириди ва бегоналардан холи қилиб, деди:

“Қизалогим, билишинг керак бўлган баъзи қоидалар борки, уларни билишинг ва ўзлаштириб олишингда Аллоҳ сенга ёрдамчи бўлсин!

Аёл фақатгина ўзининг жуфти ҳалоли билан садат тужди, оиласи хотиржамлигидангина батамомроҳат топади.

Шундай экан, ёдда тут:

1. Эркак сенга таклиф қилган қоидалар бўйича иш тут. Агар акси бўлса, у сендан ғазабланади ва боркучи билан сенга ҳамла қилиши мумкин. Эсингда бўлсин, агар у сенга бешафқат ва темирдек қаттиққўл-

лик қылса ҳам унга итоат күрсат, майдан ҳам юмшоқ ва мулойимроқ бўл. Ана шунда у сенга асло шикаст ва озор етказа олмайди.

Эркак сени ўз ўйин қоидаларига ундағанида сен ўзингнигини шундай қўллагинки, у фактат унинг айтганлари бажариляпти, деб ўйласин. Бу нима дегани?

Эркак буюрган қоидаларни қабул қилиш шарт ва унга ўз қоидаларингни ўтказишда ўта мулойим ва тадбирли бўлишинг керак.

2. Ҳар доим жуфтингни ўйинни давом эттиришга илҳомлантири. Ақлингни ишлат. Ўйин тугамас ва давом этаверар экан, сен ҳар доим у учун қизиқарли бўлиб қолаверасан ва ўзингни тобора яхши кўраверасан.

3. Ёнингга келганида қанчалик ёмон кайфиятда бўлмасин, сенга нисбатан қўпол ва баджаҳл муносабатда бўлмасин, у эриши ва юмшаши учун унинг юзини меҳринг билан ёритгин, қалбини ғамхўрлигинг билан илитгин.

Эркак ўз табиатига кўра қаршилик излайди, урушишни, кучини кўрсатишни хоҳлади.

Эркак сенинг тимсолингда ўз рақибини асло ва асло кўрмаслиги керак, агар шундай бўлса жанжал чиқади ва табиийки, эркак мағлуб бўлмаслик учун ҳам бор кучи ва ваҳшати билан қаршингга чиқади.

Бу нима дегани?

Эркак ёнингга келган пайт уни бор вужудинг, бутун борлигинг билан севишинг шарт. Уни борича, қан-

дай бўлса шундайича қабул қилишинг зарур. Унинг қалби хотиржам тортмагунича, шодланмагунича меҳр билан сийлашинг керак.

4. Эркак ҳузурингдан кетадиган бўлса уни худди нариги хонага чиқиб кетаётган каби ишонч билан кузатиб юбор.

Ҳеч қачон мендан яхшироғини топиб олади, деган ўй-хаёлларга бориб, ич-этингни ема.

Эсингда бўлсин, эркаклар билан улар кўнглига йўл топиб гаплаша оладиган аёллар дунёда жуда кам. Бунинг сабаби шуки – аксарият аёллар ўзларига ишонмайдилар.

Улар эркакка аёлнинг йиллар оша ажин қоплайдиган юзлари, сўлиб борадиган баданлари керак, деб ўйлайдилар ва хато қиласидилар.

Сен ўзингга ишониб сирли ва маъноли нигоҳ билан жуфтингни кузатиб қўяр экансан, у бутун кун давомида мен у ҳақида яна нимани билолмай қолдим, мен у ҳақида билишим керак бўлган яна нималардир бор, деган фикрда бўлади.

Яъни, сен жуфтингни янги ютукларни қўлга киритиши, янги қаҳрамонликлар кўрсатиши ва уни албатта, ёнингга қайтиб келишига қатъий ишонч билан қўйиб юбор.

Унутма, эркаклар ўз чегараларини бузиб ўтишларига, эркинликларига тажовуз қилишларига асло тоқат қила олмайдилар. Сен дунёнинг энг гўзал аёли бўлсанг ҳам эркакнинг худудига дахл қиласарсан, унинг кўзига энг ёқимсиз бўлиб кўринаверасан.

* * *

Мутойиба

- Дугонажон, эринг билан ярашиб олдингми?
- Интернетда лайклашиб турибмиз-у, лекин ҳалиям гаплашганимиз йўқ.

* * *

Татуаж-растушёвка ҳақида бир оз мулоҳаза:

Замонавий косметология татуаж ёки растушёвка орқали қош, лаб ва қовоқларга ўзгача тус бериш, рангини ва шаклини ўзгартириш ёхуд бўяшни таклиф қилганига анча бўлди.

Бутун европа бундан воз кечганига бир неча йиллар бўйлганига қарамай, ҳозир ўлкамизда татуаж (ёки растушёвка) машхурликда энг юксак чўққини забт этган.

Лаб, қовоқ, қошларини (бизда ҳозир кўпроқ қош) растушёвка қилдирган ёки қилдираётганлар кундан-кун кўпайиб бораётгани сир эмас.

Аммо гўзаллик кетидан кўр-кўрона қувадиганлардан фарқли ўлароқ, ўзини мусулмон санаган ҳар бир аёл-қиз бу борада динимиз хукмини билишга қизиқиши табиий ва албатта, экспертларнинг фикрларини ҳам. Келинг, биз бу фикрларни сизга баҳоли қудрат тақдим этамиз.

Визажист нуқтаи назаридан:

- Татуаж-растушёвка урфдан қолган. Ҳозир табиий гўзаллик тренда ва энг профессионал татуажчи қилган растушёвка ҳам бизга Аллоҳ инъом этган асл гўзалликни беролмайди.

Голливуд киноюлдузларининг фотосуратларига қаранг – улардан биронтасининг қоши растушёвка қилинмаган. Ўша машҳур актрисалар бундан воз кешиб, табиий қўринишга қайтганларига анча бўлди.

Негалигини биласизми?

Чунки асл қўринишнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ахир, Аллоҳнинг яратгани билан инсон чизиб қўйгани тенг келолармиди!?

• Қош растушёвкаси – узок муддатли макияж ҳисобланади. Стилистлар ўхшамай қолган ишлари – янгича шакл берилган қош мижозга ёқмайдиган ҳолларда уни лазерда очартиришади ва бошқатдан шакл беришга уринишади. Бу қийин ҳамда жуда оғрикли жараён, натижаси эса кафолатланмаган.

• Агар бу жараёнда нимадир ўхшамай қолса (кўпинча шундай бўлади), қошингиздаги изларни кейин ҳеч нарса билан кетказолмайсиз. Ягона синовдан ўтказилган усул – лазер ёрдамидагина татудан халос бўлиш мумкин. Бу ўта оғрикли ва қиммат жараён. Ва энг ёмони, бу “ясама қош”дан бутунлай халос бўлиш учун камида икки ой ва 4-5 сеанс керак.

• Растушёвка ёшни катта қилиб кўрсатади. Барча визажистлар бир овоздан айтадилар: қош растушёвкаси (қовоқ ва лабники ҳам) аёлни ёшидан катта кўрсатади. Лекин негадир кизлар бунга ишонгилари келмайди. Бу эса, минг афсуски, ҳақиқат.

Растушёвка қилинган қош шу қадар нотабиий қўринадики, бу борада “энг ўхшаган” қош ҳам камида сизнинг ёшингизга беш ёш қўшиб кўрсатиши кафолатланган.

- Татуаж қилдирған аксарият аёллар (деярли 95%) табиий гүзәлликларини йўқотадиган бу жараёндан сўнг қилган ишларидан афсусланадилар.

Қолаверса, қош, лаб ёки қовоқлардаги бу “янги форма”ни ушлаб туриш учун вақт ва яхшигина маблағ талаб қилинади. Янги “образ” қай даражада ўхашаши ёки ўхшамай қолиши хақидаги саросималарни-ку, айтмай қўя қолай.

Дин нуқтаи назаридан:

- Татуаж ёки растушёвка, бу – косметологик амалиёт жараёнида мутахассиснинг юз териси уст қаватига (қовоқ, қош, лаб) бўёқ (пигмент) жинсидан бўлган моддани киритиши ҳисобланади. Уни ювиш билан кетказиб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам бу нарса шариатда ман қилинган, ҳолбуки “Аллоҳ яратган қиёфа-суратни ўзгартириш” ҳисобланади.

• “Ва шайтон, “Уларни адаштираман, хом хаёлларга соламан, уларга амр қилсан чорваларнинг қулоқларини кесарлар ва уларга амр қилсан Аллоҳнинг яратганини ўзгартираплар” деди. Кимки Аллоҳни қўйиб шайтонни дўст тутса, батаҳқиқ, очик-ойдин зиёнга учрайди”.

(*Huso surasи, 119-оят*).

“Ахир, ҳозир бу мода бўлган”, “Эрим бошқа аёлларга қарамаслиги учун қилдирсан нимаси ёмон?”... Бу каби эътиrozлар балки сизнинг ҳам кўнглингиздан ўтаётгандир?

Сингилжон!

Унутманг, ҳар бир давр гўзаллик борасидаги маълум бир чизгини мода қилиб кўтариб чиқади. Маса-

лан, Леонардо да Винчи замонида аёллар қошларини таг-туги билан қиридириб юришарди. Айни ўша пайтда бошқа бир юртда, Россияда аёллар кўз қора-чиқларини катталаштириш учун кўзларига аччиқ белладонна дорисини томизишган...

Бундан 20 йиллар аввалги 95-йиллар модасини эсланг. Ўша пайтда кийилган кийимлар, соч турмаклари ҳозир кулгили туюлади, шундай эмасми? Яна 20 йил ўтиб, бугун урф бўлган растушёвка қошларни чиройли ва жозибадор кўрсатишини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам бугун бор, эртага йўқ бўлишга маҳкум модага алданманг.

“Гўзаллик қурбонлик талаб қиласди”. Кимdir ўзини оқлаш учун ушбу жумлани келтириши мумкин.

Синглим, нимани қурбон қилаётганингизни тушуняпсизми? Сизнингча, татуаж ёки растушёвка Аллоҳнинг розилигини қурбон қилиш ва Унинг азобига дучор бўлишга арзирмикин?

* * *

Мутойиба

– Ойи, гўзаллик қурбон талаб қиласди, дегани нима ўзи?

– Мана мен гўзалман, даданг эса қурбон, қизим!

* * *

Кўлингизда бир стакан сув кўтариб турганингизни тасаввур қилинг.

Агар уни 1 дақиқа ушлаб турсангиз, ҳеч бир оғирлиги йўқ. Агар бир соат тутиб турсангиз кўлингиз то-

лиқиши бошлайди. Агар бир кун тутиб турсангиз кўлингиз ҳиссизлашади ва фалаж бўлади.

Аслида стаканнинг оғирлиги ўзгаргани йўқ, аммо қанча кўп кўттарганингиз сари шунча кўп босимни ҳис қиласиз ва бу сизга зарар беришни бошлайди.

Стресс, ваҳима ва тушкунлик ҳам шундай.

Бир он ўйлаш – бу нормал ҳолат. Узоқ вақт ўйлаш азоб беради. Бутун кун давомида ўйлайверсангиз, сизни фалаж қиласи.

Етар, бас, энди стаканни ташланг!

* * *

Мутойиба

– Бугун психолог қабулига боргандим. Бошимдан ўтказганларимни гапирсам, йиғлайвериб, шишиб кетди, ярамас. Юпатиб олгунча энамни кўрвордим ўзиям...

* * *

Тўй келин тараф билан куёв томоннинг ўз моддий устунликларини бир-бирларига намойиш қилишларими?

“Ўзингни хафа қилдириб қўйма, қизим” насиҳатларими?

“Тагли-тахтлисидан топай, орзу-ҳавас кўрай” тушунчасими?

Бир дастурхонда хузур ва баҳт бўлганидан кейин у дастурхондаги камчиликларни кўрмаслик эмасмиди, турмуш?

Жуфтига, умрига йўлдош бўлганга “Сиз ёнимда экансиз, мashaққатлар ҳам ёқимли” дейиш эмасмиди, оила?

Хотинининг кичик қусурларига, камчиликлари га кўз юмиш эмасмиди?

Эрининг моддий ва ё жисмоний ҳолати ёмонлашганида ҳам унинг ёнида бўлиш, бўла олиш эмасмиди?

“Эрингга ҳукмингни ўтказиб ол, йўрифингга солиб ол” зеҳниятли оналар қаердан пайдо бўлди?

“Келиннинг қўли косов, сочи супурги бўлиши керак” дейдиган, келинига қулга қилгандек муомала қиласидиган қайноналар-чи?

Хотини дастурхонга овқатни қўяркан, “буниг ёнида салати қани?” деб ўшқирадиган эркаклар, жуфтитопганига қаноат қилмайдиган, эрини катмончага айлантириб олган аёллар-чи?

“Пули яхши, мебели яхши, ўзи ёмон” дейдиганлар қайси давр ва қай жамиятдан етишиб чиқди?

Ажрашишни мудҳиши воқеа санаган ота-оналаримиз зеҳнияти, тушунчалари ҳам шундайми эди?

Ўзингизга келинг. Зеҳнингизни бугуннинг клиплари, сериаллари, кинофильмлари тикишитираётган арzon ва паст тушунчалар эгаллашига йўл кўйманг.

Кўнглингизни фараҳ тутинг. Чунки никоҳ – моддиятда куч синашиш майдони эмас.

Никоҳ – икки қалбнинг бирлашиши, яримнинг бутунга айланиши, ҳаёт сўқмоқларидан ўтиб борар экан, яхши бир йўлдошга хамроҳ бўлишидир.

Турмуш “Улардан таскин-хузур топишингиз учун...” дея бошланган оятларнинг (Рум сураси, 21-оят) тафсиридир.

Турмуш – Алилар учун Фотималар бўлиш, бўла олиш санъатидир.

* * *

Мутойиба

– Ойи, неччига кирсам сиздан рухсат сўрамасдан ҳам кўчага чиқиб кетаверадиган бўламан?

– Ҳали даданг ҳам у ёшга етгани йўқ, ўғлим!

* * *

Сериалларга, дўкону бозорларга, кўнгилочар жойларга, лағвларга муккасидан кетган оталар, оналар селда-тошқинда оқиб кетаётган инсонлар кабидир. Кучли тўфонда оқиб кетаётган киши ундан најот тополмайди, қутулолмайди.

Иймони билан, намози билан, жидду жаҳди билан уйини кема қилмаган, ўзи ҳам “НУҲ” бўлмаган оталар, оналар бу шаҳват тўфонидан ўзини ҳам, фарзандларини ҳам қутқаролмас.

* * *

Жуфтларнинг такво устига барпо қилган уйлари Аллоҳнинг раҳмати инадиган уйдир.

У уйга маош етади. Рўзгордаги баракотни ҳамма ҳис қиласди. Ҳузур ҳар нафас олишда сезилади. Аzon у уйларда акс-садо беради. Уйнинг имоми, жамоати событ.

Куръон у уйларда дастур; У ўқилади, унга амал қилинади. Оила аъзоларини ҳолати қандай эканини англатувчи ўлчов шудир. У тақво уйлари Аллоҳ зикр қилинган уйлардир. Аммо асл зикр ҳаромларга рўбару бўлган пайтда Аллоҳни эслаб, ундан узоқ туришда кўринади.

Намоз вақти кирганида масжидга югуриш, жойнамозни солиш у уйларга хос. Тақволи уйларда яшовчи инсонларнинг ахлоқида жиддий бир нуқсон ва ё камчилик кўринмайди. У ерда кўзга эмас, қалбга хитоб қилинади. Тақволи уйларда ҳукм Аллоҳнидири! Тортишувлар Унинг ҳукмига кўра ҳал этилади.

У уйларда қаноат бор. Янада яхшисига эришишга қарши эмаслар. Аммо борига розилар. Қўлларидағи неъматларнинг шукрини адо этишга уринадилар. Ҳар неъматнинг шукрини ўз жинсидан қилишга ҳракат қиласидилар.

Баданларининг шукрини Аллоҳга қуллик қилиш билан адо этадилар. Таомларидан мискинларга ҳам бериб, ошхоналарининг шукрини адо қиласидилар. Уйларида динга хизмат учун хона ва вакт ажратиб, уй неъматининг шукрини қиласидилар. Еб-ичгандан сўнг ҳамд айтадилар, тилларини зикрдан холи қилмайдилар.

Марҳамат тақво уйларининг тамал тошидир. Мусибатдаги бир мўмин уларнинг уйқусини қочиради. Уларнинг марҳамати олдида бу дунё ва унинг матоҳлари кўримсиз ва ҳақирдир. У уйларда фақатгина кичик болалар эмас, барча шафқат-марҳамат кўради. У уйларда исроф йўқ. Бахиллик йўқ. Сув ҳам аҳамиятли, вакт ҳам. Нонни исроф қилмайдилар.

Тақво соҳибларининг уйи қандай ҳам гўзал.

* * *

Эмизикли гўдак ҳолидаги Мусо (алайҳиссалом)
сувда чўкмади.

Ҳолбуки, у энг заиф ҳолатда эди.

Фиръавн эса чўқди.

Ҳолбуки, у қудратнинг чўққисида эди.

Етарки, сиз Аллоҳ тарафида бўлинг ва ишингиз-
ни Аллоҳга ҳавола этинг!

Аллоҳнинг сизга ёзганидан бошқаси бошингиз-
га келмаяжакдир.

Кизганиши ҳақида

—

Шайтон аввалига яхши жин бўлган. Ҳатто фаришталарга дарс берувчи муддарис эди. Одам алайхиссаломни қизғаниб, сажда қилмагач, лаънатга дучор бўлди.

Рашқ, қизғаниш туйғуси бугун оиласарни энг кўп бузувчи сабаблардан.

Лекин, бошқа тарафдан Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу “Қизғанмаган кишида хайр-яхшилик йўқдир” дедилар.

Бу қизганиш, рашқ отли туйғуни қандай тушунамиз?

Қўриқлаш, эгалик ҳисси, ҳаром назарлардан асраш, ҳимоя қилиш, сақлаш булар яхши нарсалар.

Аммо Оиша онамиз (р.а) рашклари келиб, жаҳл-ғ заб қилганларида Пайгамбар алайхиссалом “Шайтонинг келдими?” деб хитоб қилганлар!

Бугун доимий назорат қилиш, қузатиш, пойлаш, ўз мулки каби караш булар – оиласарни энг кўп бузаётган сабаблардир.

Хулоса қиласиган бўлсак, рашк ва қизғаниш булар яхши нарсалар, аммо чегарадан чиқиб, меъёр бузилса, шайтондан бўлган ва маломат қилинадиган тутумга айланади.

* * *

Мутойиба

– Мехрибон, ишончли, садоқатли эркакни яхши кўраман. Мен ўзи фантастикани яхши кўраман.

* * *

“Аллоҳим! Умидсизликка тушганимда менга битган қадаринг хаёлларимдан-да гўзалроқ ва яхшироқ эканини менга хотирлат!”

* * *

Аёл...

У ажиб хилқат.

Баъзан заифа.. баъзида жасоратли...

Баъзан гулдек нафис... Баъзида шунчалар матонатлики, бардоши олдида тоғлар ҳам кичик бир заррадек, гўё...

Ўзи меҳрнинг булоғи бўлса-да, бир қатра меҳрга ташна... Баъзида ёш боладек эркатой.. ўрни келганда букилмас иродали... Баъзида ўжар.. Аксар пайт эса ҳалимдек юмшоқ, меҳрибон...

У қай ёшга кирмасин, қанчалик кучли кўринмасин, унинг фитратида меҳрга ташналиқ, эътиборга чанқоқлик қонмайди ҳануз...

Не ёзиқки, оилали бўлатуриб, номаҳрамлар билан кўнгилхушлик қиласиган, эри устига “юради-

ган” (астағириуллоҳ) аёллар ҳақидаги гапларга қулоғимиз ўрганиб, ажабланмайдиган бўлиб боряпмиз кундан-кун, афсус, минг афсус...

Аёл киши аёллик табиатига кўра аслан хиёнатга мойил бўлмайди. Мабодо, шайтон йўлдан уриб, шу йўлни тутса ҳам, кўнгли, юраги бу ишининг қабоҳат эканини доим унга эслатиб туради. Виждони қийналиб туради. Жовдираб турган болалари кўз ўнгидан кетмай тураверади. Аммо қандайдир сабаблар билан шу кўчага кириб қолган аёл – кўпинча эътибор, меҳр етишмаганидан ҳам бу разил ишни қилади, қилиб қўяди.

Бундайларни оқлаш ва ёки ёнини олиш фикридан йироқмиз.

Шунчаки танганинг иккинчи томони ҳам борлигини айтмоқчимиз, холос.

Оила, хотин тутиш ҳам илм. Жамиятда енгилтак аёллар кўпайяптими, эркакларимиз орсиз, ҳамиятсиз ва нобоп бўлиб боряптилар, демак.

Эркаклар! Унутманг! Аёл гўштсиз овқатни индамай ичиши мумкин, турмуш машаққатларига жимгина бардош бериши мумкин. Аммо жуфтининг бефарқлиги жон-жонидан ўтказиб юборувчи, юрагини тилка-тилка қилувчи, аёвсиз жароҳатловчи бир ханжар мисолидир у учун.

Яхими-ёмонми, оқми-қорами, ориқми-дўмбоқми, умрингизга йўлдош бўлган, яхши-ёмон кунда, енгиллигу қийинчиликда ёнингизда турган, ҳар кўзи ёриганда бир ўлимдан қолиб, сизга зурриётлар туғиб берадиган жуфтингизга эътиборсизлик қилманг.

Кўча-кўйда, ишда, хизматда юраркан, интернетида соатлаб ўтирадиганингиз – телефонингизни олингда, икки дақиқангизни ажратиб, қўнгироқ қилиб, ҳолини сўраб қўйинг. Кўчадан келаркан, ҳар замонда бир дона атиргул ёки фақат унинг ўзи учун маҳсус бир шириналликни кўтариб келинг. Бу сиз учун арзимасдек кўринар балки, аммо аёлингиз учун дунёларни берган каби бўласиз...

Тоби қочганида “Жонинг соғ бўлсин онаси, сен бўлмасанг ҳеч қаерга сиғмай қоламан”, “Яхшиям борсан, бахтимга бор бўл” денг, дея олинг. Аёл киши – ширин сўзнинг гадоси. Бир мусулмоннинг кўнглини чоғ қилишнинг нимаси ёмон? Ширин сўз айтиб, савобга эришишнинг-чи?

Аёл киши ўзининг керак эканини англаса, меҳр ва эътиборингизни ҳис қилса, буни сизга ортиғи билан қайтаради.

Сиз ундан бир чимдим меҳр, озгина эътиборингизни дариф тутмангки, у бошқа жойдан меҳр излашга мажбур бўлмасин!

Шоядки, вафосиз аёллар ҳам, бузилган оиласлар ҳам, тирик етим бўлиб, аросатда қолган болалар ҳам бўлмаса...

* * *

Ҳадиси шариф

“Аёлига кулиб қараган эркакнинг амал дафтарига бир қулни озод қилганинг савоби ёзилади”.



* * *

Эрингизни Пайғамбар афандимизга “Жоним сизга фидо, ё Росуллуллоҳ” деб юзланган Хадича онамиз сингари иззат-икром қилинг.

Аёлингизни ҳазрати Хадича онамизни “Қалбимнинг ризқи насибаси” деб чақирган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам каби севинг.

Жуфтлар бир қайчининг икки томони каби бўлишлари, юзага келган муаммолар, қўнгилсизликларни биргаликда кесиб ташлашлари – ҳал қилишлари керак.

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, сиз билан гаплашиб олишимиз керак!

– Майли, фақат қисқа ва лўнда гапир!

– 50\$.



Эркаклар нега хиёнат қиласылар?

Эркакларнинг “чапга” юришларига сабаб бўлувчи баъзи омиллар:

1. 18-25 ёш эркак интим ҳаётининг максимал фаол даврлари ҳисобланади. Бу даврни кимлардир босиклик ва одоб-ахлоқ нормасига мувофиқ ўtkазса, кимлардир ўзининг “кучли” эканини тасдиқлаб олиш ва турфа “гуллар”дан баҳраманд бўлиш учун бошқа “йўллар”ни ҳам ахтаради.

Айниқса, ушбу “фаол давр”га келиб ҳам унинг “боши икки” қилинмаган бўлса ёки уйланган бўлса ҳам аёли бу “нозик муюмала”да нўноқроқ бўлса ва унинг эркаклик кучига шубҳа билан қарайдиган бўлса, у бошқа томондан буни тўлдиришга ва тасдиқлаб олишга ҳаракат қиласи.

2. Оиладаги интим муносабатлар ўта зерикали тус олса;

Аёл агар бу борада “қизиқарли” бўлмас экан, эр-
как ўз табиатига кўра “янгилик” ахтариш пайига ту-
шиб қолади;

3. Агар аёл киши ўзини “қўйиб” юборса, семи-
риб кетса ва уйда ўзига қарамасдан, папрайиб юрса;

Эркаклар кўзлари билан севувчи маҳлуқотлар-
дир, буни унутмаслик шарт!

4. Агар эркак никоҳнинг аввалиданоқ “яхши она
ва яхши уй бекаси” принципи бўйича уйланган бўл-
са ва аёли интим муносабатлар борасида унда ҳеч қи-
зикиш уйғотмаган бўлса;

Одатда бундай эркак гипер-иссиқмижоз ва аёли
гипер-совуқмижоз бўлади.

5. Агар маълум ёшга келиб, ушбу “нозик масала-
да” истак-хоҳиш ўта пастлаб кетса;

Бу кўпинча 50 ёшдан кейин содир бўлади ва эр-
как хиёнатга хотинини ёқтирмай қолганидан эмас,
балки ўз эркаклик кучини синаб кўриш учун ҳам қўл
уриши мумкин.

* * *

Мутойиба

– Ойи, ҳамма эртаклар “Бир бор экан, бир йўқ
екан” деб бошланадими?

– Йўқ, қизалоғим, баъзилари “Агар менга тур-
мушга чиқсангиз...” деб ҳам бошланади.

Эрдегани мана дундай бўлибди

Бир эркак уйига келди ва хотинини жуда хафа ҳолатда кўрди.

Хотинининг ёнига ўтириди, уни бағрига босаркан, шафқат ва меҳр тўла бир овоз билан:

“Биласанми, онаси, сен дунёнинг энг гўзал иккинчи аёлисан” – деди.

Аёл бошини кўтарди, ҳайрат ва шошқинлик билан:

– Биринчиси ким? – деб сўради.

Эркак ғоят хотиржам бир алфозда:

– Хурсанд бўлган ва табассум қилган пайтингда – сен! – деб жавоб берди.

Шундан кейин аёлнинг хафалиги тарқаб, қалби шодликка тўлди. Оиласа тақрор саодат инди.

Аллоҳим, бизга хайрли жуфтлар насиб эт. Оиласаримизни саодатли қил. Амийн!

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, хафа бўлишим йўқ, фақат тўғриси-
ни айтинг. Сизнингча, энг яхши хотин қанақа бўлади?

– Гапиролмайдиган, тилсиз бўлади, онажониси.

* * *

Эй Исломнинг қизлари!

Китоб ўқинг!

Бугун ўзингизни ривожлантирсангиз, эртага на-
лингизни етиштирасиз.

Жаҳолатнинг ягона қўркуви аёлдир. Чунки аёл
ўрганса, болаларига ҳам ўргатади...

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, биз аёлларга ҳам романтик, ҳам
қаттиққўл, ҳам қўпол эркаклар ёқади.

– Шам ёқилган ресторанда қўлингизга гулдаста
бериб, сизни дўппослашим керак бўладими шунда,
онажониси?..

Эркак қачон ўйдан безиўди?

САМУДАР

1. Доимий назорат қилиши:

Эркаклар ўз эркинликларини йўқотишдан қўрқадилар. Уларнинг шахсий ҳудудлари бўлиши ва унга ҳеч ким дахл қилмаслиги керак.

Дўстлари билан вақт ўтказиш, хоббилари билан шуғулланиш ва ёки ёлғиз қолиб, ўйлаб олиш каби эҳтиёжларини қондиришига хотинининг тўсқинлик қилиши эркакни безовта қиласи ва бемалол нафас олиш учун уни “бўғаётган предмет”дан узоклашишни истаб қолади.

2. Бошқа эркаклар билан солишиши:

Эркакка энг ёқмайдиган нарса уни бошқа эркаклар билан солишишилари, қиёслашларидир. Аёл отаси, акаси ёки дугоналарининг эрлари билан ўз эрини солишиши оиласини ўз қўллари билан таҳликага отиши демак.

3. Доимий танқид қилиши:

Оталиги, эрлиги, инсонлиги рафиқаси томонидан давомий танқид қилиниб келган эркак бир мунча вақт ўтганидан кейин, бошда хотинини қанчалик яхши кўрмасин, уни эшитишни ҳам, кўришни ҳам истамай қолади.

Уйда эрнинг ўз масъулиятини адо этмаслиги хотинни чегарадан чиқариб юборади, аммо буларни ҳар доим узлуксиз тилга олавериш, танқид қиласвериш билан эркак тузалмагани каби хотиннинг ўзи ҳам жуда ҳолдан тойиб қолади.

Эркак масъулиятни кўтартмаяптими, бунинг ечими танқидда эмас. Бошқа йўлларини ахтариш керак.

Агар жуфтингиз билан муносабатда юқоридагига ўхшаш муаммоларингиз бўлса, улар катталашмасидан олдини олинг ва тўғри қадамлар ташланг!

* * *

Мутойиба

– Онаси, мастава билан шўрва жонимга тегди. Мундоқ хотин бўлиб, янгича овқатларни ҳам ўрган.

– Хўп, энг охирги чиққанидан ўрганиб, сизга пишириб бераман, фақат ҳозир эмас, энг, энг, энг охиргиси чиқсан.

– И-её, бу нима деганинг?

– Янги қўйлак оберинг десам, энг, энг, энг охирги модадагиси чиқсан, ўшанда оберман дейсиз-ку, ўзингиз ҳам.

* * *

“Яхши қиз топиш қийин бўлиб қолди, яхши қиз кам” деган гап-сўз қўпайиб қолган ҳозир.

Айниқса, ўғли уйланадиган бўлиб қолган оналар билан гаплашсангиз, гапларидан замонамиз қизларига нисбатан ишончсизликми, хавфсирашми ёки шунга ўхшаш қандайдир ҳадик сезилади.

Наҳотки “яхши қизлар камайиб кетяпти” дейдиганларнинг гумонлари рост бўлса? Наҳотки, бу но лишлар бежизга эмас?

Бундай гапларни эшитиб, ўғлим ҳали кичик бўлишига қарамай, менинг ҳам юрагим орқага тортади.

“Йўғ-э, жуда унчалик эмасдир” дейман эътиroz билдириб. Кўнглимни фараҳ тутишга, уларга ҳам, ўзимга ҳам тасалли беришга уринаман.

Аммо...

Кўчага чиқишим биланоқ, атрофга теранроқ назар ташлашим ҳамоно бу гумонсирашлар ноўрин эмаслигига амин бўламан.

Ҳа, мен қўрқаман:

Автобусга чиққанимда ёши катта йўловчиларни кўриб, ўзини кўрмаганга соладиган, ҳомиладор ёки ёш болалиларга жой бермайдиган бети қаттиқ қизларни кўрганимда...

Калта, тор кийим кийиб, ўзини кўз-кўз қиласидиган, номаҳрам нигоҳларнинг қаттиқ қарашидан хижолат туймайдиган, ўзига қаратилган шаҳвоний нигоҳлардан ўзини голиб сезадиган беҳаёларни учратганимда...

Қулоғидан наушник, қўлидан смартфон тушмайдиган, эртадан кечгача инстаграмдан бош кўтармайдиган “зомби”лар билан тротуарда рўпара қелганимда...

Тунги клубларда “жавлон ураётган” “анақа”лар билан бир ҳаводан нафас олаётганимни ўйлаганимда...

Гинеколог қабулида “тикириш”, аборт учун навбатга ёзилаётган “қиз бола”лар урчиб, тобора кўпаяётганинни эшитганимда...

Турмушда бўлиб турадиган арзимас икир-чикирларни баҳонаи сабаб қилиб, шартта ажрашиб кетаётганларни кўрганимда хотинларнинг гапида жон бормикан, деб ўйлаб қоламан.

Энг ёмони ва аянчлиси – бу фожеалар ғарбга эмас, ғайримуслим аёлга эмас, ўзбек деган миллатга, мусулмоннинг қизларига оид эканида.

Аҳвол чатоқ. Нимадир қилиш керак.

Сизнингча, жамиятдаги бу аянчли муаммони қандай бартараф қилиш керак? Нима қилсак, миллат қизлари бу балолардан омон қолишлари мумкин?

* * *

Мутойиба

Эримни текшириш учун иккинчи профилимдан у кишига ёздим.

Яқиндан танишиб олдик, сухбатлашдик.

Буни қарангки, менинг ўлганимга икки йил бўлиб, ўшандан бери ёлғизликдан қийналяптилар экан бечора...

* * *

Ўзингиз кола ичаркансиз, болага чой берасиз. Боланинг наздида “чой” жазо бўлиб кўринади.

Ўзингиз телевизор кўраркансиз, болага китоб ўқи, дейсиз. Боланинг наздида “китоб” жазо бўлиб туюлади.

Ўзингиз телефондан кўз узмай, соатлаб интернетда ўтиаркансиз, болани мажбуrlаб ётоғига жўната-сиз, бола “уйқу”ни жазо ўлароқ қабул қиласи.

Ўзингиз дўстларингиз (дугоналарингиз) билан мазза қилиб вақт ўтказаркансиз, боладан дарслари ни бажаришни талаб қиласиз. Бола учун “дарс” жазо сифатида намоён бўлади.

Энг гўзал, таъсири даъват – яшаб, кўрсатиб бе-рилганидир!

* * *

Ҳаётимиздаги кишиларнинг аслиятини қандай билиб оламиз?

Эрни хотини хасталаниб қолганида таниймиз.

Хотинни эри камбағал бўлиб қолганида таниймиз.

Ака-ука, опа-сингилни мерос даъвосида таниймиз.

Дўстни машаққат келганида таниймиз.

Мўъминни синов келганида таниймиз.

Ҳақиқатдан ҳам танийман, биламан деб ўйлаган кишимизни у истаган ўлчовда, унинг ўзи кўрсатишни хоҳлаган жиҳатлари томонидангина таний оламиз, холос. Кишининг асл юзи эса машаққат пайтида, қийинчилик келганида билинади.

Чекмайдиган

Аллоҳ барчамизни асл юзини таниганда хаёти-
мизда эканидан афсус чекмайдиган инсонлар билан
қаршилаштиурсин. Амийн!

* * *

НАСИБ қадар гўзал калима борми?

На ишончинг комил, на да умидсизсан.

Аммо сен учун энг хайрлисини билганга тас-
лимсан...

* * *

Мутойиба

– Дада, сиз қандай қилиб миллионер бўлгансиз?

– Онанг туфайли, болам.

– Қанақасига?

– Қанча пул топсам онанг пул йўқлигидан нолиш-
ни тўхтатишини билмоқчи бўлганман.

* * *

– Қизимизнинг диний билимлари борми? Худо-
дан қўрқадиган, тақводор келин керак бизга.

– Ўғлингиз-чи, ўғлингиз тақводормилар?

– Намоз ўқиб турадилар. Кичик сураларни ёд
олганлар ёшлиқда. Ҳа энди, қолганини биргалашиб
ўқишиади-да. Ахир, “Эр вазири хотин” дейишади-ку.
Ҳа-ҳа-ҳа. Қолаверса, невараларимиз илмли, тарбия-
ли бўлсин, деймиз-да.

Ўзи тукқан боласига ўзи тарбия бермайди-да, катта бўлиб, уйланадиган ёшга етганда келиннинг диндоридан ахтариб қолади.

Нима эмиш, келин шўрлик ҳам унинг худобехабар ўғлини тўғри йўлга солиши керак, ҳам илмли, тақводор болаларни туғиб, тарбия қилиб бериши керак эмиш...

Бундайларга “Тур-э, тошингни тер” дегинг келади-ю, одамнинг юзи иссиқ-да...

* * *

Инсонлар асосан 3 эҳтиёж юзасидан оила қурадилар.

1. Моддий.
2. Жинсий.
3. Руҳий.

1. Моддий эҳтиёж бирлаштириб турадиган оиласаларда аёл эрига ёки эркак (ҳозир шунақа эркаклар кўпайиб қолган) хотинига бир катмонча ўлароқ қарайди. Яхши еса, чиройли кийинса, қиммат машина минса ёки ҳашаматли уйда яшаса бўлди. Унинг никоҳдан мақсади ўзи режалаштирган моддий эҳтиёжларини қондириш. Иқтисодий ахволини яхшилаш ва ҳеч кимдан кам бўлмаслик. Ундай киши моддий эҳтиёжларини ортиғи билан қондириши мумкин, аммо бу никоҳдан руҳияти яйрамайди, ўзини баҳтли ҳис қилмайди.

2. Жинсий эҳтиёж юзасидан қурилиб, шу эҳтиёжгина бирлаштириб турадиган жуфтлар никоҳини ҳам

тўлақонли баҳтли жуфтлик, деб бўлмайди. Бу асосда қурилган турмушлар кўпинча узоққа бормайди. Борса ҳам бу оилани баҳтли оила, деб атаб бўлмайди. Улар бир-бирига тўйғандан кейин, энди ҳаёт қизиқ бўлмай қолади, бир-биридан зерикишни бошлайди. Ажрим пайтида “Бир-бирилизга тўғри келмадик” деган аксар иддаолар айнан ана шу тоифа сирасига кирувчи жуфтликлар томонидан тилга олинади.

3. Эр-хотин бир оила бўлиб яшар экан, уларни энг биринчи навбатда руҳий уйғунлик – гармония бирлаштириб туриши керак. Одам алайҳиссалом ва Ҳавво онамиз бир жуфт бўлиб ЖАННАТда яшарканлар, бир-бирлари билан руҳий яқинликда бўлганлар. Улар бир-бирларига айнан руҳий эҳтиёжни ҳис қилганлар. Моддий ёки жинсий эмас.

Бу дегани – моддият ёки жинсий ҳаёт долзарб, дегани эмас. Аммо оила мустаҳкамлиги ва баҳтиёрлиги эр ва хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳис қиласидиган қалбий туйғуларига, руҳий кечинмаларига боғлиқ.

Сизнингча, жуфтингиз билан сизни асосан қайси эҳтиёж боғлаб туради, сиз нима деб ўйлайсиз?

* * *

Мутойиба

Оилавий ҳаётда фақат биринчи эллик йил оғир кечиши мумкин. Аммо кейинига қийинчиликларни енгишда склероз ёрдамга келади.

* * *

Йўлда кета туриб, бир тошга қоқилсангиз, айбни бошқалардан изламанг.

Айтингки, “Аллоҳим! Бу жазо қайси гуноҳимга нисбатан берилган бўлса, ўша гуноҳимни афв эт!”

Пулингиз, молингизни йўқотсангиз хафа бўлманг.

Айтингки, “Аллоҳим! Бу синов-имтиҳон қайси ҳаром эвазига бўлса, у ҳаромдан мени покла...”

Бир намозингизни ўтказиб юборсангиз, кимсани айбламанг.

Айтингки, “Аллоҳим! Мени сенга яқинлашишдан, хузурингда туришдан тўсган гуноҳимни кечир”.

Бир тиланчи эшигингизни тақиллатса, уни ҳайдаб солманг.

Айтингки, “Аллоҳим! Бу қулингга яхшилик қилиб, Сенинг раҳматингга сазовор бўлишни менга насиб эт”.

Бир касаллик етса, “нега айнан мен” деманг.

Айтингки, “Аллоҳим! Бу хасталиқдан мурод этганинг хайрни менга ато эт”.

Унутмайлик! Бошимизга келган ҳар мусибатда Аллоҳнинг бизга истагани – бир хайр, яхшилик яширин. Бизнинг ишимиз “Алҳамдуиллаҳ” дейишдир.

* * *

Мутойиба

– Дадажониси, эсингиздами, тўйдан олдин сен учун жонимни ҳам бераман дердингиз? Хозир бўлса, телефонингизни кодиниям бермайсиз.

– Онаси, мен сенга жонимни бераман деганман,
телефонимнинг кодини эмас!

* * *

Бизга нималар бўлди?

Суҳбатдош – қўл телефони бўлди.

Дўст-биродар – ижтимоий тармоқлар бўлди.

Зинонинг оти – севги-муҳаббат бўлди.

Алкоголь – сув каби бир ичимлик бўлди.

Наркотик – дорихоналарда сотиладиган бўлди.

Ахлоқсиз сериаллар – вақтичоғлик учун бир эр-
мак бўлди.

Беҳаё, савиясиз рекламалар – оила даврасида уз-
луксиз томоша қилинадиган бўлди.

Гуноҳлар бизни кўрқитмай қўйди.

Наҳотки, бир авлод таназзулга шундай юз тутди?

* * *

Бир йигит онасидан: “Ўзим учун муносиб аёлни
топишнинг имкони борми?” деб сўради.

Она шундай деди:

“Болажоним! Сен ўзингга муносиб аёл қидирма,
балки муносиб эр бўлишга ҳаракат қил”.

Аллоҳ таоло:

“Нопок хотинлар нопок эркаклар учундир. Но-
пок эркаклар нопок хотинлар учундир. Покиза аёл-
лар покиза эркаклар учундир. Покиза эркаклар покиза
аёллар учундир”, деган. (*Нур сураси, 26-оят*).

* * *

Мутойиба

Ари чақиб олса, васиятни бошлайдиган ваҳимачи хотин, Россияда ишлаётган эрига смс ёзяпти:

– Дадажониси, давлением ошди, тезроқ келинг, ўляпман...

Хотинининг феълини билиб қолган эр:

– Мен ҳам ўляпман, онаси, ўша ёқда кўришармиз.

* * *

Бир танишим ҳикоя қилади (Риё эмас, ибрат учун дедилар):

“Яқинда бошимга бир иш тушди. Мусибат зарбинг илк онларини яшарканман, аламдан довдираб қолдим . Чиройли сабр қилиш, қила олишга Роббимдан ёрдам сўрарканман, негадир, кимгадир яхшилик қилгим келиб қолди. Ёнимда тишимнинг кавагида сақлаб турганим, охирги 105 минг сўм пулим бор, холос. Берсаммикин-бермасаммикин?..

Хаёлимга келган илк фикр бериш эди. Аммо ўйлаганим сайин шайтон бермасликка ундейдиган сабабларни миямга олиб кела бошлади. Таваккал, дедим-да, қаршимдан чиқсан кўриниши ночор бир ўранган аёлга 100 мингини холис бериб юбордим.

Орадан уч ёки тўрт кун ўтди. Катмонимдан чиқсан юз минг сўм юз доллар бўлиб қайтди. Ўзим ҳам хайрон. Бу нима? Тасодифми? Балки қонуниятдир? Эҳтимол, Ғаний Зотнинг Ўзининг йўлида қилинган кичик

бир хайрнинг ўн баробар кўпайтириб беришининг навбатдаги яна бир исботидир... Ваъдасида ҳақ бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

* * *

Сиз болани юқорига отсангиз, у сизга қиқирлаб, кулиб жавоб қайтаради.

Чунки, бола уни ташлаб юбормаслигингизни аниқ билади.

Тақдир ҳам сизни ҳар томонга отиб, синаганида сизни ташлаб қўймайдиган Роббингиз борлигини асло унутманг!

* * *

Айбларни айтиш нафрат, адоват ва саркашлиknи пайдо қилади.

Мақтов эса муҳаббат ва сурур пайдо қилади. Уй ва оиласда ижобий энергия ҳосил қилади.

Ўз ҳаётингизни, келинингиз ҳаётини, жуфтингиз ҳаётини қўпол ва чақиб оладиган сўзлар билан булғаманг!

Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Яхши сўз садақадир”, деганлар.

* * *

Мутойиба

Аёлларга лайфхак:

Намунча, пул деяверасан, онанг пул деб туқсанми сени, дейдиган эркакдан асло пул сўраманг! Доллар сўранг!

* * *

“Дийдори курсин”, “Эрсирамай ўлсин, уларни ҳаммаси бир гўр”, “Ўшалар ҳақида эшитсам, асабим бузилади, гапирманг ўшаларни...”

Бугун кўпхотинлик ҳақида гап кетганда, аксарият аёллар иккинчи аёллар ҳақида худди ана шундай фикр билдирадилар.

“Иккинчи”ларга ижобий кўз билан қарамаётгандарнинг, тўғрироғи қаролмаётгандарнинг бу салбий фикрлари шахсий адватдан келиб чиқсанми ёки ақл тарозусидан ўтиб, маълум ҳаётий тажрибалар таъсирида шаклланганми?

Албатта, кимгадир “иккинчи”, “учинчи” ёки “тўртинчи” бўлиб турмушга чиқиш дин нуқтаи назаридан қараганда айб ҳам эмас, гуноҳ ҳам. Зино қилиб, ҳар хил касалликлар орттириб, оиласига, жамиятга иснод келтириб юргандан кўра “нечанчидир” бўлиб эрга тегиш – энг яхши ва энг мақбул танлов, аслида.

Аммо тобора кўпайиб бораётган “иккинчи”ларни кузатар, тутумларини таҳлил қиласканмиз, уларга нисбатан билдирилаётган салбий фикрларда “жон бор”га ўхшаб кўринади.

Оилали эркакка “иккинчи” бўлиб тегаётган аксарият (ҳаммаси ҳам эмас!) аёлларнинг бу никоҳдан динни, Аллоҳнинг розилигини мақсад қилмаётгандарини тутумларини кузатиб туриб англаб олиш қийин бўлмай қолди.

Мақсадимиз бу тоифа аёлларни қоралаш эмас. Аммо ҳақиқатдан кўз юмиб ҳам бўлмайди-да!

Келинг, бугун ушбу вазиятга холис кўз билан қарашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Қиз бола балоғатга етар экан, одатда ота-онаси-нинг раъи ва танлови билан турмушга узатилади. У бўлғуси умр йўлдошида пул, обрў-эътибор, мансаб ёки “фалончи” тимсолини эмас, меҳрибон, уни севувчи ва “кўлларида кўтариб юрувчи” эркакни ва фарзандларининг отасини кўради. Гарчи, реал ҳаёт унинг тасаввурларига бироз ёки бутунлай мувофиқ келмаса ҳам, у тишини-тишга қўйиб, яхшими-ёмонми умр йўлдошини бошига кўтариб ўтади. Шунинг учун яхши қунда ҳам, оғир вазиятларда ҳам эрининг ёнида елкама-елка туради, тура олади. Эрини у фақат эҳтиёж қондирувчи бир жиҳоз, деб билмайди.

Биринчи турмушдан ажраб, кейин иккинчи ёки учинчи бўлиб турмуш қурган аксар аёлларда эса кўпинча бунақа тасаввур бўлмайди, бўлган бўлса ҳам, аввалги турмуши “ўхшамагани”, ҳаётидаги силикинишлар туфайли энди унинг приоритетлари анча ўзгариб кетган бўлади.

Нейтрал нуқтаи назардан қараганда, аксар “иккинчи”ларни иккинчи бўлиб турмушга чиқишга унайдиган сабаблар асосан:

1. Уй.
2. Пул.
3. Тўшак.

Хунукроқ қилиб айтганда, эр унинг моддий ва жинсий эҳтиёжларини, истакларини қондирадиган бир унсур, холос.

“Бир мусулмоннинг корига ярай, оғирини енгиллатай, Аллоҳ розилигини қозонишига ёрдам берай ва ниҳоят, эримни рози қиласорқ, ўзим ҳам Роббимнинг розилигига эришай” деган мақсадда кейинги рўзгор қилиб, турмуш қурган ва қураётган аёллар бармоқ билан санарли даражада.

Хулоса шуки, нафсининг истакларини шариат рухсати билан тўсиб, ўзини фариштасифат кўрсатаётганлар эрга тегишдан бўлган мақсадларига бир сидра қайта назар солсингилар. Ўзларига бўладиган салбий қарашлар учун атрофдан ўпкаلامасинлар.

“Эрга тегиб, уй-жой қилдирволай, машина олдирволай, чет элга саёҳатга олиб борсин, мол-дунёли бўлволай” эмас, “Шу никоҳим туфайли Роббимнинг розилигига эришиб, жаннатига кирволай” дейдиган муслималарга эса Аллоҳнинг жаннатлари муборак!

* * *

Мутойиба

Бугунги математик масала:

Шавкат 68 ёшда. Унинг қаллиғи эса яқинда 22 ёшга кирди.

Савол: Шавкатнинг қанча пули бор?

* * *

“Фил” сураси жимитдек қушларнинг катта-кatta филларни енгганини, мағлуб қилганини баён қиувчи сура.

Бу ҳаётда баъзан ўзингизни қуш каби кичик ва кучиз ҳис қилишингиз ҳамоно “Фил” сурасини хотирланг.

Катта ё кучли бўлган ғолиб эмас. Аллоҳ кимнинг ёнида бўлса, ўша ғолибdir.

* * *

Қилган яхшилигингизни билмаганлардан хурсанд бўлинг!

Чунки уларнинг ўрнига сизга Оламлар Робби жавоб қайтаради. Одамларнинг бергани қаерда-ю, Аллоҳники қаерда?

* * *

Кўпчилигимиз зерикмаслик учун интернетда ўтиришни яхши қўрамиз.

Менимча, бунга бироз диққатлироқ бўлишимиз керак.

Қачонки биз ижтимоий тармоқларга кирап эканмиз, шубҳасиз чексиз интернетнинг чексиз янгиликлари оқимиға тушиб қоламиз. Бироқ, текширувлар шуни кўрсатяптики, бу бутун дунё аёлларига салбий таъсир этмоқда.

Биз доимий равишда бизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, биз учун кераксиз, ҳаётимизга дахлсиз маълумотларни узлуксиз қабул қилиб бормоқдамиз.

Ёмони – булар атрофдагиларга ҳасад ва ўзимизга бўлган ишончсизликни орттироқда.

Наҳотки, бизга реал ҳаётда умуман танимайдиганимизнинг қандай уйда яшashi, эри каерга саёҳатга олиб бориши ва болаларининг қандай кийимлар кийиши қизиқ бўлса?

Энг сўнгги урфда кийилган кийимлар, ботекс қилинган сунъий лаблар сизни илҳомлантириб, завқ-

шавққа туширадими ҳеч? Шахсан мени умуман завқлантирамайди.

Бу маълумотлар бизнинг ҳаётимизга бирон-бир фойда келтирадими? Ёки шунчаки вақтимизни шамолга совуряпмизми?

Биз бундай одатдан қутулмасак бўлмайди.

Зотан, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Киши исломининг гўзаллиги – ўзи учун бехуда бўлган нарсаларни тарқ этмоғидадир” деб марҳамат қилганлар.

* * *

Мутойиба

Мен: “Зрением пастлаб кетяпти, балиқ-малиқ еб туришим керак”.

Кўзим: “Телефонга шу термилишинг бўлса, акула-макула есангам фойдаси бўлмайди, галварс”.

* * *

Бу ҳаётда кимнидир баҳтсиз қилиб, ҳеч ким баҳтиёр бўлмаган. Озроқ сабр қилинг, чунки илоҳий адолат қарор топмасдан қолмайди.

Баъзи инсонлар бизга нисбатан адолатсизлик, ахлоксизлик ва зулм қиласидилар, ҳатто бундан сурур туюдилар.

Уларнинг бу тутумлари уларнинг ахлоқи ва масъулиятлари, бизнинг ҳам айни услубда тутум қайтаришимиз ҳам бизнинг ахлоқимиз ва масъулиятимиз.

Биз ўзимизга ярашганини қиласилик, ҳақдан, ҳақиқатдан айрилмайлик...

Бироз сабр қиласылар, чунки, бизнинг “Ал-Адл” – мутлоқ одил ва ўта адолатли, ҳаммасини кўриб, билиб турувчи Роббимиз бор...

Балки қилмишлари эртанги кунга қолар, аммо барабирик жавобсиз қолмайди...

Чунки, илохий бир адолат бор: Кимсага ноҳақдан озор етказганга бошқа бир тарафдан зарар етмасдан қолмас!

* * *

Мутойиба

Эр-хотин бир-бирларини яхши тушуна оладиган ёш 80 ёшдан кейинги ёш ҳисобланади.

На хотин эшията олади, на эр баланд овозда дағдаға қила олади.

* * *

Тунов куни бир кўрсатувга кўзим тушиб қолди. Миллийми, қайсиdir телеканал бир проектни бошлабди. “Бахтлимиз...”деган.

Нима эмиш, турмуш қурганларига бир неча йил бўлган эр-хотиннинг баҳтили эканларини кўрсатиб, тўйларида ушалмай қолган армонларини улар “ушатиб” беришаркан.

Қизикиб, қараб ўтирибман. Бир пайт, студияга ёши ўттиздан ошган “келин” билан киркни уриб кўяёзган “куёв” кўл ушлашиб кириб келишди. Ўша ердаги бошқа эшиқдан “келин-куёв”нинг ота-оналари, яқинлари, “келин-куёв”нинг бўйи чўзилиб қолган уч фарзандини етаклаб чиқиб келишди. Студиядаги олдиндан тайёрлаб

кўйилган диванларга ўтиришди ва қизининг белидан ушлаб вальс тушаётган куёвлари ва ҳамманинг кўз олдида бўғотдаги кабутардек эрининг бўйини искалаётган келинларини томоша қила кетишиди. Бошига кўк баҳмал дўппи кийиб олган қайнота, эгнида узун кўйлак-лозим кийиб, рўмол ўраб олган қайнона циркдаги ўргатилган маймунларга ўхшаб, чапак чалиб ўтиришибди.

Бу ёғда кўрсатувни олиб бораётган қиз уларнинг баҳтлилигини тўтикушга ўхшаб, тинмай таъкидлайди.

Ана сизга ўзбекчилиг-у, мана сизга миллийлик! Тўғриси, охиригача кўра олмадим шу кўрсатувни. Асабларим дош бермади.

Мен хотинини ярим ялангоч кийинтириб, бозорга соглан (миллионлаган ўзбек кўради бу кўрсатувни) эрдан хафа бўлмадим.

“Бу бемаънигарчилик нега керак дадажониси, шунга кетадиган маблагга болаларга китоб сотиб олайлик, уларга сифатли таомлар егизиб, саломатлигини мустаҳкамлайлик” деб ақл бўлмаган хотиндан ҳам.

Менинг ҳамма гинам ўша ҳамиятысиз қайнота-ю, ақли ухлаб қолган қайноналардан бўлди.

“Болам, бундай арzon, савиясиз кўрсатувларга вақтингни, пулингни сарфлама, баҳтли бўлсанг буни экранга олиб чиқишинг ва ҳаммага овоза қилишинг шарт эмас, баҳтлилигингни ўзинг билсанг, ҳаётингдан ўзинг миннатдор бўлсанг шу кифоя” деб айтмаган, айтишни лозим топмаган оналардан эди.

“Биз ўзбекмиз, бизда аҳли аёл бегона кўзлардан тўсиладиган аврат, эркакнинг энг қимматбаҳо жавҳа-

ри саналади ўғлим, хотинингни белидан қушишингни ярим Ўзбекистонга кўрсатишинг шарт эмас” демаган оталардан эди.

Шунақа ҳайвонтабиат ўғил-қизларни етиштирганлар улар эдилар. Муаммонинг илдизлари уларга бориб тақалмоқда эди.

P.S. Кўрсатув ғояси ғирт ғарбча. Унда ўзбек менталитетини, мусулмонликни акс эттирадиган бирон-бир детал йўқ, ҳисоби.

Фақат ўша рўмолли аёллар ва дўппили отахон умумий картинани юздаги бесўнақай холдек “бузиб” туришибди. Анави дўппили қайнотага шортик-футболка, онахонга эса мини юбка билан шляпа кийдирб қўйиш керак, холос. Ана шунда контрастлар бўлмайди, ана шунда кўрсатув асл ғарбча – ўзининг ғирт аслича кўриниш олади.

Бахтли эмиш-а...

* * *

Мутойиба

- Онаси, ўртоқларим уйга меҳмонга келяпти, бир ошга уннавор.
- Сехрли сўзни унудингиз.
- Меҳмонлар кетгандан кейин, тортмадаги пулдан олиб, туркиячиникига бориб кел.
- Гўштни тўғрайапман, дадажониси.

* * *

Аёл зоти асаларига ўхшайди. Ўзи асал беради, лекин ора-орада чақиб туради.

* * *

Эркакларнинг тили учида турадиган, лекин аёлларга айтишга “қўрқадиган” баъзи иборалар:

1. Агар сен семирдим, деб ўйлаётган бўлсанг, ҳақиқатдан ҳам шундай, онаси. Буни мендан сўраб ўтирма.
2. Сочингни калта қилиб кестирма. Асло! Узун соchlар доим калтасидан чиройлироқ кўринади.
3. Туғилган кунлар, тўйимизнинг 1, 2, 5, 18... йиллиги учун қўмматбаҳо совға ахтариб, дўконма-дўкон изгишим шартмикин?
4. Мен бир суткада 24 соат фақат сен ҳақингда ўйлай олмайман. Буни қабул қил. Илтимос!
5. Кўз ёшинг бу – шантаж.
6. Сенинг кийимларинг жуда кўп. Тақинчоқларинг ҳам.
7. Маросим ва тўйларга кетаётганингда сен ҳақиқатдан ҳам гўзалсан. Жиддий айтяпман. Қанийди, уйда ҳам шундай юрсанг.
8. Қочирим, сўз ўйин қилиб ўтирмасдан нимани хоҳлашингни очик айтсанг яхши бўларди. “Косанг тагидаги ним косани” топиб олиш бирам қийинки...
9. Магазинга бир нарсани харид қилиш учун кириб, бутунлай бошқа нарсаларни кўтариб чиқишинги ҳечам тушунолмайман.

Яхши рафиқа 18+

САМУДЕР

“Бир кўнгилга кириш насибадир. Унда қолиш
эса – маърифат”!

* * *

Бугуннинг эрлари хотинига қўядиган талаблар
бундан 30-40 йил олдинги эркакларницидан кескин
фарқли.

Хозир интим масалаларда критерий-ўлчовлар ўз-
гариб кетган (эҳтимолки, атай ўзгартирилган).

Аксар аёллар ташқи гўзаллигини очгандан-очиб,
зийнатларини эркагу аёлга кўз-кўз қилишга тушган.
Камига телевидение, ижтимоий тармоқлардаги тарғиб
қилинаётган гўзаллик стереотиплари эркагу аёлни
фитналагандан фитналаб ётиди.

Оилада интим муносабатлар ҳар бир эркак учун
ҳам, аёл учун ҳам ўта муҳим.

Аёллар эркакни биринчи навбатда жуфтининг
ташқи кўриниши қизиқтириши – жалб қилишини ту-
шунишлари зарур.

Афсуски, бизнинг аксар ўзбек аёллари ўзларига қарашмайди, уйим, болам-чақам деб яшашади.

Шу фитна замонида эрни уйга боғлаш, ўзига қаратиб олиш ҳам аёл тер тўқмаса, ҳаракат қилмаса бўлмайдиган ҳолатга келган.

“Эээ, хоҳласа шу”, “Мани бўлганим шу” деманг. Ахир, “уйимга ўғри тушса, тушаверсин” демайсиз-ку, уйингизни асраш тадбирини қиласиз-ку, тўғрими?

Хўш, нима қилиш керак?

Аёл киши энг аввало, ташқи кўринишига эътиборли бўлиши керак!

Бугуннинг эркагига:

1. Қоматли.
2. Ухоженный.
3. Диид билан кийинган.
4. Кулиб турадиган.
5. Мулойим ва “жойида” ўзик аёл ёқади.

Буларни ҳаммаси бир аёлда жам бўлиши мумкинми, дерсиз?

Албатта! Фақат, бироз қунт бўлса кифоя.

Озиш учун қиммат ва зарарли дориларни ичиш, мураккаб диеталар билан ўзни қийнаш шарт эмас. Бироз нафсни тийиш, кечки соат олтидан кейин овқатланмаслик, спорт билан шуғулланиш кифоя (залга боришига имкон бўлмаса, машқларни уйда, интернетдан кўриб ҳам қилиш мумкин).

София

Бир танишим бор. Мехмондорчиликка оддийги-на кийиниб боради. Лекин эрининг ишдан келиши-ни худди тўйга кетаётгандек ясан-тусан қилиб, тақин-чоқларини тақиб, пардоз-андоз қилиб кутиб олади.

Тўй-ҳашам учун қиммат кийимлар сотиб олмайди, одми кийинади, лекин тунги лиbosларни “ёмон”ла-ридан бор у кишида.

Сиз ҳам қилиб кўринг.

Уринишларингиз ўзини албатта, оқлайди. Қола-верса, эрни розилигини қозониш, эрни хурсанд қи-лиш ҳам ибодат-ку, шундай эмасми?

София

Ўз эрини “йўлдан уриш” музикинми?

Жуфти-ҳалоли учун доим суюкли, бетакрор ва ягона бўлиб қолиш истаги ҳар бир аёл учун, ҳар доим энг биринчи даражали истак бўлиб келган.

Бироқ, ҳар куни бир алфозда тақрорланувчи ҳаёт тарзи, муомала-муносабатлардаги бир хиллик жуфтлар ўртасида севги-муҳаббат сақланиб қолган тақдирда ҳам, эҳтироснинг сўнишига, зерикишга сабаб бўлади.

Вақтлар ўтиб, эр-хотиннинг интим ҳаёти бир хил кўриниш касб этади. Турмуш ташвишлари ёки фарзандлар туғилиши натижасида оиласвий ҳаётнинг жинсий томонига бўлган эътибор пасайиб кетади.

Агар, сиз эрингизнинг “тунги машғулот”га қизиқиши пасайиб кетаётганини пайқасангиз, қандай қилиб унинг ҳаётида ягона ва суюкли рафиқа бўлиб қолиш ҳақида бош қотиришингиз керак бўлган паллага етиб келибсиз, ҳисоби. Айни шу вазият ишқий

муносабатларга янгилик киритиб, эрингизни қайтадан ўзингизга жалб қилишнинг фурсатидир.

Эҳтирос нега сўнади?

Мутахассислар энг аввало, эр ва хотин муносабатларини синчилаб ўрганиш ва эҳтироснинг нега йўқолгани ёки сустлиги сабабини таҳлил қилишни тавсия қилишади.

1. Эрингизнинг сизга қизиқиши бўлган-у, вақтлар ўтиб у йўқолган бўлса, билингки, эрингизни интим муносабатларда нимадир қониқтирмаяпти.

2. Аксар ҳолларда эркак муносабатларда янгилик – янги нарса йўқлиги сабабли ҳам жуфтига қизиқишини йўқотиб кўяди. Жуфтиңгизнинг хоҳиши ва фантазиясини билинг ва шунга кўра иш тутинг.

3. Агар эрингизнинг ишлари жуда кўп бўлса, унинг ишларига қизиқиш билдиринг, эрингизга қизик бўлган мавзуда гаплашишни ўрганинг.

4. Эрингиз қанчалик жаҳлдор ва қўпол бўлмасин барибир меҳрибончилик ва ғамхўрликни яхши кўради – ширин муомала ва гўзал лутф унга жуда ёқади. Эрингиз билан майин ва чиройли муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Ишонинг, бу уринишингиз самара бермай қўймайди.

* * *

Аёл кўпинча кундалик ташвишлар, уй ишлари, бола катта қилиш ва яна бошқа вазифалари билан бўлиб, кечқурунга бориб чарчаб қолади. Табиийки, эрингиз кўнглига қараш, шаръий вазифани адо қилиш-

га истаса-истамаса кучи етмайди унинг. Кўпинча, эр ёнига чақирганида “боши оғриб қолади”, ишонарли баҳоналарни ўйлаб топишга тўғри келади.

Энг кетвортганини ҳам эркак кўзига ялмоғиз қилиб кўрсатадиган энг кучли омил:

1. Эрга гап қайтариш.
2. “Хўп бўлади” демаслик.
3. Итоатсизлик.

Худди ҳозир телевизорда берилаётган турк сериалларидаги хотинларга ўхшаб;

Нормал эркак бунаقا хотин билан яшолмайди.

Қулокқа айтмадиган гаплар

—

Биз ҳаммамиз ҳар хилмиз ва дидимиз, табиатимиз ҳам турлича.

Аммо интим муносабатларда аксарият эркаклар бир овоздан маъқул кўрадиган баъзи жиҳатлар борки, уларни сиз билан баҳам кўрамиз азиз тоифадош.

Tashabbus

Эркакларга нимани хоҳлаётганини аниқ биладиган ва билдира оладиган аёллар ёқади. Вақти-вақти билан эркак билан ўрин алмашиш, назоратни ўз зимасига олиш ва ташаббус билан чиқиш яхши натижа беради. Меъёрни унутмаган ҳолда, албатта.

Янги жой

Эркак янгиликка ўч мавжудот. Жуфтингиз сиз яратган янгиликдан факат хурсанд бўлади, ишонаверинг. Муҳими бир хилликдан қочиш керак.

Кутилмаганда...

Баъзан кутилмаганда, уни огоҳлантирмасдан очикроқ кийим билан қархисида пайдо бўлишингиз ҳам интим ҳаётингизда ўзига яраша аҳамият касб этиши мумкин.

Муҳими буларнинг бари аёллик назокати ва макри билан уйғунлашиши керак.

* * *

Мутойиба

– Эрингни эҳтиёт қил, дугонангни ўғри тутма!

* * *

Хурматли аёллар! Унутманг, эркак зоти “ўша ишни” яхши кўради. Шу боис, табиийки, у худди ўзига ўхшаган жуфт – партнёрни хоҳлайди. Агар ҳадеганда жуфтининг “боши оғриб”, раъий қайтараверилса бу эркак психологиясига қаттиқ зарба беради. Жуфтидан кўнгли совиди, оиласига интилмай кўяди, ўзига ишончи пастлаб кетади. Кайфияти ҳам ёмонлашади. Қарабисизки, оиласига уруш-жанжаллар, арзимаган нарсадан айб топишлар бошланади.

Ечим:

1. Йўлини қилиб, кечқурунга озроқ куч қолдириш.
2. Ўзингизни “ўша ишни” яхши кўрадигандек кўрсатиш.
3. Эрнинг раъини қайтармаслик.

Сөнгөлар

Жуда истамаётган бўлсангиз ҳам, бу бир ибодат, ҳозир ибодат қилиб, ажр оляпман денг. Жараён анча осонлашади.

“Агар эр тўшагига чакирганда хотин рад килса, то тонг отгунча ўша хотинга малоикалар лаънат айтиб чиқади” деган маънодаги машхур ҳадисни ўқигансиз ёки эшигтгансиз, албатта. Шу томондан кўнглини овлаб қўйсангиз, унча-мунчага жанжал қила-вермайди эркак.

Ҳадисга ҳам қаранг, овқат пишириб бермаса, кирини ювмаса эмас тўшагига келмаса, дейиляпти.

Хулоса: тўшак овқатдан ҳам муҳим экан.

Сөнгөлар

Эркакни жалб
қилишининг анъанавий
усулиари

С. А. МАСЛОВ

Агар сизнинг интим ҳаётингиз рисоладагидек кетмаётган бўлса ва сиз эрингиз эътиборини жалб қилиш ҳақида тез-тез ўйлаётган бўлсангиз, демак – ўзгаришнинг айни вақтидасиз.

Халос бўлишингиз керак бўлган нарсалар:

1. Эски уй кийими, шаклсиз тунги кийим ва ранги ўчган пижамалар – улардан воз кечинг.

Аёлнинг, айникса, ич кийимлари эркак эътиборини тортадиган, пижама ва халатлар ўта қўзғатувчи эмас-ку, аммо шунга бироз “шама” қиласдиган бўлиши керак.

2. Кон босим ўлчагичи, мазъ, шамоллашга қарши свеча-шамлар, оғриқ қолдирувчи ҳар қандай таблеткалар:

Уларни аптечкада сақланг ва эрингизнинг кўзи тушмаслигига имкон борича интилинг... Ҳа, айтган-

ча, унинг эътиборини тортиш учун ўзингизни касал қиёфага солиш ҳам сиз кутган натижани бермайди. Доимо касал хотин энг камида эркакда жинсий рағбат ўрнига раҳм-шафқат ва ачиниш туйфулариниги на уйғотади, холос.

3. Эски парфюм ва атири-упадан воз кечинг.

4. Ранги ўчган эски чойшаб – бу никоҳнинг узоқ йиллари ва рўзғор ташвиши ҳақида жуфтингизга эслатиб туради. Бу кўриниш билан уни жалб қила олмайсиз. Ётоқ чойшабини ўзгартириб туринг ва чиройли ҳамда ёқимли ранглисидан танланг...

Ётоқхона интерьери ҳақида бош қотириш лозим. Ўзингизга ёқадиган ва нафис ҳиссиёт уйғотадиган ётоқхона интерьерини интернет ёрдамида танлаш имкони мавжуд.

Кўпинча сизни уй кийимида кўришга ўрганиб қолган жуфтингизни тез-тез ҳайратда қолдириб туринг. Меҳмонга ёки кафега бирга борганда киядиган чиройли кийимларингизни эрингизнинг ишдан келишига кийиб олинг. Енгил макияж ҳам эсдан чиқмасин. Айтганча, севгилингиз олдида табассум билан, ноз-карашма қилиб юришни ҳам унутманг.

Оилавий ҳаётнинг маълум бир босқичида бир хиллик ва зерикиш пайдо бўлади ва баъзи эркаклар ҳар хил “видеолар” ёрдамида ўтқир ҳиссиётларни эслашга интилса, яна баъзилари четдан янги “шерик” ахтаришга тушиб қолади.

Эрингизнинг сизга қизиқишини сўндиримаслик учун интим ҳаётингизга янгилик киритишдан чарчаманг:

– Ётоқхонангизни вақти-вақтида гуллар билан бе-зантг, умр йўлдошингиз ёқтирадиган хушбўй ифорларга тўлдиринг, доимо сокинлик бахш этар даражада хонани тартибга келтириб қўйишни унутманг. Жуфтингизнинг кўзини қувонтирадиган муҳитни шай қилингки, буларнинг барчаси ишқий муносабатларингизни янгича тус олишига ёрдам берсин.

– Чарчаган эрингизни шунчаки массаж қилиб қўйишни таклиф қилинг ва албатта, унга ёқадиган қилиб уқаланг.

– Интим муносабатларда жуфтингизга ўзининг КУЧЛИ эканини ҳис қилиш имконини беринг. Бу эр-как учун жуда муҳим.

Сабоъл-жавоблар руҳни

Сабол: Қўшнимизнинг қизи севишиб турмуш курган. Аммо эри билан кўп уришади, қачон қарама уйига аразлаб келади. Кеча яна урушиб келиб қолибди, дейишидди. Эрининг телефонда бегона аёл билан ёзишганини кўриб қолганмиш.

Маҳалламиздаги хотинларнинг айтишича, унинг ҳар сафарги жанжал-тўполонига шу телефон сабаб бўлар экан. Ўзи мусулмончиликда эр хотинининг ёки хотин эрининг телефонини рухсатсиз кўриши, смисла-ри-ёзишмаларини ўқиши мумкинми?

Жавоб: Сиз тилга олган муаммо бугунги куни-мизнинг энг оғриқли масалаларидан бирига айла-ниб улгурди.

2016 йил ҳисоб-китобларига кўра оиласвий ажрим-ларнинг 20 фоизига телефон сабаб бўлган.

Ислом динида эркак ва аёл никоҳ аҳдига мувофиқ турмуш қуарар эканлар, бу никоҳда уларнинг ҳар иккиси – эркак ҳам, аёл ҳам ўзларининг ҳақ ва хуқуқла-рига эгалар ва улар ўртасидаги муносабатлар ана шу ҳақларга мувофиқ юритилади.

Эркакнинг хотинига қулга қилгандек муомала қилиши, уни эксплуатация қилиши, хотинининг шахсий буюмлари – телефони, ҳамёни ёки шкафини доимо текшириб туриши мумкин бўлмаганидек, аёлга ҳам эрининг телефони, машинаси, ҳамёни ва бошқа шахсий буюмларини унинг рухсатисиз кўриши ёки текшириши мутлақо мумкин эмас.

Бундай хатти-харакатлар – жосуслик ҳисобланади.

Жосуслик эса, динимизда ҳаром қилинган.

“Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳdir. Жосуслик қилманглар...” (*Хужурот сураси, 12-оят*).

Эрининг шахсий худудларига дахл қилмаслик учун аёл ўзининг Аллоҳнинг кузатувидаги эканини ҳис қилиши керак. Ўзидан бошқанинг, хусусан, эрининг шахсий буюмларини яширинча кўриши Аллоҳ маън қилган ишлардан эканини, эрнинг телефонини хуфёна текшириб гуноҳ орттириши, буни тарк қилиб эса ажр-савобга эришишини теран англаши лозим.

Ҳаётий кузатувлар ҳам шуни кўрсатяптиki, эрининг телефонини яширинча кўриш яна аёлнинг ўзига зарар бермоқда, руҳиятини ағдар-тўнтар қилиб, оиласдаги жанжал-тўполонлар, кўнгил қолишлар ва ажримларга сабаб бўлмоқда. Оқибатда эса бундан энг кўп жабр кўраётган яна аёлнинг ўзи, фарзандлари ва яқинлари бўлмоқда.

Кўшнингизнинг қизига келсақ, у эрини текшириши эмас, унга ишониши, сабр қилиши ва эрининг ҳаққига дуо қилиши керак... Эри ўз қилмишларига Худо-

нинг олдида ўзи жавоб бериши, ўзининг ҳам қилган ҳар бир ишидан Қиёмат кунидан (жумладан, эрининг телефонини рухсатсиз кўришидан ҳам) сўроқ қилинишини ёдда тутиши керак. Валлоҳу аълам.

* * *

Савол: Ёшим 31 да. Оилалиман, лекин эрим билан муносабатим кўнглимдагидек эмас. Эримга ёкиш учун киприк улатиб, лабимни ботекс қилдирдим. Эрим барибир кўчадаги аёлларга қарайпти. Бир неча марта кетиб қолдим, яна қайтиб келдим. Кўкрагим кичкина, силикон кўкрак қўйдирмоқчиман? Динда мумкин эмас, дейишиди, лекин оилам мустаҳкамлиги учун қўйдирсам бўладими?

Жавоб: Масаланинг шаръий томонига тўхталмаймиз. Зоро, нафақат сунъий кўкрак операцияси, балки Аллоҳ яратган ҳар қандай аъзони, қиёфани ўзгартириш динимизда қатъий ҳаром экани кўпчиликка маълум.

Келинг, масалани бошқа томондан кўриб чиқамиз.

Саволингизга қараганда, сиз эрим билан муносабатим яхши эмаслигига ташқи кўриниш имсадабчи, деган фикрдасиз. Гуноҳ эканини билсангиз-да, қиёфангизни тинмай ўзгартираётганингиз буни кўрсатиб туриди. Катта эҳтимол билан кўкрак операцияси ҳам охирги процедура бўлмайди сиз учун. Энг аввало, эрек билан мустаҳкам муносабат фақат ташқи кўринишга боғлиқ, деган нотўғри фикрни миянгиздан чиқариб ташланг. Тўғри, эркакларни чиройли ташқи кўриниш, гўзал қомат ўзига жалб қиласиди. Аммо, мустаҳкам муносабат учун фақат бунинг ўзигина етарли эмас.

Мисол учун, машхур голливуд актрисаларини олайлик. Бенуқсон қадди-қомати, кўз қамашадиган даражадаги гўзаллиги билан тинимсиз эрга тегади ва ажрашади. Тегади, ажрашади яна ва яна... Навбатдаги эрнинг қачон келиши аввалги эрнинг хотинидан, хотиннинг эридан қачон зерикишига боғлиқ. Эркак учун фақат ташқи гўзалликнинг ўзигина етарли эмаслигининг исботи улар.

Бир оила бўлиб яшаш учун кишига фақат шахвоний хирсинигина қондириш етарли эмас. Оилада эр хотинидан, хотин эридан сакийнат, ором топиши керак. Аёлнинг ташқи гўзаллиги ана шу сакийнатга олиб борувчи факторларнинг бири холос, ҳаммаси эмас.

Сиз эрингиз билан баҳтли бўлишни истасангиз, нафақат ташқи қиёфандизни балки, уйғун ҳолда туумларингизни ҳам ўзгартиришингиз керак.

Эрингиз бошқасини топиб олишидан кўрқишингизга келсак, агар уйида жанжал бўлаверса, эркакнинг хотири жам бўлмаса, сиз “дунё гўзали” бўлсангиз-да, у шундоғам бошқасини топиб олади.

Тинимсиз “гўзаллашибни” истаётганингизга қарандада, сиз ташқи кўринишингизга эътиборлisisiz. Шунинг учун ҳам, бу борада сўз очмай, сизга эркак рухияти эҳтиёж сезадиган қадриятларга кўпроқ ургу беришни маслаҳат берган бўлардим. Масалан: у эркак, у оила бошлиғи. Унинг табиатида РАҲБАРлик инстинкти бор. Бу билан ҳисоблашмаслик аёл учун катта минус. Агар сиз унинг ҳурматини жойига қўймасангиз, оилада устун экани туйғусини бермасангиз унинг ғурури топталади.

Эрингиз сизга нимадир дедими, дарҳол “хўп бўлади” денг. Тортишиб қолдингизми, гарчи ҳақ бўлсан-

гиз ҳам ўша тобда гап қайтарманг. Хато қилса, шартта бетига айтмасдан, кайфияти яхшилигига ётиғи билан тушунтиринг. Эркаклар танқидга жуда таъсирчанлар. Буни ҳисобга олинг. Унга оиласа эркак экани, кучли экани туйғусини беринг. Ҳаттоқи түшакда ҳам.

Эркакка у билан олишадиган, чарсиллаб гап қайтарадиган аёл ёқмайди. Одоб-ахлоқ, назокат ва итоат аёл кишининг энг гўзал макияжи, аслида.

Кўпроқ ўз устингизда ишланг. Оила психологияси, эркак руҳияти борасидаги мақолалар, китоблар ўқинг. Атрофингиздаги эр-хотин аҳил бўлган оиласарни кузатинг, аёлнинг тутумларини таҳлил қилинг ва ўрганинг.

Силикон кўкракка келсак, эрингизнинг розилигиги Роббингизнинг розилигидан устун қўйманг.

Саломатлигингизга жиддий хавф солиши бу энди алоҳида масала.

* * *

Савол: Аёл оиласа эрининг масъулиятларини кўтариши тўғрими?

Жавоб: Биз аёллар ҳиссиётга берилувчан, раҳмдил мавжудотлармиз. Баъзилар жуфтига раҳми келганиданми ёки унга янада ёқиш илинжидами, эрининг масъулиятларини ҳам ўз зиммасига олишга мойил бўлади.

Эркакнинг вазифаларини бажариб, эрини аяган ёки унга ёқишга интилган аёл бу иши билан бора-бора эрини бўш-баёв лапашангга айлантиради. Энг ёмони рўзғор бўйинтуруғини ҳам ўзи англамаган ҳолда ўз бўйнига илиб олади.

Бу билан энди эркакнинг оилада иштироки унчалик шарт бўлмай қолади. Ҳаммасини аёл ҳал қиласди, кечиради, чидайди, сабр қиласди ва бу ЭРКАК учун қандай ҳам мазза! Эр хотиржам, фақат оқим бўйлаб сузади ва пассив позицияга ўтиб олади. Оқибатда ўринлар алмашиб қолади: аёлнинг қатъияти эркакнинг сустлигига олиб келади, хотиннинг фаоллиги эрнинг дангасалигини кучайтиради. Лекин бундай бўлиши керак эмас!

Эрингизни қанчалик яхши кўрманг, унга меҳрибонлик қилиш сизга қанчалик ёқимли бўлмасин, унинг масъулиятларини асло бўйнингизга ола кўрманг, ойим!

Уйга бозорлик қилиш, куйган лампочкаларни алиштириш, эшикка келган МИБчиларга басти-жавоб қилиш ва хоказолар сизнинг масъулиятингиз эмас!

Агар унинг вазифаларини ўзингиз бажариб қўяверсангиз эркакнинг чақалоқдан ҳеч қандай фарқи қолмайди. У диванда ётиб олиб, инжиқлик билан эътибор талаб қиласди, холос.

Энди ўйлаб кўринг, бу сиз истаган муносабатми?

* * *

Савол: Тўйимизга 5 йил бўлди. Эрим кўпинча менга бақирадилар. Мен ҳатто, у кишига телефон ҳам қила олмайман. У киши сабабсиз тел қилишимни тақиқлаб қўйганлар.

У кишининг кўнгилларини ҳеч топа олмаяпман. Яна у киши мени ноҳақ ҳақорат қилганларидан кейин кечирим ҳам сўрайдилар. Нима қилсам бўлади?

Жавоб: Эрингизнинг ўзини бундай тутишининг сабалари бир нечта бўлиши мумкин. Улардан бири

унинг темпераменти ва характерининг баъзи жиҳатидир.

Кўпинча, барча темпераментлар орасида таъсирчанлик ва сабрсизлик ХОЛЕРИКларга хос бўлади. Аммо улар кўнглига йўл топиш осон. Бу эса ўзаро муносабатларда унинг ва ўзингизнинг эҳтиёжларингизни осонлик билан қондириш имконини беради.

Эркак кишининг келиб, хотинига бесабаб бақириши бироз нотабиий.

Сиз эргизнинг айнан қайси пайтда асабийлашаётгани, бунга нималар сабаб бўлаётгани ва келишмовчилик нималардан келиб чиқаётганини кузатинг. Кейинги тутумларингизда шу хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилинг. Ўта арзимас нарсаларга ҳам асабийлашаверадиган бўлсалар, сиз бу бақиришларни юрагингизга яқин олманг. У кишини касал, инжиқ болангиз, каби тасаввур қилинг ва бағрикенглик билан муомала қилишга ҳаракат қилинг. Ахир, болангиз касал бўлиб, хархаша қилса, ундан хафа бўлмайсиз-ку!

Эҳтимол, телефон қилаверишингиздан жаҳли чиқиши сизларнинг бутунлай фарқли дунёқарашларингиз сабаблидир. Масалан, сиз учун (умуман аёл киши учун) эри билан тез-тез телефонлашиш ўта муҳим ва катта аҳамият касб этади. Аксар эркаклар учун эса, бу бекорчилиқдан бошқа нарса эмас. Мана шундан бир-бирини тушунмаслик келиб чиқади.

Таъбхираликка сабаб бўлмаслиги учун яххиси бундай қўнғироқлардан воз кечиб қўя қолган маъқул.

Ғазаб отига минган эркак бамисоли атом бомбасига ўхшайди, бир портрайди-ю дархол ўчади. Ғазаб-

ланган аёл эса шамга ўхшайди, секин ёнади лекин узок, тутаб ёнади.

Эрингиз ғазабланганида сиз унингизни чиқармай туринг. У бир портлаб олганидан кейин айтадиган гапларингизни гапираверасиз.

Эрингизнинг қилган ишидан пушаймон бўлиши ва сиздан узр сўрашига келсак, буни паст баҳолашингиз нотўғри. Яхшиси сиз уни кечиришингиз ва унинг гапларидан хафа бўлганингизни жаҳл қилмасдан айтишингиз керак.

Агар эрингиз сизни севса, гапингизни эътиборсиз қолдирмайди.

* * *

Газ баллон тугаса, силкитиб... Шампунь тамом бўлса, сув қуиб чайиб... Батарея тугаса, эзиб-пачоқлаб ишлатган, Азизам...

Танангиздаги триллионларча хужайрани мукаммал ва қусурсиз бир шаклда ҳаракатлантираётган Роббингиздан ҳеч қачон умидсиз бўлманг.

Ҳаётда мاشаққат бўлиши ўзгармас қоида экан, Роббимизнинг афвига, ризосига эришиш учун буйрукларига “лаббай” дея ўз нафсини қийнамаслик, машаққат чекмаслик не ажиб, не фариб.

“Қайси пайтки, йўлимни сен томон бурдим, яраларим битди, юрган йўлларимда чечаклар очилди, эй Роббим”.

Сўнгсўз ўрнида

Инсон оиласида хотиржам бўлмас экан, бош-ка соҳаларда ҳам муваффақиятга эриша олмайди. Қанча кўп пул топмасин, иш жойида қандай ютуқларга эришмасин ёки бизнесда қанчалик илғор бўлмасин, агар у оиласида баҳтли бўлмас экан, унга ҳеч нарса том маънода шодлик келтирмайди, роҳат бермайди. Ичиди бир нарса симиллаб, оиласидаги ху-зурсизликни эслатиб тураверади.

Эҳтимол, сизга ажиб туюлар, аммо буларни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман.

Оила ҳеч қачон ташқаридан бузилмайди. Тўғри, баъзи омиллар сабаб оила девори дарз кетиши мум-киндир, аммо пойдевори мустаҳкам уйга зилзила ҳам, шамол-ёмғирлар ҳам, йилларнинг ўтиши ҳам ўз таъсирини ўтказолмаганидек, ўзаги бакувват оилалар ҳам унча-мунча силкинишга матонат кўрсатиб, тик тураверадилар.

Оила оғир асоратларидан кейин ўзи азоб чекадиган эр ва хотин қўллари билан бузилади.



Ҳар бир баҳтсиз оиласа эр ҳам, хотин ҳам ўзи жаллод ва ўзи курбондир...

Ажралишлар сони тобора ўсиб бораётган бугунги кунларимизда ОИЛА ИЛМИНИ ўрганиш ва ўргатишга, такомиллашишга, ўз устимизда ишлашга ҳар доимгидан-да муҳтожмиз!



МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Оила илми.....	5
Таҳлилий мuloҳазалар ажрашишнинг асосий сабаблари.....	41
Суюкли рафиқа бўлишнинг 8 тамойили.	44
Биласизми нега кучли аёлларнинг ёлғиз қолиш эҳтимоллари катта?	48
Эркакларга ёқадиган 6 ибора	55
Оила қуриш арафасида турган ёшларга 5 та муҳим тавсия	68
Эркакларга қандай аёллар ёқади?	73
Аёл!	77
Эр аёлининг ташқи кўринишидан кўнгли тўлмай қолганда нима қилиш керак?	81
Оилада айтилмаслиги керак бўлган жумлалар	87
Севадими ёки йўқ...?.....	91
Беш нарса сизни стрессдан қутқаради	106
Сериаллар бизга бераётган тушунчалар.....	108
Ҳузурли ва энергияга тўла бир ҳаёт учун:.....	111
Қачонки – биз ростгўй бўлсак!!!	154
Шаҳризоданинг 4 олтин қоидаси	159
Қизғаниш ҳақида.....	171
Эркаклар нега хиёнат қиладилар?	176
Эр дегани мана бундай бўлибди.....	178
Эркак қачон уйдан безийди?	180
Яхши рафиқа 18+	201
Ўз эрини “йўлдан уриш” мумкинми?	204
Қулоққа айтиладиган гаплар.....	207
Эркакни жалб қилишнинг анъанавий усуллари	210
Савол-жавоблар рукни	213
Сўнгсўз ўрнида	221

ЗУБАЙДА ЗОКИР ҚИЗИ

ДАДАЖОНИСИ
Оила саодати сурлари

Мұхаррир М. Дусиярова

Бадий мұхаррир М. Маҳкамов

Мусаҳхих А. Мустафоева

Техник мұхаррир Е. Сибаева

Сахифаловчи ва дизайнер И. Икромов

Тасдикнама рақами АI № 7069 22.10.2020.

Босишига 2022 йил 8 апрелда рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.

Шарт. бос. таб. 11,76. Нашр. бос. таб. 7,51.

Адади 1000 нұсқада. Буюртма № 81.

Баҳоси келишилган нархда.

“ZUKKO KITOBXON BOSMAXONASI” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Лангар күчаси, 78-үй.